





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

«Ўзпахтасаноат» УЮШМАСИ

**ПАХТА ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА
ЙЎРИҚНОМА**



ТОШКЕНТ - 2004

877.03

П-26



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

«ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ

ПАХТА ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА

ЙУРИҚНОМА

Тошкент – 2004

БИБИСТЕКА

Бух. тип. № 1

№ 11-9309


УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
«УЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хужалиги
вазирини



2004 йил «30» деган

ТАСДИҚЛАЙМАН
«Узпахтасаноат»
уюшмасигин ошикарув
реквизитиги барорчи
Фаридбеков



2004 йил «30» деган

ПАХТА ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ҮЙИЧА
ЙУРИҚНОМА

Тошкент - 2004

Йўриқнома "Paxta tozalash ПСChB" очиқ акциядорлик жамияти томонидан "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиши мутахассислари иштирокида қайта ишланди

Бошқарув раиси

Р.Ф. Юпусов

Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари

В.Г. Ракипов

Ижрочилар: "Paxta tozalash ПСChB" очиқ акциядорлик жамиятидан:

Азизходжаев У.Х. – Хомаше муаммолари ва иқтисодиёт бўлимининг мудири, Эркабосев С. стакхи мутахассис.

"Ўзпахтасаноат" уюшмасидан:

Боқилов К. – Иқтисодий таҳлил, прогнозлаштириш, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси бошлиғи, Умархўжаев Х.Х. – Пахта ва ургуллик чигит тайёрлаш бўлимининг бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан:

Мубораков А. – Пахтачилик ва техник экишларни ривожлантириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, Солихўжаев Н.А. – Республика гўза уруғчилиги бошқармасининг бош мутахассиси

Ҳаракат муддати
2005 йил "01 январ дан
2010 йил "01 январ гача

Азизходжаев У.Х.
Тел: 56-13-69

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу йўриқнома тайёрлов пунктлари, пахта тозалаш корхоналари, фермер, ижара хўжаликлари, ширкат уюшмалари ва бошқа қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ташкилотлари учун пахтани териш, тайёрлаш ҳамда уни сақлашни уюштиришдаги амалий иш фаолиятида қўлланма ҳисобланади.

2. ПАХТА ТЕРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

2.1. Пахта етиширувчи фермер, ижара хўжаликлари, ширкат уюшмалари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари* пахта теримига киришишдан 10 кун аввал қўйидаги ишларни бажаришлари шарт:

йўллар, кўприклар, хирмонлар, бостирма айвонларни тайёрлаш, эски мавжуд майдончаларни таъмирлаш, янгиларини куришни тугаллаш, этаклар, тош ва тарозлар билан таъминлаш;

теримчи хашарчилар, механик-хайдовчилар учун дала шийпони ва ётоқхоналар билан таъминлаш ва уларни санитария-гигиеник талабларига жавоб бера оладиган даражада тайёрлаш;

ҳар бир дала учун ғуза сўнгти марта кимёвий препаратлар билан қайта ишланган муддатларни, қўлланилган препаратлар, майдон (ектар) бирлигига сарфланган иш суюқлиги ёки қуруқ препарат меъерини кўрсатган ҳолда далолатнома тузиш;

хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва фермерлар ғузаларни заҳарли химикатлар билан ишлашнинг белгиланган муддатларига қатъий амал қилишлари лозим. Далолатнома хўжаликларда раҳбарлар ва фермерлар томонидан ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агроном иштирокида имзоланиши керак;

ҳосилнинг пишиб етилишини ҳисобга олиб, машина ва қўл теримини ўтказиш юзасидан фермерлар ва умуман хўжалик бўйича иш режаси ва жадвал тузиб чиқилиши зарур.

2.2. Пахта териш ва кўсак териш машиналари, механик подборщиклар, кўсак чувиш машиналари, техник хизмат

*Бундан буён матнда фермер, ижара хўжаликлари, ширкат уюшмалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари «хўжаликлар» деб юритилади.

курсатишининг механизация воситалари, ёнилғи қўйиш ва юк ортиш воситаларини тайёрлаш белгиланган муддатларда тугалланиши лозим. Тегишли терим агрегатлари осиладиган тракторлар ҳам худди шу муддат ичida тайёрланган булиши керак.

2.3. Туман Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими, ҳўжалик мутахассислари билан пахта терими бошлангунча теримчилар, фермерлар, пахта топширувчилар, қабул қилиб олувчилар ҳамда пахтани қўлда ва машинада териш, қуритиш, ташиб ва топшириш билан боғлик бўлган ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини ўтказишлари, уларни пахтага белгиланган стандарт талаблари, стандарт намуналари ҳамда мазкур йуриқнома билан таништиришлари зарур. Пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларини тайёрлаш ва уларга машина ва участкаларни биректириб қўйиш ишлари машина теримига тушишдан камида 10 кун аввал тугалланиши керак.

Гуман Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими машина терими бошлангунга қадар механик-ҳайдовчилар учун пахта териш техникасидан унумли фойдаланиш, пахта нобудгарчилигига йул қўймаслик юзасидан малакали мутахассислар, пахтани машинада териш усталари иштирокида амалий кўргазмали кенгаш ўтказишлари зарур.

2.4. Узун ва ўрта толали навларнинг элита ва биринчи авлоди ҳосилини машина теримига ажратиш мумкин эмас.

2.5. Теримга киришишдан аввал машина теримига ажратилган майдончалардаги бегона ўтлар тұла олиниб ташланади, ўқариқлар текисланади, машина далага кирадиган йўллар тайёрланади.

Дефолиация бошлангунга қадар далаларнинг машина терими талабларига мослиги текширилади, аниқланган камчиликлар бартараф этилади.

2.6. Самолётлар қўнадиган майдонлар, заҳарли химикатлар аралашмаси ва эритмаси тайёрланадиган идишлар, шунингдек ҳўжаликдаги пахтага дефолиантлар билан бериш учун зарур ер тусти механизмлари ўз вақтида тайёрланади.

Дефолиация ўтказишда қатнашувчи барча ходимларни хавфсизлик техникаси буйича йуриқнома билан таништирилади. Заҳарли химикатлар билан бевосита ишлайдиган ходимлар шахсий ҳимоя воситалари: маҳсус кийимбош, респиратор,

күзойнак, нейтралаштирувчи препарат ва ҳоказалар билан таъминланишлари шарт.

2.8. Дефолиация пахта экиладиган шимолий районларда ғұза тупида иккита күсак, марказий районларда 50 % күсак, жанубий районлар – Қашқадарे, Бухоро, Сурхондаре вилоятида 3-4 күсак очилғанда үтказилади. Узун голали ғұзалар 60 % күсак очилғанда дефолиация қилинади. Дефолиация үтказиш мұддатлари, дефолиантларнинг турлари ҳамда уларни құлланиш мөйөрлари табиий-икәним шароитлари ва ғұза ривожининг ҳолатына қараб белгиланади.

Машина теримига ажратылған уруғлик участкалардаги ғұзаларга юмшоқ таъсир этувчи дефолиантлар билан ишлов бериш керак.

2.9. Машина терими талабларига жавоб бермайдыган (бегона үтлар бор, ғұзадаги баргларнинг 75-80 фоизи түкилмаган, баргларнинг қайта усиши кузатылаётганды ҳоказо) далаларда пахтани машинада териш қатиян ман этилади.

2.10. Машина теримига ажратылған далаларда ёппасига дефолиация үтказышдан 3-5 кун аввал машина буриладиган 7-8 метр кенгликтеги майдон пурковчи тракторлар билан дориланиш лозим. Бу ерда ғұза тупларидаги очилған пахта құлда териб олинади ва бир чеккага уйиб күйилади. Кейин ер грейдер ёки бульдозер билан текисланади.

3. ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Пахтани машинада теришда ишнинг анча илғор усули, яни дала – бункер – тележка – тайёрлөв пункти оқими технологияси қулланиши керак. Даланы машина теримига тайёрлаш, пахтани териш, ташиш, техник ва маданий-мәнишіл хизмат күрсатыш звеноларидан иборат терим-транспорт отрядларини ташкил қилиш тавсия этилади.

3.2. Пахта шпинделли машиналар билан териб олинади.

Ҳосилнинг қолған қисми күсак узиш машиналари билан ёки құлда териб олинади.

Машиналарда терилган уруғлик пахта чигитнинг бир фоизгача механик шикастланишга (зараrlанишга) йўл қўйилади.

3.3. Уруғлик участкаларда машина терими бошлангунга қадар, вилт ва бошқа касалликларга чалинган барча пахталарни қўл билан териб олиш зарур. Бундай пахта тайёрлов пунктига техник хомашё сифатида топширилади.

Пахта териш машиналари бункеридан тиркамага тўкилгач, усти мато билан ёпилиб, тайёрлов пунктларига жўнатилади.

Пахтани ташиб тиркамалари трактордан тиркамани тормозлаш узатмасига пухта ва ишончли уланган тақдирдагина ишлатилиши лозим.

Пахта териш машиналари ва транспорт воситаларининг ишини шундай ташкил этиш керакки, пахтани ташиб ва тайёрлов пунктига топшириш технологияси бузилмасин. Машинада терилган пахта ўша купи тайёрлов пунктига жўнатилмаган бўлса, тиркамага юклangan ва усти мато билан ёпилган ҳолда қолдирилади ҳамда эртаси куни эрталаб тайёрлов пунктига жўнатилади.

3.4. Машинанинг сифатли ишлашини, очилган пахталарни тўлиқ териб олиши ва ерга тўкмаслигини таъминлаш чораларини кўриш керак.

3.5. Машина терими пайтида пахтанинг мой билан ифлюсланмаслиги учун мойлаш материалларининг гўза тупига, шпинделларнинг устки қисмига, чуткаларга ва вентилятор тасмаларига оқмаслигини таъминлаш зарур.

3.6. Кўлда ердан териб олинган пахтанинг сифати ёмонлашмаслиги учун уни қуритиш, тозалаш ва топширишни пайсалга солишга йўл қўйилмайди.

Кусак узиш машиналари ва механик подборшикларда терилган пахта намлиги ва ифлюслиги 22 фоиздан юқори булмаган ҳолга келтириб, дала шароитида қуритилиши ва тозаланиши зарур.

Механик подборшикларда йиғилган пахта уюми қўёш нури яхши тушадиган майдончага юпқа қилиб ёйиб кўйилиши ҳамда тезроқ қуриши учун паншаха билан тез-тез ағдариб турилиши даркор. Бунда пишмаган кусаклар алоҳида қуритиш учун ажратиб олинади.

Қуритилған уюм даладаги күсак чувиш машинасида тозаланиб, тайсров пунктларига одатдаги тартибда жұнатылади.

Машина теримидан кейин құлда ердан йиғишириб олинган пахта ҳам худди шу тартибда қуритылади ва тозаланади. Машинада ва құлда терилған пахтани марказий хирмонда қуритиш ва тозалаш ҳам мүмкін.

4. ПАХТАНИ ҚҰЛДА ТЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Құл терими бегона үтлардан тозаланған далаларда түрт марта үтказылади.

Бириңчи терим ғұза тупида үртача 3-4 күсак тұла очилған пайтдан бошланади.

Иккінчи теримде ғұзанинг үсіш даври тугагунча тұла очилған пахта териб олинади.

Бириңчи ва иккінчи теримде ҳали яхши очилмаған күсаклардан хом пахтани чувиб олишга, шунингдек, шудринг тушганды пахта теришінде үйлесілмейді.

Учинчі ва түрткінчи теримларда ғұза тупида қолған барча пахта териб олинади.

4.2. Уруғлик пахта үрта толали навларда сакқизта, узун толалида үнта мева шохигача бириңчи, иккінчи үринде жойлашған чаноқлардаги пахтани құлда бир-икки мартада териб олинади. Бириңчи теримге қаралғанда үртача 3-5 та етук, яхши очилған күсак бұлғанида киришиш керак. Уруғлик пахта 10 октябрғача, Қарақалпоғистон Республикасида ва Самарқанд вилоятіда 15 октябрғача териб олинниши керак.

4.3. Пахта терими ёппасига бошланғунча барча сувсизликдан қуриған участкалардаги ҳамда заарқунанда ва касалликларға чалинған далалардаги, навға хос зәмас бұлмаган түпнұрада пахта териб олинниши керак. Бундай пахта тұдаларидан алоқыда техник пахта сифатыда топширилади.

4.4. Пишиб етілмаган пахтани териш, пахтани әмбеттілі кунда териш қатынан ман этилади.

Еңінгарчиликдан кейин теримге ғұзалар яхши шамоллагандан кейин киришиледи. Хұл пахта асфальт есінің бояшқа

қаттиқ тұшама ётқизілған майдонларда ёйіб, қүесда қуритилади.

Пахтани йұлларда ва қуритишга мосланмаган жойларда қуригиш тақиқланади.

Пахта нобудгарчилиги билан боелиқ камчиликлар аниқланғанда, пахта чаноқда қолдирилғанда, ифлосланған, касаллікка чалинганды пахта соғлом пахтага аралаштириб юборилғанда, шунингдес хом пахта терилилғанда үзлари йұл құйған камчиликларини айбдорларнинг үзлари тузатадилар.

4.5. Пахта теримида месъёр белгилашда теримчиларнинг юксак унумли мәжнатини ва терим сифатини таъминлаш заруратидан келиб чиқиши лозим. Уруғлик пахтани теришда иш месъерини 20-25 фоизга қисқартыриш лозим. Хұжаликларда уруғлик пахтани қабул қилиш ва қуритиш учун алоҳида майдонлар ажратилиши зарур. Уруғлик пахтани құлда теришда пахтадағы чигитнинг фақат 0,5 фоизи шикастланишга йұл құйилади, холос.

Теримчилардан пахта бевосита далада қабул қилиб олинади ұамда тұхтөсиз равища хирмонга жұнатылади.

4.6. Пахта тайёрлов пунктларига трактор тиркамаларида ёки мослаштирилған юқ автомашиналарыда келтириледи. Уруғлик элита пахта янги қопларда олиб келинади ва берк хоналарда сақланади.

Ташлаётган пахтанинг усти мато билан ёпилған булиши керак.

Теримда, қуритишда ва ташишда пахта нобудгарчилигига йұл құйилмаслик лозим.

4.7. Хирмонларни имкони борича ариқлар ва бошқа сув манбалари ёніга жойлаштириш керак.

Агар бундай имконият бўлмаса, сув тұлдирилған бочка ёки чекаллар ҳозирлаб қуйилади. Хирмонларда чекиш, унга яқин жойда гулхан ёқиш, үчоқ қуриш, ёритиш учун шам, машъала ва гугуртдан фойдаланиш қатиян ман этилади.

Тиркама ва курак чувиш машиналари билан ишлаётган барча тракторлар, пахта териш ва күсак узиш машиналари учқун үчиргич ва үтүчиригичлар билан таъминланған булиши керак.

Машиналарга хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсизлик техникасига риоя этиш бўйича алоҳида кўрикдан үтадилар.

Ишлаш учун хавфли жойларга тегишли түсікүлар құйилади.

Хирмонларга хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши кураш бүйича огоҳлантирувчи ёзувлар осиб қўйилади.

5. ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5.1. Пахта сотиш бүйича белгиланган топшириқларни бажариш, уни уз вақтида қабул қилиш, түгри жамлаш, марказлашган усулда қуритиш ва тозалаш ҳамда яхши сақлашни таъминлаш мақсадларида пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пункктларига қўйидаги вазифалар юкланди:

- пахтани сотиш учун хўжаликлар билан контрактация шартномаси тузиш ва бу шартноманинг бажарилшини назорат қилиш;

- хўжаликларда пахтани машинада ва қулда сифатли теришни ташкил этиш ва таъминлаш ҳамда уни түгри саралаш бўйича тушунтириш ишларини ўтказиш;

- хўжаликларни амалдаги давлат стандартлари, пахта ҳарид нархлари бўйича нархномалар ва бошқа мөъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

- давлат стандартлари, пахтанинг ҳарид нархлари бўйича асосий қоидаларни, хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши кураш бўйича огоҳлантирувчи ёзувларни давлат тилида ёзиб, куринадиган жойларга осиб қўйиш;

- пахтани қабул қилиш, жамлаш, ташиш ва сақлашда механизмлардан тўлароқ фойдаланиш;

- транспорт воситалари, омборлар, майдончалар, тарози ҳужалиги, брезентлар, лаборатория жиҳозлари, асбоб ускуналар, уров ва бошқа хўжалик материалларидан унумли ва тежаб фойдаланиш;

- пахтани давлат стандарти талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўз вақтида ва узлуксиз қабул қилиш;

- қабул қилинган пахтани селекцион ва саноат навлари, синфлари бўйича, уруғлик пахтани авлоди ва дала гурӯҳи кўрсатилган ҳолда алоҳида тудаларга тўплаш;

- қуритиш-тозалаш цехларининг унумли ишларини таъминлаш;

- қатъий муҳосиба ҳисоби ва ҳисоботини гашкил этиш;
- қабул қилингани пахта учун хўжаликлар билан ҳисоб-китобни ўз вақтида ва тўғри амалга ошириш;
- барча тайёрланган пахтани тўғри сақлаш ва тайёрлов пунктидан пахта тозалаш корхонасига зарур миқдорда ва ассортиментдаги пахтани ўз вақтида жўнатишни ташкил этиш. Сақлаш, қуритиш ва ташиш пайтида пахтанинг бузилиши ва нобуд бўлишига йўл қўймайдиган тадбирларни амалга ошириш;
- пахтани тайёрлов пунктида қабул қилиш, сақлаш, қуритиш, тозалаш ҳамда уни корхонага жўнатиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш тадбирларни куриш;
- бутун тайёрлов ишлари босқичларида маҳсус йўриқномаларга асосланиб, ёнфинга қарши ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этиш бўйича тадбирларни ўтказиш;
- қабул қилингани ва сақланаётган пахтани тайёрлов пунктидан корхонага жўнатишда албатта тортиш ва унинг сифатини тўғри аниқлаш орқали ҳисоб-китобни олиб бориш.

5.2. Тайёрлов пункти хўжалик раҳбарлари ва ходимларини амалдаги қонуилар, давлат стандартлари, стандарт нармуналар ва пахтага ҳақ тўлаш тартиблари билан таниширишлари лозим. Шу мақсадларда йиғим-терим бошланишдан камида 10 кун аввал хўжаликларда бригада бошлиқлари, фермерлар, ижарачилар, механизаторлар ва пахта топширувчилар иштирокида пахтани сифатли териш ҳамда уни тайёрлов пунктига топшириш бўйича маслаҳат-кенгаш ўтказилиши керак.

Маслаҳат-кенгаш қатнашчиларига:

- Вилоят «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси тайёрлов пункtlарига стандартта мос пахта топшириш учун пахта сифатини ошириш чора тадбирларини кўришга мажбуrlиги;
- тайёрлов пунктларига совуқ тушунга қадар қўлда терилган ҳом, шунингдек намлиги меъёрдан ортиқ пахтани қабул қилиш тақиқланиши тушунтириш лозим.

Маслаҳат-кенгашда хўжалик ходимларининг диққат – зътибори бегона ўтлардан тозаланмаган, барглари яхши тўкилмаган майдонларда машина терими ўтказиш, пахтани кўк барглари билан топшириш, шунингдек, сифати турли пахталарни аралаштириб юбориш мумкин эмаслигига қаратилиши зарур.

5.3. Хўжалик I ва II навли пахтани хомлигича қўлда териб топширса, пахта ичида тош, латта-лахтаклар, кўк кўсаклар, шоҳшаббалар бўлса, тайёрлов пункти пахтани қайта саралаш учун хўжаликка қайтариб юборади.

Қайтарилиган пахта кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмасдан, такрор келтирилиган тақдирда тайёрлов пункти пахтани қабул қилишни рад этишдан ташқари, уни стандарт меъёрига етказиш юзасидан талаблар қўяди ҳамда хўжалик раҳбарларга пахта сифатини яхшилаш зарурлиги түғрисида ёзма маълумот жўнатади.

Агар хўжалик раҳбарияти теримда ва топширишда пахта сифати бўйича зарур чораларини кўрмаса, тайёрлов пункти ёки пахта тозалаш корхонаси бу масалани таъсирили чоралар кўриш учун тегишли вилоят ва туман ташкилотлари олдига қўяди.

6. ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДА ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЖАМЛАШ ТАРТИБЛАРИ ҲАМДА МАНСАБДОР ШАҲСЛАРНИНГ ПАХТА СТАНДАРТИ ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ БОРАСИДАГИ МАСЬУЛИЯТИ

6.1. Хўжалик томонидан давлатга сотиладиган пахтани қабул қилиш олдиндан тузилган контрактацион шартномалар асосида вилоят «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси тизимининг тайёрлов пунктлари орқали амалга оширилади.

6.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва хомашёсини қабул қилувчи (лавозим коди 17282)* пахтани қабул қилишни бошлаш олдидан тайёрлов пункти ва хўжаликларнинг пахта топширувчилари иштирокида ҳар куни тарозини текшириш лозим. Тарози текширилганлиги маҳсус дафтарчада қайд этилади ва текширувни ўтказган шахсларнинг имзоси билан тасдиқланади.

6.3. Пахтани қабул қилиш, унинг сифатини аниқлаш учун намуна олиш ва тортиш хўжалик пахта топширувчисининг иштирокида

*Бундан бўён матнда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва хомашёсини қабул қилувчи (лавозим коди 17282) “қабул қилувчи” деб юритилади ва тайёрлов пункти мутахассисларининг лавозим кодлари кўрсатилмайди.

ұтказилади. Пахта топширувчи қулида хұжалик томонидан берилгандың өзінч әрлиғи бүлиши керак. Пахта топширувчисиз көлтирилгандың нахта қабул қилинмайды. Тайёрлов пункти транспортни ушлаб турғанлик ҳақида даюлатнома тузалива бу ҳақда хұжаликка ҳабар қылады.

Тайёрлов пункти пахтани қабул қилипда терим (маппинада) жараёнини ҳисобга олиб “дала-бункер-төлеккө-тайёрлов пункті” технологиясини құлланиши яғни пахта ташиб көлтирган транспорт воситаларини узоқ вақтта ушлаб турмаслық чора тадбирларини амалға оширип дозим.

6.4. Пахта үнгі ёзилған I-CX /пахта/ шакл турдаги товар-транспорт накладной асосида қабул қилинади. Накладнойнинг барча бағллари тұлдирилған бүлиши керак. Бу накладнойлар қаттый ҳисоб-кигізбек хұжжатлари ҳисобланади. Хұжаликлар бундай накладнойларни вилоят маҳкамасыдан оладылар.

Хұжаликлар битта накладной билан барча сифат күрсаткышлари бир хил пахтани юборишлари керак. Құйидаги қолларда:

- битта селекцион, саноат нави ва синфига оид;
- авлоди ва дала гурұғи бир хил уруғлик пахта;
- құрытилған пахта;
- қишлоқ хұжалик заарқунандағары ва касалликлари билан заараланған пахта тайёрлов пунктіне алоқида-алоқида топширилади.

6.5. Тайёрлов пунктіде пахта O'z DSt 615:1994, O'z DSt 642:1995 давлат стандартлари талаблари асосида қабул қилинади ва жамғарылади.

Тайёрлов пунктіде пахтани қабул құлувчи қабул қылади.

6.6. Пахтани қабул қилиш, уннинг нави, синфи, вазни, намлиги ва ифлостигини аниқлашып пахта тайёрлов тизимининг зәгеллаб турған лавозими жиҳатидан бу ишларни бажаришга ҳукуқи бор ходимлардан ташқары бопқа бир шахсни қўйиш тақиқланади.

Тайёрлов пункти ва пахта тозалаш корхонаси ходимларини пахта учун белгиланған давлат стандартлари ва пахта қабул қилиш қоидаларини бузышы мажбур эттеган айбдор шахслар қаттық жазога тортилдадылар.

Тайёрлов пункти мудири, қабул қилувчи ёки лаборантнинг аризаси /оғзаки ёки ёзма/ бўйича пахтани давлат стандартлари ва белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилишга даъват этаётган шахслар ҳақида корхона раҳбарига ҳабар қиласди. Тайёрлов пунктида қабул қилувчи ва лаборантларидан тушаётган маълумот хатлари қайд этиб бориладиган дафтар бўлиши керак. Дафтарда қайд этилган маълумот хати бўйича тайёрлов пункти мудири ёки корхона директори тегишли чоралар кўрмаган тақдирда қабул қилувчи ёки лаборант бевосита «Пахтасаноат» вилоят худудий акциядорлик бирлашмасига мурожаат этади.

Ноқонуний фармойишлар ёки талабларни бажарганлик ва бунинг оқибатида пахта қабул қилишда белгиланган қоидалар ва давлат стандартлари бузилганлиги учун тайёрлов пункти мудири ҳамда тегишли равища ўша ноқонуний фармойишни берган ва бажарган шахслар жавоб берадилар.

6.7. Тайёрлов пункти лабораториясининг мудири /катта лаборант/, қабул қилувчи томонидан пахтани қабул қилиш белгиланган давлат стандартлари талабларига мувофиқ олиб борилишини, намуна олиш, шунингдек жамғариш, қуритиш, тозалаш ва пахтани тайёрлов пунктида саклаш қоидаларига риоя этилишини мунтазам назорат қилиб боради.

6.8. Лаборатория мудири /катта лаборант/, қабул қилувчи пахтани давлат стандартига хилоф равища қабул қилинаётганигини аниқлагандага тайёрлов пункти мудирига дарҳол ахборот бериши, стандартни бузиш такрорланганда эса корхона техника назорати бўлими /ТНБ/ бошлиғига ёки раҳбарига ахборот бериши лозим.

Лаборатория мудири /катта лаборант/ қабул қилувчи ва намуна оловчи, диспетчер пахтани қабул қилишда /нави ва синфи баҳолашда/ йўл қўйган хатоларни пахта тўдасидан жамғариш даврида тузатиб олишлари учун улар қабул қилган пахталарнинг лаборатория баҳолари ҳақида уларга лаборатория дафтарида қайд этган ҳолда бир кечакундуз ичидаги хабар бериш керак.

Лаборатория мудири /катта лаборант/ пахтани қабул қилишда унинг ифлослиги ва намлигини аниқлаш, жамғариш ва уни пахта тозалаш корхонасига жўнатишда, унинг нави, синфи,

намлиги ва ифлослиги юзасидан баҳс очилса пахта тұдасини жамғариш бүйича пахта нави ва синфи бүйича аниқланған тафовутга бевосита жавобғардир.

Тайёрлов пункті лабораторияси ишини пахта тозалаш корхонаси техника назораты бўлими бевосита текшириб туради.

6.9. Қулда ва машинада терилған пахта толасининг физик-механик кўрсаткичлари, штапел масса узунлиги, чизиқли зичлиги ва солиширма узилиш кучига (I ва II нав) кўра түққизта типга бўлинади: 1 а, 1 б, 1, 2, 3, 4, 5, 6 ва 7. Бунда пахта толасининг типи штапел масса узунлиги ёки чизиқли зичлигининг энг ёмон кўрсаткичи бўйича аниқланади.

1 а, 1 б, 1, 2, 3 типлардаги пахта узун толали, 4, 5, 6, 7 типлардагиси урта толали пахтага тегишлидир.

6.10. Ҳар бир типдаги пахта ранги, ташқи кўриниши, пишиб етилганлик коэффициенти бўйича бешта навга бўлинади: I, II, III, IV, V.

Пахта нави ранги ва пишиб етилганлик коэффициентининг энг ёмон кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

6.11. Пахта 6.1-жадвал талабларига жавоб бериши керак.

6.12. Пахтанинг пишиб етилганлик коэффициенти, типи ва нави бўйича 6.2-жадвалдаги талабларга жавоб бериши керак.

6.1 – жадвал

Типи	Штапел масса узунлиги, мм камида	Чизиқли зичлик, мтекс, купи билан	I ва II навлар учун солиширма узулиш кучи, гс/текс
1а	40,2	125	29,0 ва ундан ортиқ
1б	39,2	135	
1	38,2	144	
2	37,2	150	
3	35,2	165	
4	33,2	180	
5	31,2	190	23,0 – 27,0
6	30,2	200	
7	29,2	200 дан ортиқ	

6.2 – жадвал

Пахта типи	Пахта нави				
	I	II	III	IV	V
1а, 16, 1, 2, 3	2,0	1,7	1,4	1,2	1,2 дан кам
4, 5, 6, 7	1,8	1,6	1,4	1,2	1,2 дан кам

6.13. Муайян селекцион навлар пахта толасининг типи қабул қилинган тартибда меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

Қабул вақтида, зарурят туғилганда, пахта толасининг штапел масса узунлиги ва чизиқли зичлиги кўрсаткичлари пахта тозалаш корхонасининг лабораториясида олинган намуна бўйича назорат қилинади.

Тола типи пахта тозалаш корхонасида пахта тудаси қайта ишлангандан сўнг толанинг штапел масса узунлиги ва чизиқли зичлиги кўрсаткичлари бўйича баҳоланади.

Пахтанинг I ва II навлари учун солиштирма узилиш кучининг қийматлари белгиланган меъёрдан (6.1-жадвал) паст бўлган ҳолда нарх пасайтирилади, I нав асосий меъёрдан ошган ҳолда эса нарх оширилади.

Бу тўғрисида ҳисоб-китоб ишлари пахта тудаси қайта ишлангандан сўнг бажарилади.

6.14. Пахта нави ифлос аралашмаларнинг миқдори (ифлос аралашмаларнинг массавий улуши) ва намлиги (намликнинг массавий нисбати) га қараб З та синфга бўлинади.

Пахтадаги ифлос аралашмалар миқдори ва унинг намлиги 6.3-жадвалда кўрсатилган меъёрлардан ошмаслиги керак.

6.3 – жадвал

Пахта нави	Пахтанинг синфлари бўйича ифлос аралашмаларнинг вазний улуши ва намликнинг вазний нисбати меъёрлари, %, купи билан					
	1-синф		2-синф		3-синф	
	ифлос. аралаш. вазний улуши	намлик- нинг вазний нисбати	ифлос. аралаш. вазний улуши	намлик- нинг вазний нисбати	ифлос. аралаш. вазний улуши	намлик- нинг вазний нисбати
I	3,0	9,0	10,0	12,0	16,0	14,0
II	5,0	10,0	10,0	13,0	16,0	16,0
III	8,0	11,0	12,0	15,0	18,0	18,0
IV	12,0	13,0	16,0	17,0	20,0	20,0
V	-	-	-	-	22,0	22,0

6.15. Тайёрлов пунктларида намуна олувчи пахтанинг навини қўлланилаётган стандарт бўйича танлаб олинган бирлаштирилган намунанинг ташқи кўринишини пахта топширувчи иштирокида белгиланган тартибда тасдиқланган стандарт намунанинг ташқи кўриниши билан солиштириш орқали аниқлайди.

Пахта топширувчи норози ҳолларда пахта нави тайёрлов пункти лабораториясида асбоблар ёрдамида пахта топширувчи иштирокида қайтадан танлаб олинган, бирлаштирилган намуна ёрдамида пахтанинг ранги ва пишиб стилганлик коэффиценти бўйича аниқланади. Синаш натижасида олинган натижа ҳал қўйувчи ҳисобланади.

6.16. Топшириш, қабул қилиш ва жұнатиш расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаммасида пахта нав/синф ибораси билан қўйидагича белгиланади:

1/1 – биринчи нав биринчи синф, 1/2 - биринчи нав иккинчи синф, 1/3 – биринчи нав учинчи синф;

2/1 – иккинчи нав биринчи синф, 2/2 – иккинчи нав иккинчи синф, 2/3 - иккинчи нав учинчи синф; 3/1 - учинчи нав биринчи синф, 3/2 – учинчи нав иккинчи синф, 3/3 – учинчи нав учинчи синф; 4/1 – тўртинчи нав биринчи синф, 4/2 – тўртинчи

нав иккинчи синф; 4/3 – тұрттынчы нав учинчи синф. 5/3 – бешинчи нав учинчи синф.

6.17. Пахтанинг ифлослиги ва намлиги пахта тайёрлов пунктларининг лабораториясида пахта топширувчи иштирокида тұдадан күлланилаёттган стандарт бүйича ташлаб олинган үртача кунлик ва бирлаштирилған намуна ёрдамида аниқланади.

Келишмовчилік содир бұлған ҳолларда худди шу үртача кунлик ёки бирлаштирилған намуна ёрдамида пахтанинг ифлослиги ва намлиги бүйича тегишли мутахассислар иштирокида қайтадан үтказилған синашлар ҳал қилувчи ҳисобланади.

6.18. Агар 1-нчи ёки 2-нчи синфлар пахтасининг ифлослиги 6.3-жадвалда күрсатылған месъёрлардан юқори бұлса, ифлослиги бүйича мос келған синфға үтказилади, агар намлик месъёридан юқори бұлса маҳсус тартибда нархи пасайтирилади. Масалан, күлда терілған 1 нав ифлослиги 4,0 % бұлса, у 1 нав 2-синф бүйича қабул қилинади. Машинада терілған пахта ташқи күриниш ва пишиб етилғанлық коэффиценти бүйича 2-нчи навға мос булиб, ифлослиги 11,5 % ни ташкил этади. Үнда бу пахта 2-нчи нав 3-синф бүйича қабул қилинади. Бошқа навлар бүйича ҳам пахтанинг ифлослиги 6.3-жадвалда күрсатылған месъёрлардан юқори бұлса, шу тартибда паст синфларға үтказилади.

1, 2, 3 ва 4 навлар бүйича ифлослик ёки намлик 3-синф учун белгиланған месъёрлардан ошған ҳолларда, пахта топширувчига қайтарилади ёки паст нав бүйича қабул қилинади.

Ифлослик ёки намлик күрсатқышлари 22 % дан ошиб кетса, пахта топширувчига қайтарилади ёки нархи пасайтирилиб белгиланған тартибда қабул қилинади.

6.19. Пахта тұласыда ҳар хил селекіцион ва саноат нави, типи ва синфига мансуб пахталар арапашған бұлса, бундай пахтанинг сифати пасайтирилади ва у шу тұдадаги энг паст тип, нав ёки синф бүйича қабул қилинали ва бу хақда 1-СХ (пахта) шакл товар-транспорт накладнойига қайд этиб қойилади ҳамда пахта тозалаш корхонаси раҳбари ва хұжалик раҳбарига маълум қилинади.

6.20. Пахта тайёрлов пунктларыда пахта соат 22 гача қабул қилинади, пахтанинг ташқи күринишини аниқлашда ёруғлик камида 300 люкс булиши керак.

6.21. Қишлоқ хұжалиғи зааркунаңдалари ва турли касалликлар (төммөз, замбуруғ кассалиғи, шира) билан заарланаған пахта алоқыда терилади ва толанинг физик-механик хусусиятларини инобатта олган ҳолда алоқыда тұдаларға жамланади.

6.22. Пахта теримиге қадар амалдаги методик курсатмаларга мувофиқ пахта ширадорлигини (шира ва замбуруғ кассаликлари билан заарланағанligини) текшириш учун комиссия томонидан апробация үтказилади. Комиссия вилоят Қишлоқ ва сув хұжалиғи бошқармаси раҳбарлигіда тузилиб унинг таркибиға вилоят “Пахтасаноат” бирлашмаси, “Сифат” марказининг худудий лабораторияси, Ұсимликларни ҳимоя қилиш марказининг масъул вакиллари киради. Пахта ширадорлигини текшириш бүйіча апробация натижалари асосида далолатнома тузилади. Далолатнома вилоят Қишлоқ ва сув хұжалиғи бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Пахта ширадорлиги ҳақидағи далолатномасыз пахтани тошириш ва қабул қилишға йүл құйилмайды.

Пахта ширадорлигини аниқлаш апробация үтказиш даврида ҳамда пахтани тошириш ва қабул қилиш жараёнида амалға оширилади.

Күчсиз ва урта дәражада замбуруғ касаллиғи ёки урта ва күчли дәражадаги “шира” билан заарланаған пахта белгиланған нархга нисбатан чегирим билан қабул қилинади. Яқуний ҳисобкитоб, белгиланған тартибда ушбу пахтани қайта ишлаб толаси сотилғанидан кейин амалға оширилади.

Күчли дәражада замбуруғ касаллиғи билан заарланаған пахтани қабул қилишға йүл құйилмайды.

6.23. Құлда ва машинада терилған пахтада қовжираган, димиқкан, тошлар, газлама қийқимлари ёки брезент кесимлари билан ифлюсланған, күк кусактар ёки шох-шаббалар, яшил барілар /катталиғи 4 квадрат сантиметрдан ортиқ/, күк бегона үтлар арапашшан, мой теккан паллачалар мавжуд бўлған ҳолларда уларни тоширилаёттган тоширувчи томонидан тұла ажратиб олинмагунча пахтани тоширишға ва қабул қилишға йүл құйилмайды.

Бундай пахта биринчи зона намуна олувчининг қарорига кўра, кўрсатилған камчиликлар тұла бартараф этилгунга қадар хұжаликка қайтарылади.

Пахта қабул қилинмай қайтарилганда қабул қилувчи топширувчининг накладнойи юқори қисмига қайтариш сабабини ёзди ва имзо чекади.

Езув намуналари:

Пишмаган пахта	"Хом пахта аралашган"
Тошлар	"Тош аралашган"
Газлама қийқимлари	"Газлама аралашган"
Мойли тола	"Мойли тола бор"
Кўкарған тола	"Кўкарған тола бор"
Кўк кўсак	"Кўк кўсак аралашган"
Яшил барглар	"Яшил барглар бор"

Пахтани қабул қилмай қайтаришнинг ҳар бир ҳолати алоҳида дафтарда ойи, куни, хўжаликнинг номи, бўлим, бригада, пахтанинг нави, синфи, хўжалик накладнойида ёзишган вазни, қайтарилиш сабаби, намлиги ва ифлослиги бўйича лаборатория текшируви натижалари курсатилган ҳолда қайд этиб борилади.

Ҳар беш кунда, зарур бўлса ҳар куни тайёрлов пункти пахта тозалаш корхонаси раҳбарига, туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига пахтани топшириш пайтида давлат стандарти талабларини бузувчиларга нисбатан чоралар кўриш учун қайтарилган пахта қайд этилган дафтардан кўчирма тақдим этади.

6.24. Хўжаликдан топшириш учун олиб кетилаётган пахтанинг намланиши, ифлосланиши ва нобуд бўлишининг олдини олиш учун усти мато билан ёпилади. Ёнингарчилик кунларида пахта фақат ёпиқ жойларда қабул қилинади. Пахта туширилаётганда намланмаслиги учун омбор олдига брезентдан вақтингчалик айвон қуриш керак.

6.25. Пахта икки-уч зонали таркибда қабул қилинади.

Икки ёки уч зонали таркибда қабул тартиби ҳар бир пунктда пахта тозалаш корхонаси раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади.

Уч зонали қабулда тайёрлов пункти ҳудуди учта зонага бўлинади. Биринчи зонала ҳўжаликдан келтирилган пахтанинг сифати аниқланади, иккинчи зонада пахта тортилади, учинчи зонада пахта туширилиб, ғарамлаш майдончалари ва омборларга жойланади. Қуритиш-тозалаш цехи ҳам учинчи зонага киради.

Биринчи зонада намуна олувчи топширилаётган пахтадан намуна олиш ва уни стандарт намунаага солиштириш йўли билан

нави, синфи ва намлиги буйича давлат стандарти месъерларига мос келишини аниқлади.

Шубҳали ҳолларда қабул қилувчи пахта нави ва синфини баҳолаш учун лабораторияга мурожаат қилиши керак. Бунда пахта лаборатория текшируви белгилаган нав ва синф буйича қабул қилинади. Кейин қабул қилувчи хўжалик накладнойига "қабул қилинди" деб ёзиб, унинг икки нусхасини топширувчига бериб, пахтани иккинчи зонага тортишга жўнатади. Накладнойнинг иккинчи нусхаси унг тепасида "Нусха" деган ёзув бўлади. Бундай ёзув бўлмаган тақдирда қабул қилувчи уни қўлда ёзиб қўяди.

6.26. Пахтани қабул қилишда сифати хусусида чиқадиган барча мунозаралар тайёрлов пункти лабораторияси томонидан фақат қабул вақтининг ўзида ҳал қилинади.

6.27. Пахтанинг кондицион вазни ўзига бўйсунмайдиган лаборатория белгилайдиган намлик ва ифлослик кўрсаткичларига боғлиқлигини ҳисобга олиб, қабул қилувчи пахтанинг нави, синфи, намлиги ва ифлослигини аниқлаш буйича лаборатория текширувлари пайтида қатнашиши мумкин.

Қабул қилувчи лаборатория натижаларига ишонмаса, текширишни қайта ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир. Бу ҳақда қабул пайтида намуналар оловчи, қабул қилувчи ёки намуна оловчи лаборатория қайд дафтарига ёзиб қўяди. Бундай ҳолда лаборатория қабул қилувчи иштирокида қайта таҳлил қилишга мажбурудир. Чиқарилган натижа дафтарга "такрорий" деб ёзиб қўйилади. Агар такрорий текширув натижалари аввалиги текширувдагидан мазкур йўриқноманинг 8.6-бандида курсатилган ноаниқликлар чегарасида фарқланса, дастлабки текширув ҳам тўғри ҳисобланади ҳамда қабул қилувчи бунга рози ёки норози бўлишидан қатъий назар, топширувчи билан ҳисобкитоб қилиш учун муҳосибага берилади.

Тайёрлов пункти лабораторияси таҳлилларининг натижалари пахтани топширувчи ва қабул қилувчи учун мажбурий маълумотдир.

Агар топширувчи қабул қилувчининг келтирилган пахтанинг нави, синфи, намлиги ва ифлослиги буйича чиқарган натижаларидан рози бўлмаса, бу баҳс тайёрлов пункти лабораторияси томонидан ҳал этилади. Бунинг учун

лаборатория вакили пахта сифатини асбоблар воситасида аниқлаш учун баҳлашувчи томонлар иштирокида ўртача намуна олади. Пахта ортилган транспорт воситаси таҳлил натижалари маълум бўлгунча тайёрлов пунктида ажратилган алоҳида жойда гурди.

Келтирилган пахта намуна оловчи томонидан сифаги баҳолангач, ёки баҳсли холларда лаборатория текширувидан сунг иккинчи зонага тортиш учун ўтказилади.

Топширувчи (хўжалик вакили) тайёрлов пункти лабораторияси чиқарган таҳлил натижаларидан норози бўлган ҳолларда (баҳо берилгандан бошлаб 24 соат ичидан) пахта топширувчи иштирокида тақрор таҳлил қилинали, унинг натижаси топширувчи учун ҳам, тайёрловчи учун ҳам якуний ҳисобланади.

Топширувчининг пахтани топширишини рад этиш ва баҳс оқибатида лаборатория аниқлаган нав, синф, намлик ва ифлослик бўйича қабул қилинаётган пахтани тайёрлов пунктидан қайтариб олиб кетишига ҳақи йўқ.

5-ХЛ шакл рухсатномасиз ва хўжалик накладнойида қабул қилувчининг ёзувисиз транспортнинг тайёрлов пункти ҳудудидан чиқариб кетиши тақиқланади.

Транспорт ўзбошимчалик билан чиқиб кетган ҳолларда тайёрлов пунктида бу ҳақда далолатнома тузилиб, чора кўриш учун хўжалик раҳбарига ва пахта тозалаш корхонаси раҳбарига жўнатилади.

6.28. Пахта тортилиб, қабул қилувчи автомобил тарозиларида юк тортиш 14-ХЛ шакл дафтарига брутто вазни ёзиб бўлгач, хўжалик накладнойининг икки нусхасига "брутто вазни" бандини тўлдирди, унинг нусхасини ўзида қолдириб, биринчи нусхага пахта тушириладиган жойни кўрсатиб транспорт ҳайловчисига беради ҳамда пахтани учинчи зонага йўллайди.

Учинчи зонада диспетчер пахтани жамғариш жойида транспортдан туширилаётганди яна кўздан кечиради ҳамда унда бирор бегона нарса аралашгани ёки намлиги ва ифлослиги чекланган месъёрдан ортиқалигини пайқаб қолса, пахтани иккинчи зонага қайтаради, накладнойнинг "ғарамлаш" деган бандига қайтарилган бу пахтани тортилган пахта умумий миқдоридан чиқариб ташлаш учун тегишли белги ёзиб қўяди.

Учинчи зонада диспетчер томонидан қабул қилингандык пахта ғарамларга (омборхонага) жойланади. Диспетчер хұжалик накладнойда "Ғарамлаш" бандини тұлдириб, уни имзолайди. Транспорт ҳайдовчысы шундан сүнг транспорт воситасини тортиш ҳамда қабул хужжатларини расмийлаштириш учун иккинчи зонага жүнайди.

Иккінчи зонада қабул қылувчи транспорт воситасини тортиб, қабул қилингандык пахтаниң нетто вазнини анықлады ҳамда буни транспорт накладнойнинг "қабул" бандига ва ПК-17 шакт қабул квитанциясига ёздади. Товар-транспорт накладнойнисиз ёки бандлари тұлдирилмаган накладной билан жұнатылған пахтани қабул қилиші ва унга қабул квитанциясі беріш ман қилинади.

Накладнойнинг қабул қылувчи ҳамда намуна олувчи ва диспетчерлари томонидан имзоланған биринчи нусхасы қабул квитанциясига тиркалиб, хұжалик билан ҳисоб-китоб қилиш учун тайёрлов пункти мұхосибасига берилади, накладнойнинг қабул қылувчи томонидан тасдиқланған нусхасы эса пахта топширувчига берилади.

Транспорт ҳайдовчысы пахтани топшириб бұлғандан сүнг тайёрлов пункти худудидан 5-ХЛ шакт рухсатномасы билан чиқиб кетади.

Чиқиб кетиш рухсатномасы 5-ХЛ шакт қоровулхонадаги навбатчыда қолади ва у күн охирида бу рухсатномаларни руихатта тиркаган ҳолда тайёрлов пункти мұхосибасига имзо чектириб топширади.

6.29. Иккі зоналы қабулда қабул қилинаёттан пахтаниң сифатини аниқлаш ва тортиш I-нчи зонада яғни II-нчи зонадаги қабул қылувчи томонидан амалға оширилади.

Пахтани транспортдан тушириш пайтида унинг сифатини құшимча текшириб күриш, пахтани ғарамларға ётқизиш, омборхонага жойлаш ишлары III-нчи зона диспетчер томонидан амалға оширилади.

6.30. Қабул қылувчи моддий жағобгар шаҳс сифатида уч зоналы ва иккі зоналы тизимде ҳам пахтани қабул қилиш, жамғарыш, сақлаш, жұнатыш, юқлаш ва тушириш ишларини үюштиради.

Уч зонали ва икки зонали тизимларда I-нчи зона намуна олувчи қабул қилинастган пахтанинг нави, синфи, намлиги ва ифлослигини күзда аниқлаш ва намуна олиш тұғрилигига бевосита жавоб беради.

Уч зонали системада III-нчи зона, икки зонали системада ҳам III-нчи зона диспетчер пахта қабул қилишда пахтани тұдаларга тұплаш, ғарамга ётқизиш, омборға жойлаш, шуниндең қабул қилинган пахтанинг сақтанишини таъминлаш, уни пахта тозалаш корхонасига жүнатиши, транспортнинг ортиқча туриб қолишиша йүл құймаслик, шу зонада бораёттан ишлар пайтида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этиши, мавжуд механизация воситаларидан тұғри фойдаланш бүйича ишларга бевосита жавобгардир.

Намуна олувчи ва диспетчерлар қабул қилувчига бүйсинадилар.

6.31. Қабул қилувчи хұжалиқдан пахтани қабул қилиб олишда барча күрсаткыштар аниқ ёзилиши зарур болған ПК-17 шакт қабул квитанциясини тұрт нусхада шахсан тұлдиради. Қабул квитанциясини юқорида айттылған шахслардан ташқары бошқа кишининг тұлдириши ман этилади.

Хұжалиқдан күн давомида қабул қилинган бир селекцион, саноат нави ва синфдаги барча пахта умумий қабул квитанцияси билан расмийлаштирилади ва ҳисоб-китоб қилиш учун муҳосибага топширилади.

Муҳосиба ҳисоб-китобни тұраттанғанда кейинги куни қабул квитанциясининг бириңчи нусхасини пахта топширувчига беради, иккінчи нусхасини Давлат статистика құмитасининг жойлардаги ташкилотларига юборади, бу пахта тайёрлаш тұғрисида күнлик ҳисобот учун асос бұлалы, учинчи нусха тайёрлов пунктінде қолади. Тұрттың нусхасини марказға назорат ва ҳисоб-китоб учун юборади.

6.32. Тайёрлов пункті мудири, қабул қилувчи ва катта муҳосиб ПК-17 шакт қабул квитанциясыда күрсатылған маълумотларнинг тұғрилигига, пахтанинг амалий ва кондицион вазнининг ҳақиқият миқдори, селекцион ва саноат нави, синфи ва жамлаш жойлари бүйича қабул қилингандығын шахсан жавобгардирлар. Тайёрлов пункті мудири ва катта муҳосиб

булардан ташқари қабул қилинған пактанинг кондицион вазни ва
пул ҳисоб-китоби (чесирма ва устамаларни ҳисобга олған холда)
тұғрилиғига ҳам жавоб берадилар.

ПК-17 шакл қабул квитанцияларининг маълумотларига асосан Давлат статистика қўмитасининг ташкилотлари пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида куидалик ҳисобот тузадилар. Бошқа ҳеч қандай ҳужжат пахта тайёрлаш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш учун асос бўла олмайди.

Харид режасининг бажарилганлиги ҳақидағи ҳисботда ҳар бир хужалик томонидан қабул квитанциялари асосида топширилган пахтанинг кондицион вазни эътиборга олинади.

6.33. Хұжаликдан паҳтани тилхат асосида қабул қилишга йүл қүйилмайды. Бу тартиб паҳтанинг ҳаммасига, шу жумладан алоҳида саралаб терилған, оиласый герим ва тажрибавий уруғлик паҳта намуналари учун ҳам тааллуклидир.

6.34. 12 минг тоннадан зиёд тайёрлов ұажмига эга бүлгандықтан иккита алоҳида худуди бор тайёрлов пунктларыда юқори ташкилоттарнинг рухсати билан пахтани иккى оқимда қабул қилишни ташкил этиш мүмкін.

Бунда ҳар бир оқимга қабул қилувчи бошчиллик қилиши зарур.

Бундай ҳолагда пахта тозалаш корхонаси раҳбариятининг курсатмасига биноан тайёрлов пунктида ҳар бир оқимга олдиндан маълум хўжаликлар биркитиб қўйилади.

Тайёрлов пункти фаолиятини бунга ҳуқуқи бор шахслар ва ташкилотлар томонидан назорат қилиш жараённда юзага келадиган таклиф ва мулоҳазалар ижрочилар, пахта тозалаш корхоналари раҳбари ва вилоят "Пахтасаноат" худудий акциядорлик бирлашмаси бошлиғи зътиборига ёзма ҳолда (маълумотнома ҳолида ёки ҳар бир тайёрлов пунктида юритиладиган мулоҳазаларни қайд этиш дафтарига ёзиш орқали) етказилади. Пахта тозалаш корхонасининг мансабдор шахслари тайёрлов пунктига келганиларида бу мулоҳазаларнинг бажарилишини албатта текширадилар. Мулоҳаза ва таклифларнинг амалга ошиши ҳақида юқорида айтилган дафтарга тегишли ёзувлар ёзилади.

7. ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДА УРУҒЛИК ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ТҮДАЛАРГА ЖАМЛАШ, САҚЛАШ ВА ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИГА ТАШИШ

7.1. Уруғлик пахтани қабул қилиб олиш ва жамлаш O'z DSt 642:1995 "Уруғлик пахта. Техникавий шартлар" ва O'z DSt 615:1994 "Пахта. Техникавий шартлар" давлат стандартлари асосида амалга оширилади.

Пахта тозалаш корхонаси ва пахта тайёрлаш пункти пахта териш мавсуми бошлангунга қадар уруглик пахтани ва уруғлик чигитни қабул қилиб олиш ҳамда сақланғын алоқида тайёргарлик күради.

Ана шу мақсадда тайёрлов пункти ва пахта тозалаш корхонаси худуди, омборхоналар ўтган йиллардан қолган пахта ва чигит қолдиқларидан тозаланади, уруғлик пахта ва экиш учун мұлжалланған чигит сақланадиган жойлар дезинфекция ҳамда дезинсекция қилинади.

Пахта майдонларида ўтказилған апробация натижаларига мувофиқ уруғлик пахтанинг нави, синфи ва авлодлари бүйіча тайёрлаш режалари ишлаб чиқылади. Бу режалар "Узпахтасаноат" юшмаси томонидан Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хұжалиги вазирилігі билан биргаликда "Пахтасаноат" худудий акционерлік бирлашмалари, вилоят Қишлоқ ва сув хұжалиги бошқармаси, пахта тозалаш корхоналари ва пахта уруғчилиги лабораторияларига ҳар йили 1 сентябрғача етказылади.

7. 2. Уруғлик пахтани қабул қилиб олиш ва уни тұдаларга тұплаш тайёрлов пункти ва пахта тозалаш корхонаси томонидан пахта тайёрлаш режаси ҳамда пахта майдонларида ўтказилған апробацияга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Уруғлик пахтани қабул қилиб олишда қабул қылувчи 1-СХ (пахта) шакл накладнойидаги ёзувларнинг түғрилигини ва уларнинг шакл № 2 апробация далолатномасига түғри келиш-келмаслигини текшириб чиқади. Накладнойи бұлмаса ёки ундаги ёзувлар апробация далолатномасига түғри келмаса, уруғлик пахта апробация ўтказған агроном томонидан унинг сифати ва характеристикаси аниқланмагунча қабул қилиб олинмайди.

7.3. Уруғлик пахта қуйидагилар билан тасвирланади:

- селекцион нави
- тола типи
- пахта нави ва синфи
- авлоди.

7.4. Уруғлик пахта толаси типи бўйича O'z DSt 615:1994 давлат стандартига қараб бўлинади.

7.5. Уруғлик пахта пишиб етилганлик коэффициенти (1,9 дан кам бўлмаган ҳолда), ранги ва ташқи кўриниши бўйича O'z DSt 615:1994 I нав пахта талабларига мувофиқ келиши керак.

7.6. Уруғлик пахтада тош, газлама қийқимлари, кўк кусак ёки унинг чаноқлари, 4 см² гача бўлган ғўзанинг кўк барглари, кўк ўтлар ҳамда кўкарган ва мойланган пахта паллачаси кўринишидаги турли хил бегона нарсалар бўлмаслиги керак.

7.7. Уруғлик пахта кондицион массасига кўра O'z DSt 615:1994 талабига асосан туда бўйича қабул қилинади.

7.8. Уруғлик пахта тайёрлов пунктида намлиги, ифлослиги ва чигитнинг механик шикастланишига кўра O'z DSt 642:1995 давлат стандартида кўзда тутилган меъёлардан ортиқ бўлмаган ҳолда қабул қилинади (7.1-жадвал).

Уруғлик пахтани тайёрлашда ҳом терилган ва касалликга учраган пахтани қабул қилишга мутлоқо йўл қўйилмайди.

7.1-жадвал

Уруғлик пахтанинг намлиги, ифлослиги ва механик шикастланганлиги бўйича чекланган меъёллар

Кўрсаткичлар номи	Фоизларда	
	1-синф	2-синф
Ифлослик (ифлос аралашмаларнинг массавий улуши), кўпи билан	3,0	8,0
Намлик (намликнинг массавий нисбати) кўпи билан	8,0	9,5
Чигитларнинг механик шикастланиши, кўпи билан	0,5	1,0

Хўжаликлардан қабул қилиб олинган уруғлик пахта 250-300 тоннадан қилиб қўйидаги белгиларига қараб алоҳида-алоҳида тўдаларга тўпланди: селекцион нави, авлоди, нав тозалиги, дала гуруҳи, саноат нави, келиб чиқиши, синфи.

Уруғчилик хўжалигида экинларни жойлаштириш режасига мувофиқ равишда районлаштирилган навлардан фақат битта селекцион нав экиласди.

Бир хил уруғлик материал олиш учун сентябр ойида терилган уруғлик пахта тўласи октябр ойида терилганидан алоҳида тўпланди.

Сентябр ойида терилган уруғлик пахтани битта тудага жамлаш эса 10-15 кундан ортмаслиги лозим. Уруғлик пахтанинг икки тўдасини битта майдончада тўплашга йўл қўйилмайди.

Нав синаш участкасида егиштирилган уруғлик пахтани қабул қилиб олиш ва тудаларга тўплаш давлат нав синаш участкаси вакили иштирокида амалга оширилади.

7.9. Уруғлик пахтани жамғариш тугаланмаган тудаларни пахта тозалаш корхонасига ташишга рухсат этилмайди.

7.10. Пахта тозалаш корхонасида уруғлик пахтани тудаларга тўплаш корхона агрономи ва пахта уруғчилиги лабораторияси мудири раҳбарлигида амалга оширилади. Тайёрлов пунктида икки ва ундан ортиқ хўжаликдан келтирилган бир хил уруғлик пахта тудалари селекцион ва саноат нави бир хил курсаткичларга эга бўлган ҳоллардагина пахта уруғчилиги лабораторияси мудирининг рухсати билан қўшиб тудаларга тўпланиши мумкин.

Пахта тозалаш корхонасига турли тайёрлов пунктларидан олиб келинган уруғлик пахтанинг бир хил тудаларида тўплаш фақат қўшиб юборилаётган тудалардаги чигит лаборатория таҳлили натижаларига кўра бир хил униб чиқиш классига мансуб булсагина, пахта уруғчилиги лабораторияси мудирининг рухсати билан амалга оширилади.

7.11. Пахта тозалаш корхонаси техника назорат бўлими уруғлик пахтанинг ҳар бир тўдасини тўплаш билан бир пайтда тайёрлов пунктлари лаборантлари орқали ҳар куни қабул қилинаётган пахтадан урнатилган усул асосида намуналар ташлаб олишини йўлга қўяди. Шунингдек, уни қайта ишлашни ташкил

этади. Намуналар олингандан сўнг уч кун ичидага пахта уруғчилиги лабораториясига 1 кг пахта чигити унинг механик шикастланганлик даражасин аниқлаш учун берилади. Пахтанинг қолган қисмидан лабораторияда тола ажратилади, олингандаги чигит эса етилганлиги ва унувчалигини аниқлаш учун пахта уруғчилиги лабораториясига жўнатилади.

7.12. Уруғлик пахта тўдасининг ҳажмига қараб тўдадан ёки унинг бир қисмидан намуна олиниади. Намуна олишга мўлжалланган пахта миқдори элита уруғи учун - 15 т, биринчи авлод учун - 30 т, иккинчи авлод учун - 60 т, учинчи ва кейинги авлодлар учун - 150 тоннани ташкил этади.

Олингандаги ҳар бир намунага тайёрлов пункти лаборантни имзолаган туда рақами, пахтанинг селекцион нави, авлоди, саноат нави, синфи, тўдани тўплаш бошланган вақти ва унинг вазни намуна олиш муддати курсатилган ёрлиқ ёпиштирилади.

7.13. Районлаштирилган ва янги навларнинг элита авлодининг уруғлик пахтаси янги қоп-қанорларга солиниб қуруқ, тоза ва ёпиқ омборхоналарда сақланади. Қоллар эса тахтадан қилинган таглик устига таҳлаб қўйилади.

Уруғлик пахтанинг биринчи авлоди ёниқ ҳолда ва имконият даражасида қуруқ бинода сақланади.

Уруғлик пахтанинг биринчи авлодга мансуб районлаштирилган навининг 200 тонна гачасини очиқ майдончаларда фарамлаб, янги брезент билан ёпиб сақлашга рухсат этилади.

Уруғлик пахтанинг иккинчи ва ундан паст авлодли ҳар бир тўпланган тўдалари бошига тўдалардан алоҳида ажратиб, майдончаларда фарам ҳолида янги брезент билан ёпиб, намланишга ва уруғлик материалнинг бузилишига йўл қўймаган шароитда сақланади.

7.14. Уруғлик пахта сақланаётган ҳар бир омбор ёки фарамга пахтанинг 8-ХЛ шаклини паспортидан кучирма ёпиштириб қўйилади. Унда тўла рақами ва вазни, селекцион ва саноат нави, синфи, авлоди, нав тозалиги, апробация ўтказилгандан кейин аниқланган дала гурӯҳи, омборхона ёки фарам рақами, қабул қилувчининг фамилияси курсатилади.

Паспортдаги ёзувларнинг ўз вақтида ва тўғри тўлдирилиши учун масъулият қабул қилувчи ва корхона ёки пунктнинг катта

лаборанти зиммасига юкланди. Пахта тозалаш корхонаси агрономи ва пахта уруғчилиги лабораторияси мудири уруғлик пахта паспортидаги ёзувларларнинг түғрилигини текширади.

7.15. Уруғлик пахтанинг районлаштирилган ва янги навларнинг элитаси тайёрлов пунктидан пахта тозалаш корхонасига қолларда, ҳар бир тўпланган тўда бўйича алоҳида алоҳида жўнатилади.

Жўнатилаётган пахтанинг ҳар бир тудасига I-ТХЛ шакл товар-транспорт накладнойи "уруғлик пахта" белгиси билан юборилади.

7.16. Турли тайёрлов пунктларидан келаётган уруғлик пахта тудаларини пахта тозалаш корхонасида жамлаш корхона агрономи раҳбарлигида пахта уруғчилиги лабораторияси мудири билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

7.17. Бузилган уруғлик пахта умумий миқдордан ажратиб олинади ва техник ҳом ашё деб белгиланади.

7.18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалини вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, Республика гўза уруғчилиги бошқармаси, пахта селекцияси билан шуғулланадиган илмий текнириш институтлари иштироқида пахтанинг районлаштирилган навларини жойлаштириш ва уруғлик чигит тайёрлаш режалари лойиҳаларини ишлаб чиқади. Лойиҳа Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқлангач, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси ва туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлинмасига, "Пахтасаноат" худудий акциядорлик бирлашмасига, пахта тозалаш корхоналарига етказиб берилади.

7.19. Уруғлик пахта тайёрлаш ҳисоботи Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланган формада, белгиланган тартибда юритилади.

8. ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАН ПАХТА СИФАТИНИ АНИҚЛАШ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШ ВА ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРУВЛАРИ ЎТКАЗИШ, "ҚИЙИН ТОЗАЛАНАДИГАН" СЕЛЕКЦИОН НАВЛАР ПАХТАСИННИГ ИФЛОСЛИГИНИ АНИҚЛАШ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ

**8.1. Пахтанинг сифатини аниқлаш учун намуна олиш О'з
DSI 643:1995 давлат стандарти "Пахта. Намуна олиш усуллари"
асосида амалга оширилади.**

Намуна тайёрлов пунктида пахтани тортиш олдидан олинади. Намунани пахта тушириш пайтида ҳам олиш мумкин.

**8.2. Олинган намунанинг намлиги ва ифлослигини
аниқлаш, намуна солинадиган тунука банкаларни сақлаш учун
бостирма остида қуёш нурлари тушмайдиган, чанг ва ёғии-
сочиндан ҳимояланган алоҳида жой ажратиш зарур.**

**8.3. Сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун олиб келинган
пахта тўдасининг турли жойларидан намуна олиниб
текширилади.**

Сифат кўрсаткичлари бўйича битта хужжат билан
расмийлаштирилган, бир хил селекцион ва саноат навли, тип ва
синфдаги пахта миқдори туда ҳисобланади.

Ташиб келтирилган пахта тўдаларидан намуна оловчи ёки
қабул қиливчи томонидан топширувчи иштирокида ҳар 2 тонна
пахта ҳисобидан қўл билан олинади.

Намуна камида уч жойдан, турли қатламлардан тахминан
100-150 ғраммдан олинади.

**8.4. Пахтанинг намлиги, ифлосланиш даражаси тайёрлов
пункти лабораториясида ҳар бир хўжалик (ширкат, фермер)
бўйича ўртача кунлик намуна олиш йули билан аниқланади.**

Кунлик ўртача намуна олиш тартиби қўйидагича:

Намлик ва ифлослик даражасини аниқлаш учун олинган
пахтанинг инструментал таҳдил намунаси қопқоғи маҳкам
ёпиладиган битта кичик (1 кг ли) банкага солинали. Банкага
пахтани топширган хўжаликнинг номи, туда рақами, нави, синфи
ёзилган ёрлиқ ёпиштирилади. Мана шундай кичкина банкачаларга

солинган намуналар ұажми 6-8 килоғраммли катта (баландтығи 0,7 м, диаметри 0,4 м ли) банкаларга жойлаштириләди. Катта банкадаги ёрлиқда пахтани топширган хұжалик номи пахтанинг селекцион ва саноат нави, синфи, түпданаётган тұда рақами акс эттирила.

Ёрлиқдаги ёзувлар намунаси

Тұда № 1 техник пахта	Тұда № 4 уруғлик пахта
“Мустақиллик” ширкат үюшмаси	“Мустақиллик” ширкат үюшмаси
C-6524	C-6524
I/2 – нав	I/1 – нав
22/IX	Уруғлик, 2 авлод 12/IX

Катта банкалар лаборатория ёки маҳсус ажратылған жойда иситиши-қыздырыш жиһозларидан узоқроқда сақланади.

Үртача бир күнлик олинган намуна миқдори 3-4 кг дан кам бұлмаслиги, у бутун күн давомида түпланиши керак. Пахтанинг намлик ва ифлослиқ даражаси ұар бир хұжалик буйича пахтанинг синфи, селекцион ва саноат нави ұамда бошқа белгиларини ұисобға олған ұолда үша намуна асосида лаборатория таҳлилидан үтказилади.

8.5. Қабул қилиб олинған пахтанинг намлик ва ифлослигини текширишдан аввал ұар бир катта банкадан кичик банкаларға таҳминан 400-500 г пахта олинади ва зарур ұолларда яна қайта текшириб күриш мақсадыда 1 күн давомида сақлаб турилади. Сақлаш вақты пахтанинг намунаси (кичик банкада намликтен аниқлаш учун) банка ёки полиэтилен халтачага (ифлослигини аниқлаш учун) солинган пайтдан бошланади.

Пахта нави ва ифлослигини қайта текшириш учун кундалик олинаётган намуна қолдиги киғоя қиласы. Қолдиги пахтани қоғоз халтачада ұам да сақлаш мүмкін.

Кичик банка ва халтачага юқорида қайд этилған ёзувлардан ташқари, пахта тұдасининг түпленған вақти, хұжалик номи, ширкат, ферма селекцион ва саноат нави ұамда синфи өзін құйилған ёрлық епиштириләди.

Бир кун мудлат ўтгач ўртача олинган намуна пахта тұдасига қўшиб юборилади.

8.6. Қабул қилиб олинган пахтанинг нави, синфи, намлиқ ва ифлослик даражаси O'z DSt 592:1992, O'z DSt 593:1992, O'z DSt 644:1995 давлат стандартлари бўйича аниқланади.

Пахтанинг нави, синфи, намлиқ ва ифлослик даражаси амалдаги усуллар, созланган жиҳоз ва ускуналар ёрдамида аниқланади.

Намуна оловчи томонидан намуна олишнинг түғрилиги, лаборантларнинг ишлари, лабораториядаги жиҳоз ва ускуналарнинг созлигини мунтазам равишда назорат қилиб туриш пахта тозалаш корхонаси техника назорати бўлими бошлиғи ҳамда лаборатория мудири (катта лаборант) зиммасига юклатилади.

Тайёрлов пункти лабораториясида қўйидаги жиҳозлар бўлиши тавсия этилади:

- Ўз-7М (ЎЗ-8 ёки ШСХ-1) маркали қуритиш шкафи;
- УСХ-1 ёки ВХС-1М каби намлиқ ўлчагич;
- пахтанинг ифлослик даражасини аниқлаш учун ЛКМ қурилмаси;
- пахта толасининг пишиб етилғанлик коэффицентини аниқлаш учун АСХ-1, ЛПС-4 асбоблари;
- СХЛ-3 маркали пахта қуриткич ва ҳар хил тоштарозилар;
- микроскоп;
- микроскопнинг П-2 қутбланувчи мосламаси;
- экспикатор;
- тайёрлов пунктига биркитилган хўжалик (ширкат, ферма) дан келтирилган ҳар бир селекцион навдан олинган пахта намуналари солинадиган катта ва кичик банкалар.

Асбоблар сони тайёрлов пунктининг пахта қабул қилиш йиллик режасининг кунига 3 - 4 фоиз ҳажмда пахта сифатини асбоблар воситасида текширув ўтказиш имкониятидан келиб чиқиб белгиланади.

Пахтанинг намлиги ва ифлослигини аниқлаш учун намуна олиш (уларни ажратиш, қўшиш ва ҳ.к.), шунингдек уни таҳлил қилинішдан олдин ва кейин вазнини тортиб кўриш текширувлар ўтказиладиган хонада жуда тез амалга оширилиши лозим.

Назорат текширишларида ҳамма пайтларда икки параллел намуналарнинг таҳлиллари натижалари орасидаги абсолют рухсат этилган тафовут (усулнинг ўхшашлиги) қўйидагидан ошмаслиги керак; ифлос аралашмаларнинг вазний улуши 10,0 фоизгача бўлганда - 0,6 фоиз;

- ифлос аралашмаларнинг вазний улуши 10,0 фоиздан юқори бўлганда- 1,0 фоиз.

Икки турли лабораторияларда олинган ёки бир лабораторияда, лекин турли шароитларда олинган икки таҳлил орасидаги абсолют рухсат этилган тафовут (усулнинг ишлаб чиқариши) $0,1 \times 3_{\text{нн}}$ (ифлослик) фоиздан ошмаслиги керак.

Намлик бўйича тафовут уч марта тақорий текширишда – 5,0 фоиздан (нисбий) ошмаслиги керак.

Агар дастлабки ва қайта текширишлар орасидаги кўрсаткичларнинг фарқи юқоридагидан ортмаса, дастлабки таҳлил натижалари тўғри деб ҳисобланади;

- пахтанинг ифлослик даражаси биринчи текширишда 9,3 фоиз деб белгиланди. Тақорий текширишда (назорат тартибида) 8,8 фоиз чиқди. Фарқи - 0,5 фоиз. Йул қўйилиши мумкин бўлган фарқи кўрсаткичи 0,5 фоиз. Демак, биринчи текшириш натижаси - 9,3 фоиз тўғри деб ҳисобланади;

- пахтанинг ифлослиги биринчи текширишда эса 10,5 фоиз деб белгиланди. Тақорий текширишда эса 10,0 фоизни ташкил этди, фарқ 0,5 фоиз. Йул қўйилиши мумкин бўлган фарқ кўрсаткичи эса 5,0 фоиз (нисбий), демак, биринчи текшириш натижаси тўғри;

- пахтанинг намлиги биринчи текширишда 10,5 фоиз бўлди. Колган учта тақорий текширишларда ўртacha 10,0 фоизни ташкил этди, фарқ 0,5 фоиз. Йул қўйилиши мумкин бўлган фарқ кўрсаткичи эса 5,0 фоиз (нисбий), демак, биринчи текшириш натижаси тўғри;

- биринчи текширишда пахтанинг намлиги 13,0 фоиз деб белгиланди. Кейинги уч марта қайта текширишда намлиги 14,2 фоиз чиқди, фарқи 1,2 фоиз. Йул қўйилиши мумкин бўлган фарқ кўрсаткичи 5 фоиз (нисбий), 13,0 фоиздан 0,65 фоизни ташкил этади. Демак, таҳлил нотўғри ўтказилган. Намлик даражаси паст қўлиб кўрсатилган.

Пахта тозалаш корхонаси раҳбари тайёрлов пунктларида намлик ва ифлослик учун таҳлилларнинг тўғри ўтказилишини таъминлаш чораларини куриши керак.

8.7. Келишмончиликлар содир бўлган найтларда тайёрлов пункти лаборанти, намуна олувчи ва пахта топширувчи билан биргаликда текшириш учун ҳар бир навдан ҳар 2 тонна пахтанинг уч еридан намуна оладилар. Олингандан ҳамма намунанинг умумий вазни 1 килограммдан кам бўлмаслиги керак.

Намуна олувчи кунлик ўртача намуналар солинган ҳар бир катта банкага таҳдил натижалари ёзилган 2-ХЛ шакли маълумотномани ёпишириди. Бу маълумотномага намуна олган намуна олувчи ва хўжалик вакили имзо чекади.

8.8. Лаборант пахтанинг нави, синфи, намлиги ва ифлослиги учун таҳдил ўтказгандан сунг натижаларни 2-ХЛ шакли маълумотномага ва лаборатория журналига қайд этиб имзо чекади. Демак бу якуний хулюса хисобланади.

Маълумотноманинг олд томонига қабул қилувчи ва пахта топширувчи, орқа томонига намуна олган намуна олувчи, қабул қилувчи, лаборатория мудири (катта лаборант) имзо чекадилар.

Маълумотнома тўлғазилгандан сунг муҳосибага топширилади.

Агар маълумотноманинг олд ва орқа томонларида қабул қилувчи иштирокида қайта текшириш ўтказилганини ҳақида томонларнинг имзолари қўйишмаган бўлса, муҳосиба маълумотномани ҳақ тўлаш учун қабул қилмайди.

8.9. Тайёрлов пунктидаги 7-ХЛ шакл ҳисобга олиш дафтарига қўйидагилар ёзилади:

- пахтани қабул қилиб олиш пайтида намуна олувчи томонидан аниқланган нави ва синфи;

- пахтанинг хўжаликдан қабул қилиб олинастганида лаборатория текширувларида маълум тўда бўйича аниқланган, муҳосиба ҳисоб-китобларига асосланган ўртача намлиги ва ифлослиги.

8.10. Кунлик ўртача олинган намуналар пахтани қабул қилиш тугагач, хўжалик кун бўйи топширган пахтанинг умумий ҳисобига қўшилади. Пахтани тушириш пайтида олинган намуналар эса ҳисобга қўшилмайди.

8.11. С-6524, С-6530, Наманган-77, Ан-Баёвуг-2, каби "қийин тозаланадиган" селекцион навларнинг пахтасини ифлосланганлиги ЛКМ қурилмасида Ўзбекистон давлат

стандарти O'z DSt 592:1992 бўйича аниқланганда тозаланган паҳтада қолиб кетган ифлос ҳисобига мунтазам равишда хатолик мавжуд бўлади.

O'z DSt 592:1992 стандартига I ва 2-рақамли ўзгаришлар билан паҳтанинг кондицион вазнини аниқлашда бу қолган ифлосликни ҳисобга олинадиган тузатиш коэффициентлари киритилган.

Тузатиш коэффициентлари ифлос аралашмаларнинг вазний улуши 7,0 фоиздан юқори бўлган паҳта учун қўлланилади.

8.12. Паҳтадаги ифлос аралашмаларнинг массавий улуши (3) қўйидаги формула билан аниқланади:

$$3 = \frac{M_{\text{и}} \cdot 100 \cdot K_1 \cdot K_2}{M}, \text{ фоиз};$$

бу ерда; $M_{\text{и}}$ - ажратилган ифлослик (йирик ва майда) нинг вазни, г;

M -паҳта намунасининг ифлослиги билан бирга тортилган вазни, г;

K_1 - тозаланган намунада қолдиқ ифлосликни ҳисобга оловчи тузатиш коэффициент;

K_2 - 1,0 - 8.1-жадвалда кўрсатилганидан бошқа ҳамма селекцион навлар учун

8.1-жадвал

Селекцион нав	K_1 коэффициенти- нинг қиймати	K_2 қўлланиладиган ифлослик курсаткич, фоиз
C-6524	1,16	7 ва ундан юқори
C-6530	1,14	7 ва ундан юқори
C-6532	1,07	7 ва ундан юқори
Наманғон-77, Ан-Баёвут-2	1,12	7 ва ундан юқори

K_2 - ифлосликлардаги намликни ҳисобга оловчи коэффициент (O'z DSt 592:1992 стандарти бўйича белгиланади).

I-МИСОЛ. Намунанинг вазни $M_{\text{в}}=300$ г, ажратилган ифлос аралашмаларнинг вазни $M_{\text{иф}}=36,0$ г, намлиги 13 фоиз бўлган лаборатория қуриткичидаги қуритилган С-6524 селекцион нав пахтанинг ифлослигини аниқлаш лозим.

Намуна тозалашдан аввал лаборатория қуриткичидаги қуритилганлиги учун O'z DSt 592:92 стандартига биноан $K_2=1,0$ қабул қиласиз. Пахтанинг ифлослигини аниқлаймиз.

$$3 = \frac{M_{\text{иф}} \cdot 100 \cdot K_1 \cdot K_2}{M_{\text{в}}} = \frac{36,0 \cdot 100 \cdot 1,0 \cdot 1,0}{300} = 12,0 \text{ фоиз};$$

Олинган ифлосликнинг қиймати 7,0 фоиздан кўп бўлгани учун 8.1-жадвалдан С-6524 селекцион нав учун $K_1=1,16$ ни танлаб, ҳисобни формула буйича қайтарамиз.

Формулага $K_1=1,16$ ни қўйиб қўйидаги натижани оламиз.

$$3 = \frac{M_{\text{иф}} \cdot 100 \cdot K_1 \cdot K_2}{M_{\text{в}}} = \frac{36,0 \cdot 100 \cdot 1,16 \cdot 1,0}{300} = 13,92 = 13,9 \text{ фоиз};$$

яъни, ушбу тудадаги С-6524 пахтанинг ифлослиги 13,9 фоиз.

2-МИСОЛ. Намунанинг вазни $M_{\text{в}}=300$ г, намлиги 10 фоиз, ЛКМ қурилмасида ажратилган ифлос аралашмаларнинг вазни $M_{\text{иф}}=15,3$ г бўлган С-6524 селекцион нав пахтанинг ифлослик кўрсаткичини аниқлаш лозим.

Намлиги 12 фоиздан кам бўлганлиги учун намуна тозалашдан аввал қуритилмайди ва O'z DSt 592-92 стандартига биноан $K_1=0,98$ га, $K_2=1,0$ га teng бўлган ҳолатда пахта намунасининг ифлослигини қўйидаги формулага асосан аниқлаймиз.

$$3 = \frac{M_{\text{иф}} \cdot 100 \cdot K_1 \cdot K_2}{M_{\text{в}}} = \frac{15,3 \cdot 100 \cdot 0,98 \cdot 0,1}{300} = 5 \text{ фоиз}.$$

Ифлосликнинг аниқланган қиймати 7 фоиздан кам бўлганлиги учун ҳисоблашни тўхтатамиз ва ушбу тудадаги пахтанинг ифлослик кўрсаткичи деб 5,0 фоизни қабул қиласиз.

8.13. Юқорида кўрсатилган ва шу каби районлаштирилган "қийин тозаланадиган" янги селекцион навлар учун тасдиқланган тузатиш коэффициентларини амалда қўлланиш ОАЖ "Paxta tozalash IIChB" томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланма асосида бажарилиши мумкин.

9. ПАХТАНИНГ КОНДИЦИОН ВАЗНИНИ ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

9.1. Кондицион вазн ҳисоби.

9.1.1. Тайёрлов пункти лабораторияси томонидан тўдалар (хўжаликлар, ширкат уюшмалари, фермерлар) бўйича пахтанинг намлиги ва ифлослигини аниқлаш учун ўтказилган таҳлил натижалари унинг кондицион вазнига ҳақ тўлаш учун якуний хулоса ҳисобланади.

Пахта қабул қилиб олингандан сўнг тўпланган ва ҳали тўлдирилмаган тўдалардан олинган намуналар асосида пахта навини, намлиги ва ифлослигини аниқлаш учун ўтказилган таҳлил натижалари хўжалик, ширкатдан, фермерлардан пахта қабул қилиб олинаётган пайтда аниқланган сифат кўрсаткичларини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

Шунга кура хўжаликлар билан пул ҳисоб-китоблари ҳамда режани бажариш ҳисоблари пахтанинг ҳар куни аниқлаб берилган кондицион вазни асосида амалга оширилади.

9.1.2. Пахта бир ҳил нав ҳисоб меъёrlарига келтирилган ифлос аралашмаларнинг массавий улуши (2,0 %) ва намликнинг массавий нисбати (9,0 %) бўлган кондицион вазн бўйича қабул қилинади ва ҳисобга олинади.

9.1.3. Пахтанинг килограммлар ҳисобидаги кондицион вазни ($M_{\text{к}}$) қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M_{\text{к}} = M_{\text{пк}} \times \frac{100 + W_{\text{пк}}}{100 + W_{\text{пн}}};$$

бу ерда: $M_{\text{пк}}$ - пахтанинг ифлос аралашмалари ҳисобий меъёрга келтирилгандаги вазни, кг;

$W_{\text{дис}}$ - намликтининг 9 % га тенг бўлган массавий нисбатининг ҳисобий меъёри;

$W_{\text{хақ}}$ - намликтининг ҳақиқий массавий нисбати, %.

Ҳисобий вазни ($M_{\text{дис}}$) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M_{\text{дис}} = M_{\text{хак}} \times \frac{100 - 3}{100 - 2,0};$$

бу ерда: $M_{\text{хак}}$ - топширилаётган пахтанинг вазни, кг

$Z_{\text{дис}}$ -пахтадаги ифлос аралашмаларининг ҳақиқий массавий улуши, % $Z_{\text{дис}}$ -ифлос аралашмаларининг 2,0 % га тенг бўлган ҳисобий массавий улуши меъёри.

ЭСЛАТМА: намликтининг массавий нисбати намлик деб, ифлос аралашмаларининг массавий улуши ифлослик деб тушинилади.

1-МИСОЛ:

Хўжалик 4240 кг I нав 2-синф пахта топширди. Пахтанинг ифлослиги 7,2 фоиз, намлиги эса 10,6 фоиз. O'z DSt 615:1994 давлат стандарти бўйича пахтанинг ифлосланганлик меъёри 2,0 фоиз ва намлик меъёри 9,0 фоиз. Демак, пахтанинг меъёрдаги ифлосланиш даражасига келтирилган ҳисобий вазни;

$$M_{\text{дис}} = 4240 \times \frac{100 - 7,2}{100 - 2,0} = 4240 \times 0,947 = 4015 \text{ кг}$$

Шу пахтанинг кондицион вазни;

$$M_{\text{хак}} = 4015 \times \frac{100 + 9,0}{100 + 10,6} = 4015 \times 0,985 = 3995 \text{ кг}$$

2-МИСОЛ:

Хўжалик 3520 кг I нав 1-синф пахта топширди. Унинг ифлослиги 1,4, намлиги 6,8 фоиз. Бу ҳолда пахтанинг ҳисобий вазни O'z DSt 615:1994 давлат стандартига биноан аниқланади;

$$M_{\text{дис}} = 3520 \times \frac{100 - 1,4}{100 - 2,0} = 3520 \times 1,006 = 3541 \text{ кг}$$

Намлиги ва ифлослиги базис меъерига келтирилганда кондицион вазни қўйидагича бўлади.

$$M_{\text{нс}} = 354 \times \frac{100+9,0}{100+6,8} = 354 \times 1,02 = 3612 \text{ кг}$$

3-МИСОЛ.

Хўжалик 2730 кг машинада терилган V нав 3-синф пахта топширди. Ифлослиги 22,0 фоиз намлиги 21,5 фоиз, O'z DSt 615:1994 давлат стандарти бўйича базис меъёри намлик учун 9,0 фоиз, ифлослик учун эса 2,0 фоиз.

Энди ифлослик бўйича пахтанинг ҳисоб вазнини аниқлаймиз;

$$M_{\text{нс}} = 2730 \times \frac{100-22,0}{100-2,0} = 2730 \times 0,8 = 2184 \text{ кг}$$

Пахтанинг кондицион вазни:

$$M_{\text{нс}} = 2184 \times \frac{100+9,0}{100+21,5} = 2184 \times 0,9 = 1966 \text{ кг}$$

4-МИСОЛ:

Хўжалик 980 кг қўлда терилган III нав пахта топширди. Ифлослиги 9,5 ва намлиги 11,2 фоиз. O'z DSt 615:1994 давлат стандартига асосан бу пахта III нав 2-синф бўйича қабул қилинади. Ундаги ифлосликнинг ҳисобий меъёри 2,0 фоиз, намликнинг меъёри - 9,0 фоиз.

Ифлослик бўйича ҳисобий вазни;

$$M_{\text{нс}} = 980 \times \frac{100-9,5}{100-2,0} = 980 \times 0,923 = 904 \text{ кг}$$

Кондицион вазни:

$$M_{\text{нс}} = 904 \times \frac{100+9,0}{100+11,2} = 904 \times 0,971 = 878 \text{ кг}$$

ЭСЛАТМА: пахтанинг ҳисобий ва кондицион вазни, ўртача намлиги ва ифлослигини аниқлашада ҳисоб-китобни енгилшаштириш учун формула ўрнига ҳисоб-китоб жалвалларидан фойдаланиши мумкин.

Лаборатория таҳлил натижаларини қабул қилувчи маълум қилиши ва шу асосда пахтани тӯғри қабул қилиш ҳамда тўплаш юзасидан имзо чектириб олиши лозим.

9.2. Пахтанинг сифат ва миқдор курсаткичларини назорат қилиш.

9.2.1. Намуна оловучи ва лаборатория томонидан намуна олиш ва олинган намуна асосида пахтанинг нави, синфи, ифлослиги, намлигини тӯғри аниқлаш юзасидан ҳар куни лаборатория назорати ўрнатилади. Бунинг учун пахта қабул қилинган куннинг эртасига тайёрлов пунктидаги ҳар бир тұдадан бир күнлик топширилган пахтанинг умумлаштирилган намунаси олинади. Бу намуналар бўйича амалдаги усуслар асосида пахтанинг намлиги, ифлослиги ва нави асбоблар ёрдамида таҳлил қилинади. Намуналарни лаборант олади, бунда пахта сифати учун жавобгар намуна оловучи албатта иштирок этиши зарур.

Умумлашган намунага пахтанинг селекцион ва саноат нави, синфи, намуна олинган тұда ёки ғарам рақами, пахта қабул қилиб олинган кун ёзилган ёрлиқ ёпиштириллади.

9.2.2. Намлик, ифлослик, нав ва синфини анқлаш учун тұдалар ҳамда ҳар куни қабул қилинаёттан пахта бўйича таҳлил үтказилғандан сұнг лаборатория мудири ва пункт мұхосиби биргаликда ўртача күнлик курсаткичларни ҳисоб-китоб қиладилар. Намлик ва ифлослик бўйича тұдалараро күнлик таҳлил натижаларининг умумлаштирилган курсаткичлари билан солиштириб чиқадилар ва солиштирилган курсаткичларни 8-ХЛ шаклга ёзив, натижалар ҳақида пункт мудирига ҳабар қиладилар.

Тұпланған тұдадаги пахтанинг намлик ва ифлослик күрсаткичлари қабул пайтидаги күрсаткичларга мос келиши ёки мазкур йуриқноманинг 8.6-бандида қайд этилған даражада ғарқ қилишига йўл қўйилади.

Агарла қабул пайтидаги ва пахта ғарамларга тұпланғандан кейинги таҳлил натижаларида ғарқ катта бўлса, у ҳолда пункт мудири бундай ҳолга йўл қўйган ходимларга бундан бўён бундай хатоларга йўл қўймаслик чораларини кўриши лозим.

Намуна оловучи ва қабул қилувчи иштирокида кундалик намунасининг қолган қисмида намлик ва ифлослик бўйича 8.6-

бандга мувофиқ текшириш үтказиш лозим. Агар ўша намунада үтказилган тақорий таҳлил натижалари аввалгисига мөс келса, ёки йўл қўйилиш мумкин деб ҳисобланган даражада фарқ қиласа, тайёрлов пункти лабораторияси пахта сифатини тўғри аниқлаган демакдир. Бинобарин, жамлаштириш бўйича ва қабул пайтидаги курсаткичлар уртасидаги фарқ пахтани қабул қлиб олиш пайтида намуна олувчи намунани нотўғри олганлигини курсатади.

Агар тақорий текшириш натижалари йўл қўйилиши мумкин бўлган фарқقا тўғри келмаса ёки доимо бир томонлама фарқ қиласа (ҳатто йўл қўйиладиган даражада ҳам), бу лабораториянини нотўғри ишлаганини деб баҳоланади.

Пахта механизмлар ёрдамида гунириб олинганда ифлослик даражасининг бирмунча пасайиши кузатилади, об-ҳаво қуруқ бўлса, намлиги пасайди. Шунинг учун тўпланган пахтани намлик ва ифлослик кўрсаткичлари қабул найтидагидан камроқ бўлиши ёки айрим ҳолларда, жумладан ҳаво намлиги юқори бўлган пайтларда, пахтанинг намлиги ортиб кетиши мумкинлигини зътиборга олиш лозим.

Фарқ борлиги аниқланган ҳар бир ҳолда тайёрлов пункти мудири корхона раҳбарига ёзма ахборот бериси зарур. Раҳбар эса, ўз навбатида, ўша тайёрлов пунктига тайёрлов бўлимни мудири ёки техник назорат бўлимининг бошлигини текшириш учун жўнатади. Текшириш натижаларига кўра айбдор ходимлар тегишили жазога тортиладилар.

9.2.3. Пахтадан тола, чигит, линт, улюкли ва калта момиқли чиқит чиқишини, куйинди ҳажмини аниқлаш учун пахта тозалаш корхоналарида мунтазам равишда назорат олиб борилиши лозим. Бунда қайта ишлаш учун асосан пахтани қабул қилишдаги ва тўплашдаги дастлабки ва тақорий таҳлилларда фарқ аниқланган туда танлаб олинади.

Ишлаб чиқаришда ва қайта ишлашда корхона ёки тайёрлов пункти қабул қилиб олган пахтани қайта ишлашда тола ва бошқа маҳсулотлар чиқишида фарқи аниқланса, корхона раҳбари, бош муҳандис, иқтисодиёт, техник назорат, тайёрлов бўлимлари бошлиқлари ҳамда бош муҳосиб иштирокида бунинг сабабларини урганади ҳамда айбдорларни жавобгарликка тортишгача бўлган даражада чора кўради.

9.2.4. Бир кунда қабул қилинган ёки умумий пахта тўдасининг ифлослиги ва намлиги бўйича уртacha солиштирма ҳисоб-китоблар қўйидаги формулалар асосида амалга оширилади:

$$\text{Ифлосликка } Z_{\text{иц}} = 100 - \frac{M_{\text{иц}} \cdot (100 - Z_{\text{иц}})}{M_{\text{иц}}}, \text{ фоиз}$$

$$W_{\text{иц}} = \frac{M_{\text{иц}} \cdot (100 + W_{\text{иц}})}{M_{\text{иц}}} - 100, \text{ фоиз}$$

бу срда: $Z_{\text{иц}}$ - ифлос аралашмаларнинг ҳақиқий массавий улуши, фоиз;

$Z_{\text{иц}}$ - ифлос аралашмалар массавий улушкининг барча саноат навлари учун 2,0 фоизга тенг бўлган ҳисобий меъёри;

$W_{\text{иц}}$ -памлик массавий нисбатининг барча саноат навлари учун 9,0 фоизга тенг бўлган ҳисобий меъёри;

$W_{\text{иц}}$ -пахтадаги намликининг ҳақиқий массавий нисбати, фоиз;

$M_{\text{иц}}$ -пахтанинг ҳақиқий вазни кг;

$M_{\text{иц}}$ -пахтанинг ифлос аралашмалари ҳисобий меъёрга келтирилгандағи вазни, кг;

$M_{\text{иц}}$ -пахтанинг кондицион вазни, кг;

МИСОЛ:

Тўданинг ҳақиқий вазни $M_{\text{иц}} = 187950$ кг IV нав 2- синф пахтадан жамланган. Унинг ифлослик даражаси ҳисобий меъёрга келтирилгандан кейинги вазни $M_{\text{иц}} = 165396$ кг ва кондицион вазни $M_{\text{иц}} = 155472$ кг. Пахтанинг ҳақиқий ифлослик ва намлик даражасини аниқлаш керак.

IV нав пахтанинг ифлослик даражаси ҳисобий меъёри давлат стандарти бўйича 2,0 фоиз ва намлигининг меъёри 9,0 фоиз.

Бунда пахтанинг ўртача ҳақиқий ифлослиги қўйидагича бўлади.

$$Z_{\text{иц}} = 100 - \frac{165396 \times (100 - 2,0)}{187950} = 100 - 86,2 = 13,8 \text{ фоиз}$$

Мана шу пахтанинг ҳақиқий уртача намлиги қўйидагини ташкил этади:

$$W_{\text{изм}} = \frac{165396 \times (100 + 9,0)}{155472} - 100 = 115,9 - 100 = 15,9 \text{ фоиз}$$

9.2.5. Тайёрлов пункtlарида хўжаликлардан қабул қилиб олинаётган пахтани тўғри баҳолашни назорат қилишни кучайтириш, тўдаларга тўпланаётган пахтанинг нави, синфи, намлиги ва ифлослигини тўғри аниқлаш мақсадида техника назорати булими бошлиғи ёки корхона лабораторияси вакиллари қўйидагиларга масъулдиirlар.

Бир ойда камида 2 марта ҳар сафарги таъмирлаш ва тузатишлардан сунг асбобларнинг тўғри ишлашини назорат қилиш, текшириш натижаларини корхона ёки тайёрлов пункти журналига ёзиб қўйиш.

Қабул қилинаётган пахтанинг нави, синфи, ифлослик ва намлик даражасини аниқлашни мунтазам назорат қилиб бориш, шунингдек, лаборатория таҳлиллари ўтказишни (кунлик қабул қилинаётган ҳамда бир кунда тўдаларга тўпланган пахтадан олинган намуналар бўйича) текшириш.

Текшириш пайтида тайёрлов пунктида хўжаликлардан қабул қилиб олинаётган пахта сифати нотуғри белгиланган ҳоллар аниқланса, жойларнинг ўзида камчиликларни бартараф этиш чораларини куриш ва бу хақда раҳбарга ахборот бериш.

Пахта тайёрлаш пункtlарида пахта сифатини аниқлаш ва лаборатория ишлари техника назорати булимининг бошлиғи томонидан пахтадан намуна олиш ва синаш усуслари давлат стандарти талабларига жавоб берган ҳолда ўтказилади. Намуна олиш ва пахта сифатини аниқлаш ишлари лаборатория мудири (катта лаборант) иштирокида амалга оширилади.

9.2.6. Пахтани омборлар ёки ғарамларга босишда тайёрлов пункти лабораторияси ҳар бир тудага 8-ХЛ шаклда икки нусхада паспорт ёзади. Унда пахтанинг тулиқ сифат кўрсаткичлари ёзилади. Ғарам ёки омборхонага ўрнатилган яшикка пахтанинг қўйидаги кўрсаткичлари ёзилган паспортдан кўчирма қўйилади; селекцион ва саноат нави, синфи, пахтанинг қабул қилиш пайтидаги намлиги, ифлослиги, омборхона (бостирма, майдон)

нинг рақами, тұдани тұлдириш бошланған ва тугалланған вақти тұлдириб булинған тұданинг кондицион вазни ва қабул қылувчининг фамилияси. Шунингдек пахтанинг сақланиш ҳолати бүйича үзгартишилар ҳам қайда этиб борилади.

Паспортнинг бир нусхаси тайёрлов пункти лабораториясида сақланади, иккинчиси эса пахтани жамланған ғарнама ёки омборга ойнали рамка ёки целлофан пакетта үраб, ёғингарчылык тегмайдиган жойга беркитиб күйилади.

Паспортдаги маълумотларнинг үз вақтида ёзилиши ва түғрилиги учун масъулият лаборатория мудири (катта лаборант) зиммасига юкландади.

10. ПАХТАНИ ҚУРИТИШ-ТОЗАЛАШ ЦЕХЛАРИ БҮЛГАН ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ, ҚУРИТИШ ВА ТОЗАЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

10.1. Пахтани қуритиш-тозалаш цехлари бүлған тайёрлов пунктларида қабул қилиб олиш ва бу пахта учун ҳисоб-китоб қилиш мазкур йүриқномада баён этилган тартибларга киритилган құшимчаларни ҳисобға олган ҳолда амалға оширилади.

Пахтани қуритиш-тозалаш цехида қуритиш ва тозалаш унинг табиий хусусиятларининг сақланишини таъминлашда, уни қайта ишлашда, пахта тозалаш корхонасида юқори сифатли тола, чигит ва момиқ олиннишида муҳим ахамият касб этади.

Тайёрлов пунктларидаги ҳар бир тозалаш-қуритиш цехининг юқори самара билан ишлаши пахта этишириувчи ҳұжаликлар билан тузилған шартномага биноан ажратиладиган ишчи кучи билан амалға оширилади.

Қуритиш-тозалаш цехлари техник йўриқномага амал қилған ҳолда ишлатилади.

10.2. Қуритиш ва тозалаш лозим бүлған пахта тайёрлов пунктининг қуритиш-тозалаш цехи яқинига, пневмотранспорт зонасига тұқылади.

Пахта қуритиш-тозалашга тұдалаб жұнатылади.

10.3. Қуритиш-тозалаш цехининг намни тортиб олиш ва тозалаш бүйича ишини назорат қилиб түриш тайёрлов пункти лабораториясининг смена лаборантлари зиммасига юкландади.

Қуритиш-тозалаш цехига берилетган ва ундан чиқаётган пахта тұдасининг ұқықтық намлиги ва ифлослик даражасини аниқлаш учун ұар иккі соатда намуна олинади. Шу билан бир вақтда чиқинді билан құшилиб чиқиб кетаётган пахта миқдорини аниқлаш мақсадыда чиқиндилдан ҳам намуналари олинади.

Смена охирида таҳлил күрсаткичлари аоосида тұдалаги пахтаниң қуритиш-тозалаш цехига жұнатылмасдан аввалғи намлиги, ифлослиги, қуритиб ва тозаланғач қолған намлик ва ифлослик, чиқиндилардаги пахта ұажми смена бүйича аниқланади.

Тұдалар ва сменалар бүйича якуний күрсаткичлар қуритиш ва тозалаш натижалари таҳлиларининг йиғма картасига (22-ХЛ шакл) ёзилади. Вақти-вақти билан (ұар 2 соатда) аниқланған (намлик ва ифлос даражаси бүйича) курсаткичлар эса таҳлиллар картасига (21ХЛ шакл) ёзилиб, смена мастерига тақдим этилади. Ү үз навбатида иш жараёнда жиҳозларнинг тұғри ишлешини, пахтани қуритиш ва тозалаш режимини мувофиқлаштириб туради.

Агар бир сменада бир неча тұдалаги пахта қуритиб ва тозаланса, намлик ва ифлосликтен аниқлаш учун намуна ұар бир тұдадан алоҳида олинади.

Агар бир тұдадаги пахта бир неча смена давомида қуритилса, намуна ұар бир сменада олинади. Тұданиң умумий күрсаткичлари эса ұар бир сменада алоҳида олинған намлик ва ифлослик даражаси бүйича ўртача чиқарилади.

10. 4. Пахтаниң намлиги ва ифлослиги бүйича олинған лабора-тория таҳлиллари натижаси лаборатория журнали ва қуритиш ва тозалаш бүйича таҳлилларнинг йиғим картасига (22-ХЛ шакл) ёзиб, тайёрлов пункті мұҳосибасига тозаланған ва қуритилған пахтаниң кондицион вазнини аниқлаш учун берилади.

Йиғма картада, шунингдек, лаборатория томонидан тұдалаги ҳамма пахта қуритиб ва тозаланғандан кейинги чиқиндидеги пахта миқдори, пахта тозалагичлар үрнатылған цехларда эса чиқиндінін улар орқали үтказғандан кейинги пахта миқдори күрсатилади. Бу күрсаткіч цех ишини бағолаш, шунингдек қуритиш-тозалаш цехида қанча пахта миқдори үйкөтилғанligini аниқлаш учун хизмат қилади.

Тозалагичлардан ўтказилган чиқиндилардан олинган пахта тортиб күрилади ва умумий пахта тұдасига құшиб юборилади.

10.5. Қуритиш-тозалаш цехи мастери қуритилган пахтани тарозила тортиш учун қабул қылувчига юборади.

Агар пахта қуритиш-тозалаш цехидан технологик оқим бүйіча тұппа – тұғри қайта ишлаш учун ишлаб чиқариш корпусига ўтказилса, цехдан юборилган пахтанинг вазни сифатида 19-ХЛ шаклда күрсатылған кондицион вазн (меъердаги күйинди чиқариб ташланиб) ҳисобға олинади. Бунда 19-ХЛ шаклдаги вазн 28-ХЛ шаклга ўтказиб күйилади.

Пахтага қуритиш-тозалаш цехида ишлов бериш натижалари ҳар бир туда тамомланғач, зудлик билан пункт мудири томонидан күриб чиқилади. Күйиндилар меъеридан ошириб юборилған тақдирда бу ҳақда корхона раҳбарыга хабар қилинади. Раҳбар эса күпі билан беш кун ичіда меъердан ташқари күйинди сабабларини текширади ва пахта нобудгарчилигига йул күйгөн шахсларга нисбатан зарур чоралар күради.

11. ПАХТАНИ САҚЛАШ

"Пахтасаноат" худудий акционерлик бирлашмаларининг бошлиқлари, пахта тозалаш корхоналарининг раҳбарлари, тайёрлов пунктлари мудирлари күл ва машинада терилған, даланинг үзіда қуритилмаган пахтанинг сақланиши ва ундан стандарт тола олиниши учун жавобгардирлар.

11.1. Пахта ғарамларини ташкил этиш ва профилактика тадбирлар ўтказиши.

11.1. 1. Пахтани узоқ вақт яхши ҳолатда сақлаш ва ундан сифатли тола олиш учун пахтанинг нави ва синфини ҳисобға олған ҳолда қойылады жадвалда күрсатылғанидек табақалаб тұплаш зарур.

11.1.1- жадвал

Пахта нави	Синфи	Пахтани алоҳида түплаш ва сақлашдаги намлик даражаси, фоиз
1	2	3
I	1	10 гача
	2	12 гача, 12 дан ортиқ
	3	14 гача, 14 дан ортиқ
II	1	11 гача
	2	13 гача, 13 дан ортиқ
	3	16 гача, 16 дан ортиқ
III	1	12 гача
	2	15 гача, 15 дан ортиқ
	3	18 гача, 18 дан ортиқ
I	2	3
IV	1	13 гача
	2	17 гача, 17 дан ортиқ
	3	20 гача
V	3	22 гача

11.1.2. Пахтани ғарамлаш баландлиги пахта нави, синфи ва намлигини ҳисобга олган ҳолда 11.1.2-жадвалда курсатилғандан ортмаслиги керак.

Намлиги 20-25 фоиз бұлған пахта қуритиш-тозалаш цехи яқининга жамлаб қойилади ва тезда қуритилиб, пахта тозалаш корхонасига қайта ишиш ашылады.

11.1.2-жадвал

Пахта нави	Намлиги, фоиз	Чўкиши ҳисобга олинганида йўл қўйиладиган ғарам баландлиги, кўпи билан, м		Бир турдаги майлончадаги пахтанинг таҳминий вазни, т
		ҳаво сўрғичсиз	ҳаво сўрғич қулланиб	
I	10 гача	-	8	400
	10,1 – 12,0	-	8	350
	12,1 – 14,0	-	7	300
	14,0 дан ортиқ	-	6	250
II	11 гача	8	-	370
	11,1 – 13,0	-	8	300
	13-16	-	7	250
	16 дан ортиқ	-	6	200
III	12 гача	7	-	350
	12,1 – 15,0	-	7	300
	15,1 – 18,0	-	6	250
	18 дан ортиқ	-	6	230
IV	13 гача	6	-	300
	13,1 – 17,0	5	-	250
	17,1 – 20	-	4	200
V	22,0 гача	-	3	150
	22,0 дан ортиқ			100

Пахта тозалаш корхонаси қошидаги тайёрлов пунктида қуритиш-тозалаш цехининг кайта ишлаш оқимида ишлашини ҳисобга олиб, намлиги 14 фоизгacha бўлган пахтани тозалаш цехи

зонасига, намлиги 14 фоиздан юқори бўлган пахтани эса қуритиш-тозалаш цехи зонасига тўкиш мақсадга мувофиқдир.

11.1.3. Корхонадан ташқаридаги пахтани тайёрлов пунктида қуритиш-тозалаш цехи бўлмаса, пахта етиштирувчи “хўжаликлар” дан қабул қилиб олинаётган намлиги юқори бўлган пахталарни тайёрлов пунктидаги маҳсус пахта ташиш трактор тиркамасига ёки автопоездларга жамланиб, зудлик билан корхона қошидаги тайёрлов пунктига жўнатилади ва унинг “қабул қилувчиси” қабул қилиб олиб, пахтани ғарамлашни ПДҚИ 41-2002 рақамли “Пахтани қайта ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси” ни 2.14. бандига асосан амалга оширилади. Бу ишлар пахта тозалаш корхонаси раҳбарининг буйруғи билан пахта тайёрлов мавсуми бошланишидан аввал расмийлаштирилиб қўйилади

11.1.4. Пахта ғарамлари кўтарилгач, уларнинг атрофи ўз вақтида тараб чиқилади.

11.1.5. Ғарамлардаги пахтанинг намлигини ўз вақтида аниқлаш учун тайёрлов пункти лабораторияси сақланаётган пахтанинг ҳароратини қўйидаги муддатларда текшириб туради.

I ва II нав пахтанинг бир кунлик намлиги тегишлича 9-13, III ва IV нав пахтанинг намлиги 15-17 фоиздан ортмаган тўдаларда ҳар беш кунда, намлиги катта тўдаларда эса ҳар уч кунда текширилади.

Ғарамлардаги ҳарорат 8 жойда (4 та бурчаклар томондан, 4 таси эса ён, олд ва орқа томонлардан) 4 метр чуқурликда ўлчанади. Омборларда сақланган пахта ғарамларининг эшик томонидан битта жойда, тепа қисмидан 4-6 жойда ўлчанади. Ҳарорат ўлчагич ғарам ичида камида 30 минут туриши лозим.

Ўлчанган ҳарорат пахта сақлаш дафтарида қайд этилади.

11.1.6. Иssiқ пайтларда (сентябр-октябр) тайёрланган пахта учун нормал ҳарорат агар у 2-3 кун ичида бир хил турса, 35 °C дан ортмаслиги керак.

Сақланаётган пахта тўдаларидаги ҳарорат биринчи ўлчашда 35 °C дан ортиқ бўлса ёки кейинги ўлчашларда бир нуқтанинг ўзида 2-3 даражага ортиб кетса, ғарамдаги иссиқ ва нам ҳавони суреб чиқариб ташлаш йўли билан уни совутиш керак.

11.1.7. Пахтанинг ўз-ўзидан қизиб кетишнининг олдини олиш учун ҳаво туннеллардаги ҳаво сўрувчи қурилмалар ёрдамида чиқариб ташланади.

Фарам кутарилгандан ва тегишлича чуккандан кейин қўлда ёки механизмлар ёрдамида унинг узунаси буйлаб эни 0,8-1,0; баландлиги эса 1,8-2,0 метрли туннел очилади. Ҳаво суреболинишидан аввал бир тарафи туннелнинг 1,5-2,0 м узунлигига пахта билан тусилади ва устига III ва IV даражали брезент билан 2 қават қилиб ёпилади.

Ҳаво сурин учун УВЦ-1ОМ веитилятори кўлланилади.

11.1.8. Намлиги ортиқча бўлган пахтанинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, фарам қандай ҳолатдалигидан қатъий назар, ҳаво суреболиниши керак. Қўйидаги 11.1.3-жадвалда ҳаво сурешнинг тахминий муддатлари кўрсатилган.

11.1.3 – жадвал

Пахта намлиги, фоиз	Профлактика (ҳаво сурин) қайси кундан бошланади		
	фарамлаш тугагандан кейин- биринчи	биринчидан сўнг шунча кундан кейин- иккинчи	кейингилари шунча кундан сўнг
I – II нав пахта сақланганда			
12-14	7-10	10	15
14,1-16	5-8	8	12
16,1 дан ортиқ	5	5	8
III – V нав пахта сақланганда			
13-15	7-8	10	15
15,1-18	5-6	8	10
18,1-20	3-5	5	8
22,0	3-4	5	7

11.1.9. Ҳаво иссиқ кунларда (ҳарорат 25-30 °C дан ортиқ бўлганида) ғарам ичидағи ҳавони кечаси ёки эрта тонгда сўриб олиш мақсадга мувофиқдир.

Юқори намлиқдаги пахта ҳароратини пасайтириш самарадорлиги ва пахтанинг яхши сақланишини таъминлаш ғарамнинг тўғри кўтарилганлигига ҳамда баланд-пастлиги бир хиллигига боғлиқдир. Ғарам баландлиги бутун узунилиги бўйлаб бир хил бўлиши лозим.

11.1.10. Пахтани ғарамлашда профилактик тарзда ҳавони сўриб олишда бу иш 6-8 соатдан кам давом этмаслиги керак. Пахта ўз-ўзидан қизиган ҳолларда ҳаво сурин жараёни ғарам ҳарорати ўлчанаётган саккизта жойда унинг иссиқлиги атроф ҳаво ҳарорати даражасига етгунча давом эттирилади.

11.1.11. Ҳаво сўрилган илгари ўлчанган жойларда ҳар 6-8 соатда назорат ўлчови ўтказиб турилиши керак.

Ғарамдаги ҳаво туннел орқали чиқариб ташлашда ҳарорат секинлик билан пасайганида туннелнинг ён ва орқа томонларидаги атмосфера ҳавосининг сўрилаётганлиги текширилади. Бундай ҳол аниқланса, зарурӣ чоралар кўрилади.

11.1.12. Намлиги 11,0 фоизгача бўлган биринчи нав пахта ва намлиги 13,0 фоизгача бўлган паст нав пахтани сақлашда тола ва чигитнинг табиий хусусиятларни сақлааб қолиш тадбирлари ўтказилмаса ҳам бўлади. Бироқ амалда шундай ҳоллар ҳам бўладики, ғарамларга намлиги жуда юқори пахта ҳам тушиб қолади. Бу ҳолда ғарамнинг айрим жойларида пахтанинг ўз-ўзидан қизиш ҳоллари юз беради.

Шунинг учун намлиги 11,0 фоизгача бўлган I-II нав, намлиги 13,0 фоизгача бўлган паст навли пахтани узоқ вақт сақлашда туннеллар очиш ва иссиқ ҳавони чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

11.2. Пахтанинг сақланишини текшириш

11.2.1. Пахта тозалаш корхонаси тайёрлов ҳамда техник назорат бўлимлари бошлиқлари камида ҳар ўн кунда бир марта ғарамлар тўғри босилаётганини, омборлардан фойдаланишини ва корхонадан ташқаридаги тайёрлов пунктларида, хомашё ва тайёр маҳсулот, техник назорат бўлимлари бошлиқлари эса пахта

тозалаш корхонаси қошидаги тайёрлов пункrtlарida сақланыстаған пахта сифатини текшириб туришлари лозим.

Хар бир текшириш натижаси тайёрлов пунктларининг маҳсус дафтарига ёзиб қўйилади.

11.2.2. Пахта ҳолатини текширишда қуйидагилар аниқланади:

- чакка ўтиши ва бошқа сабаблар туфайли намлик ортиб кетмаганми?

- ўз-ўзидан қизиш жараёни бошланмаганми (пахтанинг ўз-ўзидан қизиш жойини билдиради)?

- туннеллар бошида нам йуқми (агар нам бўлса шу жой яқинида ҳўл пахта борлигидан дарак беради)?

- ғарамда ўзгаришлар юз бермаганми?

Пахта тозалаш корхонаси ва тайёрлов пункти лабораторияси I-II нав пахта ҳолатини ҳар 10 кунда, III-V навлар ҳолатини эса ҳар 5 кунда текшириб туради.

Уруғлик пахтанинг қандай сақланыстағанлигини текширишга пахта тозалаш корхонасининг катта агрономи ва уруғчилик лабораторияси мудири жалб этилади.

Хар бир тұдадаги пахтанинг ҳолатини текшириш якунлари дафтарга ёзиб қўйилади.

11.2.3. Пахтанинг ҳарорати аввалги текширишдан тоақал 1,0 даражага ортиб кетганлиги аниқланса, унинг ҳароратини ҳар куни ўлчаб туриш талаб этилди. Агар кейинги 2-3 ўлчашда ҳароратни тобора ортиб бораётганлиги кузатилса, бу ҳолда вентилятор ёрдамида ҳавони сўриб ташлаш йўли билан пахтанинг ўз-ўзидан қизишига чек қўйилади.

11.2.4. Тайёрлов пунктида пахта қониқарсиз ҳолатда сақланған тақдирда тайёрлов пункти мудири ва қабул қилувчи аниқланған камчиликни тугатиш чораларини кўрадилар ва дарҳол бу ҳақида пахта тозалаш корхонаси раҳбарига хабар берадилар.

Пахта тозалаш корхонаси ҳамда тайёрлов пункти вакилларидан иборат комиссия бир ойда камидан 2 марта пахта қандай сақланыстағанни биргаликда текшириб, текшириш натижаларини 10-ХЛ шакл асосида расмийлаштиради.

11.2.5. Чакка утаётганлиги ва пахта намланганлиги аниқланган ҳолларда нам тортиш қалинлигини аниқлаш мақсадида ғарамни қудуқсимон қилиб тешиш ва намланган пахтани қуритиши учун олиш лозим.

11.2.6. Ёғингарчиллик бўлиб ўтгандан сунг барча омборхона, бостирма ва ғарамлардаги пахта ҳолати текшириб чиқилади.

Брезент ёки томдан сув ўтган тақдирда намланган пахта олиниб, қуритилади, томнинг бузилган жойи зултик билан тузатилади.

11.2.7. Ҳар бир тайёрлов пункти узунлиги 6-9 м ли кўчма шоти ҳамда кўчма металл шотилар билан таъминланган бўлиши керак.

11.2.8. Пахта тозалаш корхонаси билан келишилган ҳолда фермерлар тайёрлов пунктидаги фермер хўжаликлари пахтасидан жамланган ғарамларни сақланиш ҳолатини текширишлари ва бу ғарамларни корхонада қайта ишлаш жараёнида қатнашишлари мумкин.

11.3. Пахта омборларидан фойдаланиш

11.3.1. Пахтани тозалаш корхоналарида, тайёрлов пунктларида сақлаш учун ёпиқ омборлар, бостирмалар ва очиқ майдонлардан фойдаланилади.

Омборлар, бостирмалар, ғарем майдонлари тартиб рақамларига эга бўлади. Ёпиқ омборлар, биринчи навбатда, уруғлик пахтани сақлашга ажратилади.

11.3.2. Ёпиқ биноларда пахта қуйидаги зичликда босилиши керак:

- намлиги 12 фоизгача бўлган I-II нав пахта учун – 160 – 170 кг/м³;

- намлиги 18 фоизгача бўлган паст навли пахта учун - 130-160 кг/м³.

Пахта омборларидан тўғри фойдаланиш тайёрлов пунктida пункт мудири, қабул қилувчи зиммасига юклатилади.

11.4. Омборхоналар, бостирмалар ва ғарем майдонларининг тузилиши.

11.4.1. Омборхоналар, бостирмалар ва ғарем майдонлари лойиҳалаш ташкилотларининг техник ҳужжатлари асосида курилади.

11.4.2. Фарам майдонининг ўлчами 14×25 м бўлиши керак, майдон ўргасининг юзаси ёмғир сувлари оқиб кетиши учун 5-7 см баландроқ бўлиши лозим. Бошқа ўлчамдаги фарам майдонларини қуриш тавсия этилмайди.

Ёмғир сувларини ва ер ости сувларини чиқариб ташлаш учун фарам майдончасининг атрофи (тўрт томони) да сув чиқиб кетадиган ариқчалар очилади. Бу ариқчалар фарам майдони четидан 0,7 м узоқликда бўлиши керак. Фарам майдони билан ариқча орасидаги масофа пахта бузилишининг олдини олиш учун асфалтланади.

Ер ости сувлари юқори жойлашган ерларда ариқчалар 20-25 см чуқурликда бошқа жойларда тупроқ таркибини ҳисобга олган ҳолда 50-60 см чуқурликда қазилади.

Пахтани фарамларда сақлаш даврида ариқчалар сув тошиб кетмаслиги учун вақти-вақти билан тозалаб турилади.

Фарам майдонлари ёрилса, улар беркитилиш лозим. Фарам майдончаларини қуришда ва таъмирлашда у ердаги турли ўсимликлар илдизи билан олиб ташланиши зарур.

11.5. Пахтани фарамга босиш.

11.5.1. Фарам майдончалари ер сатҳидан 40 см баланд қилиб кутарилиши, асфалт ётқизилиб, мустаҳкамланиши керак. Фарам майдонининг ўргасидан туннелни тўғри кавлаш учун маҳсус чизиқ тортиб қўйилади.

11.5.2. Пахта фарамга ҳаво очиқ кунларда ёйиб босилади.

Ёнгинарчилик пайтларида пахтани фарамга босиш ман этилади.

Фарамга тўкилган пахта майдонининг ҳамма жойига бир текисликда ва қалинликда жойлаштирилиши лозим.

Фарамлаш пайтида пахта қўшимча ифлосланмаслиги учун фарамнинг тўрт томонига 1,5-2 м кенгликда эски брезент ёки мато солинади.

11.5.3. Фарамда кейинчалик узгариш ҳоллари бўлмаслиги учун пахта тушамасини 0,9-1,0 м дан ортмай туриб яхшилаб шиббалай бошлаш керак. Бир кунда битта майдонга 80 тоннадан ортиқ пахта босиш тавсия этилмайди.

Фарамлашда пахтани фарам четидан камида 0,5 ичкарида, 3,5-5 м кенгликда зичлай бошлаш керак.

Фарамнинг урта қисми шиббаланмайди, бу ердаги пахта ўз вазни ва у ерда ишлаётган одамларнинг оғирлиги билан аста-

секин зичлашаверали. Фарамнинг бурчаклари алоҳида эътибор билан яхшилаб зичланади, чунки унинг мустаҳкамлиги бурчаклар тӯғри чиқарилиши ва пишиқ зичланishiга боғлик.

Пахтанинг фарамига тўкилган қисми яхши зичланмагунча устига янги пахта қатлами тўкилмайди.

11.5.4. Пахтанинг фарамлашда унинг фарамнинг ҳамма жойига бир текис ёйилишига ва яхши шиббаланишига алоҳида эътибор бериш керак. Фарамнинг зичланган қисм (чекка қисми) доимо ўрта қисмидан пастроқ булиши зарур.

11.5.5. Фарамлар қуйидаги ҳолларда мустаҳкам бўлмайди ва қулайди:

- пахтанинг пастки қисми ва кейинги қатламлари яхши зичланмагандা;
- фарам бурчаклари тӯғри босилмаган ва зичланмагандা;
- пахта фарамнинг тепа қисмida бўлиб-бўлиб, бир-бирига кириштирмай босилгандা.

11.5.6. Фарам босиш унинг юқори қисми 2-2,5 м баландликка, фарамнинг бутун узунлиги бўйлаб конуссимон гумбаз шакллантирил-гандан сўнг тугалланади.

11.5.7. Пахта фарамга босиб бўлингач аста-секин чўкади ва 10-15 кунда 1-1,5 метрга пасаяди.

11.5.8. Фарам кўтариб бўлингач атрофида осилиб қолган, бўш зичланган пахта териб олиниши керак.

11.6. Фарамларни брезент билан ёпиш.

11.6.1. Очиқ майдонларда сақчанаётган пахтанинг устини ёпиш учун ўлчами $8,5 \times 7$ м ли брезентлардан фойдаланилади. Уруғлик пахта фақат бироричи даражали брезент билан ёпилиши керак.

11.6.2. Фарамлар қуйидаги тартибда ёпилади.

Брезентларнинг ўлчами $8,5 \times 7$ м бўлса, 25×14 м майдондаги фарамни ёпиш учун ўнта брезент керак бўлади, бунда туртга брезентдан иккита брезент тикилади, иккита брезент алоҳида қилиб калта 7 метрли томонидан тикилади. Шу тариқа тикилган брезентнинг ўлчами 17×7 м бўлади.

Тикилган брезент 17 м ли томони билан таҳланади;

Фарам кенглиги 14 м, гумбаз қисми 2,5 метр бўлганда кенглиги бўйича 2 м ли асос қолади. Бундай ҳолда брезент 0,5 м томонга тикилади. Фарам узунлиги бўйлаб эса 5 та брезент ёпилади.

25 x 14 м ли ғарамни 8 та брезент билан ёпища тұртта брезент 7 м ли томонидан тикилади. Ғарамга 17 м ли томони билан ёпилади.

11.6.3. Битта брезент билан ёпилған ғарамда ўртача 30 тонна пахта бұлиши керак. Ғарамни 11.6.2-бандда күрсатылғандан ортиқ брезент билан ёпиш тақықиғанади.

11.6.4. Ёпилған брезентларда уйдим-чуқурлар пайдо бұлмаслигини доимо кузатиб туриш керак. Акс ҳолда ёмғир суви түпләніб пахтага үтиб кетиши мүмкін. Шунинг учун пахта чүккандан кейин ҳосил бұлған паст-баландлик түғрилаб қойылаши лозим.

Ғарамга ёпилған брезентни тортиб турған арқон бұшаб қолгудай бұлса, үз вақтида таранглаш лозим.

11.7. Туннел кавлаш.

11.7.1. Намлиги меңерда бұлған пахта ғарамларига орадан 8-10 кун, ортиқча намлиқдаги ғарал тикланғач эса 3-5 кун үтгандан кейин узунасига битта түннел очиши лозим. Түннелда ҳаво сүришігі ҳалақыт берувчи нарсалар қолдирмаслық керак. Түннел поли тозаланған булиб тешікілари ҳаво кириш учун доимо очиқ туриши лозим.

Омборхоналар ва бостирмалар остига босилған пахтада ҳам ғарамлардаги каби түннеллар очилади.

11.8. Қуритиш-тозалаш цехидан үтказылған пахтани сақлаш.

11.8.1. Пахта қуритиб ва тозаланғандан сүнг бир ҳыл қалинликта ғарамнинг бутун юзаси буйлаб ёйлади. Қуритилған пахта ғарамга ёки омборхонага босилғач, лаборатория ходими пахта ҳароратини үлчайди. Кейинги тадбирлар ва ҳароратни үлчаш мазкур йуриқноманинг 11.1.4 ҳамда 11.1.7-бандларида күрсатылған тартибда амалға оширилади.

11.8.2. Қуригилған ва сақлаш учун қолдирилған пахта ғарамлари тикланғандан кейин орадан 10 кун үтгач, узунасига битта түннел очилади ва зарур бұлғанда ҳаво сүриш учун вентилятор үрнатиласы.

12. ПАХТАНИ ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДАН ТАШИШ ВА ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

12.1. Пахта тозалаш корхонаси рахбари ва тайёрлов пункти мудири пахта ташишни шундай ташкил этишлари керакки, токи

пахта тозалаш корхонасида ассортимент асосида 1,5-2 ой ишлашга, тола ишлаб чиқариш режасини бажаришга етадиган миқдорда пахта заҳираси тұплансин. Бириңчи навбатда ҳаво очиқ күнларда пахта тозалаш корхонаси уруғлик пахта, шунингдек пахта тозалаш корхонаси билан текис ва равон йуллар орқали боғланмаган пунктлардаги пахта ташилиши керак.

12.2. Пахтани корхона ташқарисидаги тайёрлов пунктларидан пахта тозалаш корхонасига ташиш, уни тұдаларга жамлаш, қайта ишлаш учун туширишга қадар сақлаш, қайта ишлашга бериш шу пахтани тайёрлов пункті хизмат күрсатадиган пахта экувчи хұжаликлардан қабул қилиб олган шу тайёрлов пунктининг қабул қилувчиси ёки қабул қилувчи шу операцияларнинг бажарылышини ишонған намуна олувчи ва диспетчер томонидан бевосита ва улар раҳбарлығи остида амалга оширилади.

12.3. Пахта тозалаш корхонаси хом ашे ва тайёр маңсулот, техник назорат ва иқтисодиёт бүлимлари билан бирга навбатдаги ой бошланишдан олдин пахта толасини истеъмолчиларга жұнатиш учун олинған нарядларга мувофиқ, корхона ташқарисидаги тайёрлов пунктидан пахта тозалаш корхонасига ташиш графигини ташилиши лозим бўлган пахта тұдаларининг рақамларини ва ҳажмларини, шунингдек уни корхонада ҳар бир пахта пункті бўйича алоҳида қайта ишлаш навбатини кўрсатган ҳолда тузадилар.

Пахтани пахта тозалаш корхонасига ташиш, уни корхонада тұдаларга жамлаш хұжаликлар бўйича ва тайёрлов пунктіда жамланған тұдалар бўйича алоҳида олиб борилади.

Тайёрлов пунктіда унга берилған пахта тұдасининг рақами, уни пахта тозалаш корхонасида жамланғандаги тұдага ҳам берилади.

Турли тұдалардаги пахтани пахта тозалаш корхонасида битта тұдага аралаштиришга рухсат этилмайди.

12.4. Пахта тозалаш корхонаси бир ҳил селекцион ҳамда саноат навига ва бир синфга мансуб пахта тұдалари жұнатылади.

Сифати бир ҳил бўлган, битта товар-транспорт накладнойи (1-ТХЛ шакл) ёзилған маълум миқдордаги пахта, пахта тұдаси деб аталади.

Пахтани тайерлов пунктидан корхонага жунатиіпда уни мато ёки брезент билан яхшилаб ёпиш лозим.

Элита пахта қанор қолларда сақланади ва ташилади.

Үз-үзидан қизиши эжтимоли бұлған пахта пунктнинг үзида нормал ҳолға келтирілиб, ундан сунг корхонага жунатилади.

Агар пунктнинг қуритиш-тозалаш цехи бұлмаса, пахтанинг үз-үзидан қизиби бузилишининг олдииң олиш учун Зудлик билан қуритиш ва қайта ишләш учун пахта тозалаш корхонасига жүнатали.

Ишлаб чиқариш шароити бүйича буни амалга оширишни иложи бұлмаса, унда юқори намликтегі пахта бүш ғарам майдончасига ёйлади, ағдарилиб туради ва ҳаво ускунаси ёрдамида бир ғарам майдончасидан иккінчисига үтказилиши билан вақтинге сақлаш имконияти яратылади.

12.5. Пахтани транспорт воситаларидан пахта тозалаш корхонасида тушириш, ғарамларини шакллантириш ва пахта сақлаш ишларини қайта ишләшгә бергүнча қадар пахта тозалаш корхонасининг хом ашё ва тайёр маҳсулоттар бүлімининг күч ва воситалари билан қабул қылувчи ёки пахтани хұжаликдан қабул қылған олган унинг вакиғи иштирокида бевосигта бажарылади.

Тайёрлов пунктларидан пахта тозалаш корхонасига қайта ишләшгә жүнаталиған пахта албатта пахта пунктнинг пахта зекуви хұжаликларидан уни қабул қылған қабул қылувчи ёки қабул қылувчи шу операцияни ишониб топширадынан намуна олувчи ёки диспетчер томонидан тортиб олиниши керак.

Жүнаталиған тұда вазнини рүйхат қылыш учун улар томонидан 13-ХЛ шаклы бүйича автомобил тарози үлчовномаси ёзилади. Бу үлчовнома тайёрлов пунктидан пахтани жунатыш учун товар-транспорт накладнойи ёзиш учун асос болади.

12.6. Ҳар бир жүнаталиған пахта тұдаси бирлигига тайёрлов пунктнинг бухгалтерияси томонидан 13-ХЛ шаклы үлчовномаси асосида 1-ГХЛ товар-транспорт накладнойи 3 нусхада ёзилади. Унинг бир нускасы пахтани жүнатаувчи пунктда қолади, биттаси пахтани қабул қылған олувчи корхонага, бир нускасы эса транспорт ташкилотига юборылади. Бу накладнойлар аниқ ҳисоб-китоб бланкалари ҳисобланади.

Товар-транспорт накладнойида күзде тутилған ёзувларни түлдирмай, миқдори, нави, синфи курсатылмай туриб пахтани

тайёрлов пунктидан корхонага жұнатиш таъқиқланади. Жұнатишига тайёрланаёттан пахтанинг намлиқ ва ифлослик курсаткичлари олдиндан аниқланиши лозим.

Пахтанинг нав ва синф курсаткичи накладнойда 7-ХЛ шакл бүйича тайёрлов пунктида пахта харакатини ҳисобға олиш дафтариңнинг маълумотлари бүйича, пахтанинг ифлослик ва намлиқ курсаткичи эса уни тайёрлов пунктидан пахта тозалаш корхонасига жұнатиш олдидағи таҳлил маълумотлари бүйича курсатилади. Накладнойда шунингдек у тайёрлов пунктида ҳисобға олинган пахта тұдасининг рақами курсатилади.

12.7. Тайёрлов пункти лабораторияси барча ҳолларда ҳам жұнатилаёттан пахтанинг ифлослиги ва намлигини текшириши керак.

12.8. Бошлаб құйилған пахта тұдасини жұнатишни тұхтатиши ёки уни тугатмай туриб бошқа тұдани жұната бошлаш таъқиқланади.

Пахта тұдаси жұнатиб бўлингач 11-ХЛ шаклда уни қабул қилиш, сақлаш ва жұнатиш натижалари бүйича текширув далолатномаси гузилади.

12.9. Пахта тозалаш корхонасида тайёрлов пунктининг қабул қылувчиси ёки унинг ишонган шахси транспорт бирлигидә келтирилған пахтани автомобил тарозида тортиб ҳақиқий вазнини белгилайди, 14-ХЛ шакли бүйича үлчаниши ҳисобға олиш дафтарини ва товар-транспорт накладнойнинг тегишли бўлимларни тұлдиради.

Кириш назоратини амалга ошириш учун пахта тозалаш корхонасига келған пахтанинг ифлосланиши ва намлиги корхона лабораторияси томонидан ҳам аниқланаади.

12.10. Жұнатилған пахта накладнойларини рўйхатта олиш учун тайёрлов пунктининг катта мухосиби томонидан жұнатилған пахта учун 16-ХЛ шакли бүйича спецификация тузилиб, у ҳар бир хафтада 2 нусхада пахта тозалаш корхонасига жұнатилади.

Спецификациянинг бир нусхаси пахта тозалаш корхонасининг мухосибаси томонидан келтирилған пахта ҳақидаги қайди билан тайёрлов пунктига қайтарилади.

Ой тугалланиши билан тайёрлов пункти мухосибасида 25-ХЛ шакли бүйича пахта харакати тұғрисида ҳисобот тузилади.

Ҳисобот икки нусхада тайёрлов пунктида жамланган пахта тұдалари бүйича тузилади. Биринчи нусхасы пахта тозалаш корхонаси мухосибасига берилади, иккінчісі тайёрлов пунктида қолдирилади.

12.11. Пахта тозалаш корхонасига келган пахтаниң ҳисоб ва кондицион вазни уни тайёрлов пунктідан жұнатыш пайтидаги ифлослик ва намлық бүйича лаборатория таҳлиллари асосида ҳисоблаб чиқлади.

12.12. Пахтани қабул қилиш ва жамлаш функцияси корхона ташқарисидаги тайёрлов пунктларининг қабул құлувчисига топширилишга мувофиқ пахта тозалаш корхонасینинг мухосибаси корхона ташқарисидаги пунктларининг қабул құлувчсига моддий жавобгар шахс сифатида 27-ХЛ шакли бүйича пахта тозалаш корхонасида пахта қараратини ҳисобға олиш дафтарини очадилар.

Пахта тозалаш корхонасида пахта қараратини ҳисобға олиш дафтари пахта тозалаш корхонасінинг мухосибасида ва пахтаси пахта тозалаш корхонасида асосий ишлаб чиқаришда қайта ишлеш учун жамланеттан корхона ташқарисидаги қабул құлувчилар томонидан олиб борилади. Дафтарда корхонада пахтаниң ұар күнлік қарарати, тайёрлов пунктіда пахта топширган хұжаликлар бүйича тайёрлов пунктіда шу тұдаларни жұнатыш қысміда акс эттирилади. Кириш графалари 26-ХЛ шакли бүйича бир кунда қабул қилинген пахта рапортлари асосида тұлдирилади.

Пахтани сарфлаш бүйича графалар 28-ХЛ шакли ишлаб чиқариш топшириқномаси асосида тұлдирилади.

Пахта тозалаш корхонасида мазкур пахта тұдасини қабул қилиш тугагандай кейин шу туда пахтасининг ҳисоб ва кондицион вазни ҳисбланиб, жамланыш бүйича ўртача намлық ва ифлослик фойзи аникланади.

“Жами” қаторидан кейин пахта тозалаш корхонасига шу пахта тұдасига ишлаб чиқариш топшириқномасининг санаси ва рақами күрсатилади.

12.13. Пахтани қайта ишлеш учун ишлаб чиқаришга беріш фақат тайёрлов пунктіда жамланған ва пахта тозалаш корхонасига келтирилген тұлиқ тұдалар билан олиб борилади.

Қайта ишлаш учун мүлжалланган шу пахта тұдаси учун жавобгар тайёрлов пунктининг қабул қылувчиси ёки унинг ишонган шахси томонидан олиб борилади.

Шу тұда пахтасини пахта тозалаш корхонасида қайта ишлаш бутун жарасни ва ундан олинган маҳсулотларни ҳисобга олиш жараёни тайёрлов пункти қабул қылувчиси ёки унинг ишонган шахси назорати остида ва смесна мастери, техник назорат бўлими ва тайёр маҳсулот товаршуноси иштирокида ўтиши керак.

12.14. Ҳар бир пахта тұдасини қайта ишлашга бериш учун 28-ХЛ шакли бўйича ишлаб чиқариш топшириқномаси асос бўлади. Ишлаб чиқариш топшириқномаси 28-ХЛ шакли 5 нусхада шу пахта тұдаси тайёрланган корхона тапқарисидаги тайёрлов пунктининг моддий жавобгар шахси бўлган қабул қылувчи томонидан пахта тозалаш корхонасида иқтисодиёт бўлимининг бошлиғи билан биргалиқда ёзилади ва бош мухандис, ҳом ашё ва тайёр маҳсулот бўлими, техник назорат бўлими, иқтисодиёт бўлимларнинг бошлиқлари, бош мухосиб, тайёрлов пунктининг моддий жавобгар шахси қабул қылувчи томонидан имзоланади.

12.15. Ишлаб чиқаришдан чиқариладиган маҳсулот ҳом ашё ва тайёр маҳсулот бўлимининг товаршуноси томонидан қабул қилинади, пахта толаси, таркибида калта момиқ ва улюк бўлган чиқитлар ҳар бир қайта ишланган пахта тұдаси бўйича албатта алоҳида-алоҳида тортиб олинади.

Пахтани қайта ишлаш бутун жаравени, ишлаб чиқаришдан чиққан маҳсулотларни ҳисобга олиш, ҳар бир тұда бўйича тайёрлов пунктининг қабул қылувчиси ёки унинг ишонган шахсининг бевосита назорат остида бўлиши керак.

12.16. Тайёрлов пунктининг қабул қылувчиси пахта тозалаш корхонасига келтирилган ҳамда қайта ишлашга жұнатылған пахта тұдаси тугалланғандан кейин пахта тозалаш корхона иқтисодиёт бўлими бошлиғи билан бирга шу тұда пахтасини қайта ишлаш умумий натижаларини таҳлил қилиши керак. Ҳақиқий тола чиқиш кўрсаткичи режа меъёрларидан кам бўлиб, ишлаб чиқариш куйиндилари эса нав меъёрларидан анча кўп бўлса, тайёрлов пунктининг қабул қылувчиси шу оғишларга ёзма равища тушинтириш хати тайёрлаши керак. Тушинтириш хати

28-ХЛ шакли бўйича ишлаб чиқариш топшириқномасига илова қилинади ва пахта тозалаш корхона раҳбари томонидан шу пахта тўдасини қайта ишлаш натижалари ишлаб чиқариш кенгашида мухокама этиш чоғида кўриб чиқилади.

12.17. Тайёрлов пунктининг қабул қилувчиси пахта тозалаш корхонасининг лабораторияси томонидан толаси, момиқ ва чигитнинг сифат кўрсаткичлари аниқланганда иштирок этиш ҳуқуқига эга, баҳсли ҳолларда эса такрорий таҳлиллар ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.18. Республика худудидаги бошқа маъмуриятларга бўйсунадиган тайёрлов пунктларидан жўнатилаётган пахта сифатини аниқлаш тартиби вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси бўйруғи билан белгилаб берилади.

Пахтанинг намлиги ва ифлослигини аниқлаш, учун намуна олиш қабул қилиб олинган тартиб бўйича O'z DSt 643:1995, O'z DSt 644:1995, O'z DSt 592:1992 ва O'z DSt 593:1992 давлат стандартлари асосида пахта жўнатувчи пунктда пахтани олаётган корхона вакили ёки пахта олаётган корхонада пахта жўнатувчи иштирокида амалга оширилади.

Жўнатиш ёки қабул қилиш жойида пахтанинг нави, синфи, намлиги, ифлослиги бўйича аниқланган сифати ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

Пахтанинг вазни мазкур йўриқноманинг 12.9-бандида кўрсатилганидек, албатта тарозида тортиб кўриш йўли билан аниқланади.

Пахта жўнатувчи ва қабул қилиб оловчи ўртасидаги келишмовчиликлар вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси томонидан хал этилади.

13. ПАХТА НОБУДГАРЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРЛАРИ

13.1. Тайёрлов пункти ходимлари пункт худудида, ҳамда корхонага олиб борадиган йўлларда пахта нобудгарчилигига йўл қўймасликлари зарур.

Тайёрлов пунктида ва корхонада тўкилган пахта албатта териб олиниши керак. Кун давомида териб олинган пахта турли

чиқитлардан тозаланиб тегишли саноат нави ва синфига мансуб пахтага қўшилади.

13.2. Пахтани тайёрлов пунктидан корхонага автотранспортда ташишила унинг ифлосланиши ва тўкилишининг олдини олиш мақсадида транспорт кузови ичи 40/50 см баландликдан бошлаб мато билан ёпилади.

Автотранспорт корхоналари пахтани ёпиш учун транспорт воситаларини мато билан таъминлашлари керак.

14. ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЖЎНАТИШДА МЕХАНИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

14.1. Тайёрлов пункти пахтани тұхтовсиз қабул қилиб олиш, ғарамларга, омборхоналарга босиш ва пахта тозалаш корхонасига жўнатиш учун қўйидаги ҳисоб-китобдан келиб чиқсан ҳолда механизация воситалари билан тамиланиши керак.

Ҳар 10 минг тонна пахта ҳисобига қўйидагидан кам бўлмаган миқдорда;

- қабул қилиш-узатиш қурилмалари	6 та
- транспортёрлар	6 - :-
- РБА ғарам бузгичлар	1 - :-
- кўчма металл шотилар	2 - :-
- ПУ-05 юклагич трактор билан	1 - :-

Битта қуритиш-тозалаш цехи 2 та трактор ва 4 та тиркамага эга бўлиш керак.

14.2. Тайёрлов пунктига келаётган ҳар бир пахта тұдаси тарозида тортиб қабул қилиб олингач, қабул қилиш-узатиш қурилмасига тўкилади. Бу қурилма пахтани транспортёр ёрдамида ғарамга ёки омборхонага узатади.

Пахтани трактор тиркамаларидан ерга тўкишга рухсат этилмайди.

14.3. Гидросистемаси носоз ёки мой оқадиган автомобиллар, автопоездлар, пахта ташувчи трактор ва тиркамалар тайёрлов пункти ёки пахта тозалаш корхонаси киритилмайди.

14.4. Тайёрлов пунктининг пахтани қабул қилиб олиш зонаси, механизм үрнатиладиган жойлар асфалтланган ёки қаттиқ қопламали бўлиши керак.

14.5. Тайёрлов пункти худудида механизмларнинг хатарсиз юришни, техника ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электр кабеллари ер остидан утказилиши лозим.

15. ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ

15.1. Хавфсизлик техникаси қоидаларига маҳсус йўриқнома тарзида чоп этилган ва унга амал қилиш лозим. Пахта тозалаш корхонаси ва тайёрлов пункти раҳбарияти (бош мұҳандис, тайёрлов, хом ашё ва тайёр маҳсулотлар бўлимлари бошлиқлари, тайёрлов пункти мудири, қабул қилувчи) шу жойнинг ўзида пахта ва механизмлар билан ишлашда хавфсизлик техникаси бўйича инструктаж утказишлари зарур. Бу борада маҳсус ўқитилмаган шахслар ишга қўйилмаслиги лозим.

Ҳар бир бўлим раҳбари ўз қули остидаги ишчилар билан шахсан сұхбатлашиб, хавфсизлик техникаси бўйича билимга эга эканлитига ишонч ҳосил қылгачина уни ишга қўяди. Инструктаж берган ва олган шахслар бу ҳақда алоҳида дафтарга имзо чекадилар.

16. ХЎЖАЛИКЛАРНИ ҚОП-ҶАНОР ВА ЭТАКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

16.1. Районлаштирилган ва янги нав элита уруғлик пахта қоп-ҷанорларда ташилади. Шу боисдан хўжаликлар ҷанорлар учун керакли матоларни белгиланган месъёрлар асосида эркин нарҳда сотиб оладилар.

16.2. Керакли матоларни сотиб олишда қўйидагиларни ҳисобга олиш керак:

1 тонна пахта учун 3,12 м мато, теримчиларга 1,0 тонна пахта учун 1 та фартук берилади. Элита пахталар учун 60 кг пахтага 1 та ҷанор қоп ҳисоби ўрнатилиши лозим.

17. ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАН ПАХТАГА ҲАҚ ТУЛАШ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДА ҲИСОБОТ

17.1. Пахта қабул қилишнинг квитанция билан расмийлаштирилиши.

17.1.1. Қабул қилиб олинган пахтанинг миқдори ва сифати ҳақида гувоҳлик берувчи ва шу асосда тайёрлов пункти хўжалик билан ҳисоб-китоб қиладиган ҳужжат пахта харид қилишга оид қабул квитанцияси (ПК-17 шакл) ҳисобланади.

17.1.2. Хўжаликдан бир кун ичida қабул қилиб олинган бир хил селекцион ва саноат навига оид бир хил синфдаги ва бир хил мақсаддаги (уруглик ёки техникавий) пахтага беш нусхада битта квитанция ёзилади. Квитанциянинг барча бўлимлари тартиб билан тушунарли қилиб тўлдирилиши керак.

17.1.3. Пахта қабул қилиш учун мулжалланган ПК-17 шакли қабул квитанциясини қабул қилувчи тўлдиради. Кун давомида қабул квитанциясининг 1-бўлимидаги ҳар бир 1-СХ (пахта) шакли накладнойи бўйича саноат навлари ва синфларига қараб алоҳида-алоҳида қабул қилинган пахтанинг ҳақиқий миқдорини ёзиб боради. Кун охирида квитанциянинг 1-бўлимини расмийлаштириш туталланади, навлар, синфлар ва тўдалар бўйича якунлар ҳисоблаб чиқилади. Тайёрлов пунктида 3-ХЛ шакли бўйича қабул қилинган пахта учун квитанциялар рўйхати тузилади, ПК-17 шакли барча беш нусхадаги квитанциялар рўйхати имзоланади ва 1-СХ (пахта) шаклдаги накладнойлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тайёрлов пункти муҳосибасига жўнатилади.

17.1.4. Айни вақтда тайёрлов пунктининг лаборатория мудири (катта лаборант) муҳосибага лаборатория журналига имзо чекиши шарти билан 2-ХЛ шакли пахтанинг таъдил натижалари ҳақида ҳар бир топширувчидан қабул қилинган пахта тўдаси доирасида маълумотнома тақдим этади.

17.1.5. Тайёрлов пунктининг катта муҳосиби биринчи навбатда 1-СХ (пахта) шакли ҳар бир накладной бўйича пахтанинг соғ вазни қанчалик тўғри ҳисобланганини текширади. Ҳатолик аниқланган ҳолларда қабул қилувчи йул кўйилган хатони ўз қули билан тузатади ва буни ўз имзоси билан тасдиқлади.

17.1.6. Тайёрлов пунктининг катта муҳосиби қабул қилувчининг 3-ХЛ шакли қабул квитанциялари рўйхати бўйича ҳисобларини текшириб чиққач, рўйхатни имзолайди ва бир нусхасини қабул қилувчига қайтаради.

17.1.7. Сўнгра катта муҳосиб қабул квитанциясининг 1-бўлимидаги якуний маълумотлар қанчалик тўғри ҳисоблаб

чиқарилғанлыгини текширади ва уларни квитанциянинг "Пахта навлари, синфлари ва түшлеш тұдалари бүйича қабул қилинади" деган II-бұлымига үтказади.

Лаборатория таҳлиллари маълумотларига асосланиб, әр бир саноат нави ва синфи бүйича пахтанинг амалда неча фойз ифлосланғанлығы ва намлиги ёзіб қўйилади ҳамда қабул қилинган пахтанинг ҳисобий ва кондицион вазни аниқланади.

17.1.8. Амалдаги пахта харид нархлари прейскуранти бүйича харид нархлари кўриб чиқилади ва қабул қилинган пахта қийматининг суммаси белгиланади.

17.1.9. Тайёрлов пункти катта муҳосиби пахта тұдалари, навлари ва синфлари бүйича ҳисобларни тугатгач, кун мобайнидаги якунларни ҳисоблаб чиқади.

17.1.10. Қабул квитанциясининг III-бұлымидаги "Қабул қилинган пахта учун тұланадиган ҳақ" деган жойга тайёрлов пунктининг катта муҳосиби қўшимча ҳақ, ушлаб қолинган пул суммаларини ёзіб чиқади ва тұлашга тегишти бутун суммани аниқлади.

17.1.11. ПК-17 шаклида тузилған қабул квитанциясини қабул қилувчи, хўжалик вакили, тайёрлов пунктининг мудири ва катта муҳосиб имзолайдилар.

17.1.12. Муҳосиба қабул квитанциясининг 2-нчи нусхасини статистика қўмитасининг туман вакилига юборади, 3-нчи нусхасини пахта топширувчига тақдим этади, 4-нчи нусха пахта тозалаш корхонасига 5-нчи нусха хизмат курсатувчи банкга топширади. 1-нчи нусхаси 1-СХ (пахта) шаклидаги барча накладнойлар, лаборатория гаҳлиллари натижалари тўғрисидаги 2-ХЛ шакли маълумотномалар, худуддан чиқиб кетиш учун берилған 5-ХЛ шакли рухсатнома билан биргаликда пахта бүйича бундан кейинги ҳисоб-китоб үтказиш ва уни ҳисобга олиш учун тайёрлов пунктидә қолади.

17.1.13. Топширувчиларни накладнойлари, пахта таҳлили натижалари тўғрисидаги маълумотномалар ва худуддан чиқиш учун рухсатнома илова қилинмаган қабул квитанцияларини ҳисоб-китоб учун қабул қилиш маън этилади.

17.2. Пахтанинг тайёрлов баҳоси

17.2.1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан ҳар йили қишлоқ хўжалик ширкат уюшмалари, ташкилотлари,

ижарачи ҳамда фермер хўжаликлари учун давлатга сотиладиган пахтанинг харид нархлари тасдиқланади. Топширилган пахта учун барча ҳисоб-китоблар шу тасдиқланган нархнома асосида амалга оширилалди. Харид нархлар пахта толасининг типига, пахтанинг саноат нави ва синифига қараб белгиланади.

17.2.2. Пахтанинг янги селекцион навлари учун харид нархлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

17.2.3. Турли даражада шира ҳамда бактериал замбуруғлар билан заарланган пахтага ўрнатилган тартибда паст нархда ҳақ туланади.

Пахта бактериал замбуруғ билан кучли заарланган бўлса унга алоҳида шартнома асосида келишилган нархда ҳақ туланади.

17.2.4. Тайёрлов пункти ва пахта тозалаш корхонаси хўжаликларга улардан кондицион вазнда қабул қилинган пахта учун ҳақ тўлайдилар.

17.2.5. Тасдиқланган нархномага мувофиқ пахта тозалаш корхонаси хўжаликсарга Ўзбекистон Республикаси Молия ва Қишлоқ ва сув хўжалик вазирликлари томонидан тиркамали тракторлар ва автомобил транспорти билан юк ташиш учун белгиланган ягона тариф бўйича хўжаликлардан тайёрлов пунктигача юбориладиган пахтани ташиш, жўнатиш ва тушириш ҳақини у қандай турдаги транспортда олиб борилганига қараб тўлади.

Транспорт харажатлари ҳар бир хўжаликлардан тайёрлов пунктигача бўлган ўртacha масофага ҳамда топширилган пахта ҳажмига қараб туланади. Ҳар бир тайёрлов пункти пахта тайёрланп бошлигунга қадар ана шу масофалар тўғрисида туман хокимияти тасдиқлаган маълумотномаларга эга бўлмоғи зарур.

Пахтани тайёрлов пунктига ташиб келтириш ҳақи унинг ҳақиқий миқдорига қараб туланади.

Пахтани хўжаликлардан тайёрлов пунктига ташишда четдан жалб этилган транспорт учун ҳақ товар-транспорт хўжатлари бўйича тўланади.

Хўжаликка транспорт харажатлари ҳар куни ҳисоб қилиб борилади ва ПК-17 шакли қабул квитанциясининг III-бўлимидан акс эттирилади.

17.3. Чегириб қолиш

Тайёрлов пунктиниң мұхосибаси күн давомида топширилған пахта учун хұжаликка тегишли сұммадан намлиқ ва ифлослик даражаси белгиланған мөъердан юқори бұлған пахтани, шу жумладан тайёрлов пунктида ва пахта тозалаш корхонаси, унинг узлуксиз технологик оқимида қайта ишланадиган пахтани қуритиш ва тозалаш учун кетған харажатларни Узбекистон Республикаси Молия ва Қишлоқ ва сув хұжалиги вазирліклари томонидан тасдиқланған нархлар буйича (куйинди қийматини ҳам ұсисблаб) чегириб қолади.

Шунингдек илгари берилған қарзлар ҳам уштаб қолинади.

Хұжаликтарнинг ёзма розилигисиз бошқа ҳеч қандай чегиришлар бұлмаслиғи керак.

17.4. Устамалар.

17.4.1. Тасдиқланған "Пахтаниң харид нархлари" нархномасига мувофиқ пахта тозалаш корхоналари зилта, биринчи, иккінчи ва учинчи авлодли уруғлик пахта учун хұжаликтарга, шунингдек пахта селекцияси билан шуғулланувчи илмий-тәдқиқот мұассаларининг тажриба уруғчылық ва бошқа хұжаликтарига пахтаниң харид нархларига белгиланған тартибда құшимча равища устама тұлайдылар.

17.4.2. Агар уруғлик чигит етиштирувчи уни корхонага сотмай, фақат корхонаниң қайта ишланға доир хизматидан фойдаланадиган ва ўзи қайта ишланған маңсулотининг зәсиси булиб қоладиган ҳолларда у ҳар бир тонна уруғлик учун корхонага белгиланған таргибда қайта ишлаш ұқынни тұлайци.

Бу: а) уруғлики толадан ажратиш;

б) уруғлики тұксизлантириш.

Биринчи ва иккінчи синфли зилта, I, II ва III авлодли уруғлик чигит учун пахтаниң харид нархларига құшимча равища тұланадиган устама ҳақ O'z DSt 642:1995 давлат стандарты талабларига жавоб берадиган уруғлик пахта тұдаларининг тұлапнишига күра тұланади.

Уруғлик пахтага ҳақ тұлаш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг үринбосари томонидан 2003 йил 7 мартда тасдиқланған "Уруғлик чигит етиштирувчи хұжаликлар ва илмий мұассаларни рағбатлантириш ТАРТИБИ" га асосан иккі босқичда тұланади:

- биринчи босқичда устама тұловларнинг 50 фоиз қисми уруғлик алоқыда етиштирувчи хұжаликкларга алоқыда хом ашеси сотиб олиш даврида булинади;

- иккінчи босқичда устама хақнинг қолган қисми 100 фоиз ҳисобланиб, уруғлик чигитларнинг сертификатланған ва хұжаликкларга тарқатылған қисмігә пахта тозалаш корхоналари томонидан уруғлик чигит етиштиришиңда қатнашған субъекттердің 55-ХЛ шакли буйича белгиланған тартибда тұланади.

17.4.3. Якка тартибда танланған, оилавий тарзда териілған пахтадан ва тажриба намуналаридан олинған уруғлик чигитта құшимчы ҳақ тұлаш ҳамда ана шу пахтани қабул қилиб олиш күйидеги тартибда амалға оширилади.

Пахта селекциясі билан шуғуланувчи илмий-тәдқиқот мұассасаларининг тажриба уруғчылық хұжаликлари, ширкат хұжаликлендердин элита уруғчылық хұжаликлари Республика ва марказий пахта станциялари лаборатория шароиттада якка тартибда танланған, оилавий тарзда териілған пахта ва тажриба намуналарини дастлабки қайта ишловдан үтказадилар ва пахта тозалаш корхонасига толани тойланмаган қолда кондицион вазнида "Пахта толасининг ултүржи нархлари" деган прейスクрантда белгиланған нархларда сотадилар.

Пахта тозалаш корхонаси ресжадаги уруғлик мөндериге асосланиб, уруғликнинг миқдорини анықтайтын топширган хұжаликка маълум қыллади. Ресжада белгиланған уруғлик миқдори учун құшимчы ҳақ 1- ва 2-даражадеги элита уруғлигига мұлжалланған миқдорда, ана шу миқдордаги уруғликнинг I нав ултүржи нархи буйича қыйматини чегириб қолған қолда тұланади.

Якка тартибда танланған, оилавий тарзда териілған ва тажриба намуна типидеги пахтани тайёрлаш түгрисидеги маълумот статистика құмитасининг туман вакилігінан хұжаликклар томонидан ПК-17 шакли қабул квитанциясига биноан топширилади.

17.5. Қабул қылеби олинған пахта учун ҳақ тұлаш тартиби

17.5.1. Қабул қылеби олинған пахта учун унинг нави, синфи ва типига қараб ҳақ тұлаш иккі босқичда амалға оширилади.

17.5.2. Биринчи босқичда күн давомида қабул қылеби олинған пахта учун хұжаликкларга ҳақ уни қабул қилиш өчінде

аниқланган саноат нави, синфи ва типига қараб “Пахта хом ашёсининг 70-03-04 – сонли харид нархлари нархномаси” да белгиланган нархларда, қийматининг 80 фоизи миқдорида тұланади.

Иккинчи босқичда - пахта хом ашёсінің қайта ишлаш тугалланғач, тола чиқишига күра тасдиқланған тартиб асосида узил-кесіл ҳисоб-китоб қилинади.

17.5.3. Қайта ишлаш тугалланған пахта тұдалари бүйіча ишлаб чиқариш топишириқтарини яқунлаш өткіда пахта тозалаш корхонасینинг лабораторияси олинган пахта толасининг нави, синфи ва типини аниқлаш учун таҳлил үтказади. Таҳлил натижалари ишлаб чиқариш топишириғи иккінчи бұлымининг 4-бандыда “а” сатрида акс эттирилади ва пахта қийматининг қолған қисмі тұланади.

17.5.4. Қайта ишлаш тугалланған пахта тұдалари бүйіча ишлаб чиқариш ғопшириқлари белгиланаёттан пайтда пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш бұлымининг муҳосиби олинган пахта толасининг типи ва навига зәтибор бермоғи керак.

Олинган толанинг типи билан мазкур тұдадаги пахтанинг уни тайёрлаш өткіда аниқланған типи үртасида фарқ бұлған тақдирда пахта тозалаш корхонасینинг муҳосиби ана шу тұда пахтасини қайта ишлаш натижаларини илова этилаёттан 1 шаклдаги ҳисоботтаға ёзіб қўйиш ва тип кўрсаткичи бүйіча пахта қийматидаги фарқни аниқлаши лозим.

17.5.5. Пахта тозалаш корхонаси товар маҳсулоти таннархи кўрсаткичининг нотуғри ёзилишига йўл қўймаслик мақсадида бундай ҳисоботларни қайта ишлаш тугалланған барча тип, нав ва синфдаги пахта тұдалари бүйіча ҳар ойда тузиб бориши зарур.

Бу ҳисоботлар хўжалик раҳбари ва бош муҳосиби томонидан текширилади ва тасдиқланади ҳамда хўжаликларга қабул қилиб олинган пахтага ҳақ тұлашнинг иккита босиқичини амалга ошириш учун асос булиб хизмат қиласы.

17.5.6. Пахта қийматидаги 1-шакл ҳисоботининг 15-бандыда аниқланған фарқ суммасини пахта тозалаш корхонаси хўжаликка ҳисобот имзоланған кундан бошлаб 10 кун муддатда үтказиши шарт.

17.5.7. Хўжаликдан қабул қилиб олинган ҳамма пахта қайта ишлаб бўлингандан кейин пахта тозалаш корхонаси пахтанинг

юқори ёки пастроқ типга ўтиши муносабати билан унинг қийматидаги фарқлар ҳақида ҳисоб тузиб, бу ҳам текшириб чиқилади ва хўжалик раҳбари, бош муҳосиб томонидан тасдиқланади у ўзаро ҳисоб-китобларни назорат этиш ва текширишга хизмат қиласди.

17.5.8. Тайёрлов пункти (корхона) пахта топширган хўжалик билан нақд пулсиз, «Пахта банки» орқали пахта қабул қилиб олинган куннинг эртасига, узоқда жойлашган тайёрлов пункти эса ҳар беш кунда бир марта ҳисоб-китоб қиласди.

Тайёрлов пункти (корхона) қабул қилиб олган пахта учун хўжаликка тегишли пулни унинг ҳисоб рақамига пунктга хизмат кўрсатувчи банк орқали ўтказиб беради.

17.5.9. Топширилган пахта учун хўжаликнинг жорий ҳисобига ПК-17 шакли квитанцияси асосида пул ўтказилади. Уша квитанция асосида пахта ҳақи ёзилади.

17.6. Топширувчи билан ҳисоб-китобнинг тўғрилигини назорат қилиш

17.6.1. Пахтани харид қилганлик учун бериладиган ПК-17 шакли қабул квитанцияси қатъий ҳисобот блаикаси ҳисобланади.

Бу хужжатларни тулдиришда хеч қандай учириншларга, дод тушиншларга ва тузатиншларга йўл қўйилмайди.

17.6.2. Тайёрлов пунктининг катта муҳосиби қабул қилинган пахтага ҳақ тулаш хужжатларини имзолашда аввал ҳар бир жараён бўйича ҳисоб-китобнинг тўғрилигини пухта текшириб чиқиши лозим.

17.6.3. Ҳисоб-китоб қилиб бўлинган қабул квитанциялари келаси кунда кечиктирмай тартиб билан кетма-кет тикилиши керак ҳамда улар белгиланган муддат давомида сақланади.

17.6.4. Пахта топширувчи билан ҳисоб-китоблар бўйича бўладиган барча жорий ҳисоблар келаси куниёқ уларнинг шахсий счети ҳисоб-китоб дафтарида (6-ХЛ шакл) ўз ифодасини топиши зарур.

Шахсий счёт- ҳисоб-китоб дафтарига ёзувлар сиёҳ билан аниқ ва равшан, хеч қандай учиринш-тузатиншларсиз ёзилиш керак. Йул қўйилган хатолар тузатиншганда эса у албатта изоҳлаб қўйилади.

17.6.5. Пахта топширувчи билан ҳисоб-китоблар тўғрилигини тасдиқлаш ва ўзаро келишмовчилик чиқмаслиги

учун тайёрлов пункти йилда икки марта - ҳар бир пахта топширувчининг ҳисоб-китоблар бўйича шахсий - ҳисоб-китоб дафтарларини 1 июл ва 1 январ ҳолатлари бўйича текшириб туриши керак.

Текшириш натижалари маҳсус далолатномалар билан расмийлаштирилади, нусхалари эса пахта топширувчиларга жўнатилади.

17.6.6. Тайёрлов пункти муҳосибаси қабул қилинган пахта учун 4-ХЛ шакли ҳисоб-китобларини ҳар куни тузиши, бу ҳисоб-китоб кўрсаткичларини тайёрлов пунктида қабул қилинган пахта ҳисоб-китобларнинг назорат ведомостига (18-ХЛ шакл) ёзиб қўйиши шарт. Бу ведомост август-декабр ойлари даврида ҳар ойда икки марта – 1 ва 16 – кунларда, кейинчалик ойига бир марта икки нусхада тузилади. Ведомостнинг биринчи нусхаси пахта тозалаш корхонасига берилади, иккинчиси тайёрлов пунктида сақланади.

Ҳисоб-китоб ведомостлари муҳосибада пахтани қабул қилингандан пахта қаторига ўтказиш ҳамда қабул қилинган нахта учун топширувчига ҳақ туланганини ифода этиш учун асос бўлади.

Ҳисоб-китоб ведомостларининг якуни бўйича шахсий счёtlар 6-ХЛ шакли ҳисоб-китоб дафтаридаги ёзувлар ва даврий якун (17-ХЛ) дафтарига киритилганлигининг тўғрилиги назорат қилинади.

17.6.7. Пахта тозалаш корхонасининг раҳбари ва бош муҳосиби қабул квитанциялари тўғри ёзилиши устидан қаътий назоратни ташкил қилишлари ҳамда пахта топширувчилар билан ҳисоб-китоб, пахтани ташибонлик, қиёмига етказилган уруғлик учун ҳақ тўлаш, қуритиш-тозалаш цехида пахтани қуритиш ва тозалаш учун ҳақ тўлаш, ушлаб қолиш тўғрилигини ҳар ойда камида икки марта текшириб туришлари керак.

Текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилади ва у пахта тозалаш корхонаси раҳбари томонидан тасдиқланади: аниқланган камчилик яъни ортиқча тўлаб юборилган ҳақ ундириб олинади, кам ҳақ тўланган бўлса, уларга белгиланган тартибда маблағ ўтказилади.

17.6.8. Тайёрлов пунктига мансабдор шахслар келганида улар томонидан пахтани қабул қилиш, тайёрлаш, тўплаш, сақлаш

Пахта баланси бўйича кондицион вазн билан, ҳисоб дафтарида эса учламчи вазни-ҳақиқий, ҳисобий ва кондицион вазнлар билан ифодаланади. Пахтанинг ойлик айланмаси ва тўдалар бўйича ўтувчи қолдиқларининг ҳисоб-китоблари балансли аналитик ҳисоб маълумотлари билан солиштирилади.

18.2.5. Пахта тозалаш корхонаси томонидан тайёрлов пунктидаги пахта ҳисобини назорат қилиш, шунингдек улардан маълумотнома тарзидағи ахборотларни олиш учун мустақил балансда турган ва турмаган барча тайёрлов пункtlари ҳар ойда пахта тозалаш корхонасига пахтанинг харакати тўғрисида ҳисобот (25-ХЛ шакл) жўнатадилар. Ҳисобот тайёрлов пункти муҳосибасида икки нусхада ёзилиб, биринчи нусхаси пахта тозалаш корхонасига юборилади. Иккинчи нусхаси шу пунктда қолади.

18.3. Пахтани транзит усулида ташиш

18.3.1. Агар хўжалик томонидан ташилаётган ёки топширилаётган пахта тайёрлов пунктини четлаб ўтиб бевосита пахта тозалаш корхонасига ёки бошқа тайёрлов пунктига топширилаётган бўлса, ҳисоб-китоблар пахтани қабул қилган корхона ёки тайёрлов пункти томонидан расмийлаштирилади.

Бундай ҳолларда пахта тозалаш корхонаси ва тайёрлов пункти қабул кивитаницияларининг (ПК-17 шакл) нусхаларини пахтани транзит усулда топширган хўжалик жойлашган туман статистика бўлимига юборади.

18.4. Пахтани пахта тозалаш корхонасида ҳисобга олиш

18.4.1. Пахта тозалаш корхонасида ўз маъмурий қарамоғидаги тайёрлов пунктидан пахтани қабул қилиш ушбу йуриқноманинг 12-нчи бобида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

18.4.2. Пахта пахта тозалаш корхонасининг балансида кондицион вазни бўйича, ҳисоб дафгарларида эса учта вазн: ҳақиқий, ҳисобий ва кондицион вазнлар бўйича қайд қилинади. Пахтанинг ойлик айланмалари ва тўдалар бўйича ҳисобнинг ўтувчи колдиқлари (27-ХЛ шакл) ҳисоб дафтари бўйича балансли аналитик ҳисоб маълумотлари билан солиштирилади. Бунда ҳисоб дафтаридағи ва айланма ведомостидағи ёзувлар ўзаро тақдосланади.

18.4.3. Пахта тозалаш корхонасида түпланган тұдалар ишлаб қиқариш топшириғи (28-ХЛ шакл) асосида қайта ишлашга үтказилади.

18.5. Пахтани қабул қилиш ва сақлаш ҳолатини аниқлаш

18.5.1. Пахта тозалаш корхонасидан ташқаридаги тайёрлов пунктларидан ташилғанды бу ердаги ұар бир тұда ҳамда корхона қошидаги тайёрлов пункттида тайёрланған пахтани қайта ишлаш натижалари 28-ХЛ ишлаб қиқариш топшириғи орқали расмийлаштирилади.

11-ХЛ шакл далолатномаси мазкур тұдалаги пахта жунатиб бўлингандан кейин беш кун ичида тайёрлов пункти мудири, лаборатория мудири ва катта муҳосибдан иборат комиссия томонидан пахта учун ҳисоб берадиган қабул қилувчи иштирокида тузилади.

11-ХЛ шакл далолатномаси пахтани ҳисоб дафтарида ҳисоблаб бориш ва пахта паспорти маълумотлари асосида уч нусхада тузилади. Уларнинг иккитаси ташиш тутагандан кейин беш кун ичида пахта тозалаш корхонасига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун жунатилиши лозим.

Агар сақлаш пайтида бу тұдага бошқа тұда пахтаси аралашган бўлса, бу аралашма албатта хужжат билан тасдиқланиши ва бу ҳақда 7-ХЛ шакл ҳисоб дафтариға ҳамда пахтанинг 8-ХЛ шакл паспортига ёзиг қўйилған бўлиши шарт; бир тұдага кирим қилинади, бошқасидан камомад чиқарилади. Пахтанинг вазни 11-ХЛ шакл далолатномасида аралашганликни ҳисобга олиб курсатилиши керак.

18.5.2. Тайёрлов пунктларидан келган 11-ХЛ шакл далолатномани пахта тозалаш корхонаси раҳбари далолатномалар корхонага етиб келган кундан бошлаб 5 кун ичида тайёрлов пунктти бошлиғи, бош муҳосиб ва корхона техника назорати бўлими бошлиғининг шу далолатномалар юзасидан холосаларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиши зарур. У ұар бир далолатнома бўйича камомадларни чиқарыб ташлаш ва ортиқчаларини кирим қилиш юзасидан амалдаги Низомларга мувофик, узининг ёзма қарорини чиқаради.

Қабул қилувчидан камомад пахта бошқа тұдага қўшилиб қолғанлигини изоҳловчи хат тушган тақдирда пахтанинг

камомади ва ортиқчаси тайёрлов пунктидан пахтанинг ҳаммаси тұла ташиб бўлингунга қадар "Моддий бойликларнинг бузилишдан нобуд булиши ва камайиб кетиши" баланс счетида ҳисобга олиб борилади.

11-ХЛ шакл далолатноманинг кўрсаткичлари пахта тозалаш корхонаси мудосибаси томонидан пахтани қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш натижаларини текшириш тўғрисидаги журналга /12-ХЛ шакл/ тиркаб қўйилади.

Бу хужжатлар пахта тозалаш корхонасида сақланади. Далолатноманинг иккинчи нускаси эса пахта тозалаш корхонаси раҳбарининг қарори билан биргаликда тайёрлов пунктига жўнатилади. Далолатноманинг ушбу нускаси тайёрлов пунктига етишмаган пахтани чиқариб ташлаш ва ортиқчасини кирим қилиш учун асос бўлади.

18.5.3. Тайёрланган барча пахтани қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг охирги натижаларини аниқлаш учун тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш корхонаси, ҳар йили 1 августгача пахта, пахта маҳсулоти ва толали чиқиндиларнинг миқдори юзасидан ҳисоб-китоб ўтказишлари шарт.

18.5.4. 1 августгача пахта тозалаш корхонасининг барча тайёрлов пунктилари омборларида, вилоят терминал базаларида ва сақлаш жойларида мавжуд ҳамда жўнатилган маҳсулот ҳисобидаги, пахта толаси, чигит, линт ва таркибида улюқ ва калта момикили чиқитлар тулиқ қайта хатловдан ўтказилади (инвентаризация қилинади).

18.5.5. Қайта хатлов аъзолари қўйидагилардан иборат булиш керак:

- тайёрлов пункти бўйича - тайёрлов пункти мудири, лаборатория мудири (катта лаборант), катта мудосиб ва қабул қилувчи;

- пахта тозалаш корхонаси бўйича раҳбар, тайёрлов, хом ашё ва тайёр маҳсулот бўлимлари, техника назорати бўними бошлиқлари ва бош муҳосиб, иқтисод бўними ва моддий жавобгар ходимлар;

- вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси бўйича бошқарув раиси, тайёрлов ва сифат бўйича раис уринбосарлари, марказ бошлиғи, тайёр маҳсулотлар бўними бошлиғи, бош технолог,

хуқуқшунос, бош мұхосиб ва иқтисод бұлими бошлиғи таркибида инвентаризация комиссиялари түзилади.

18.5.6. Мавжуд пахта, пахта толаси, чигит, линт ва таркибида улюк ва калта момиқ бұлған чиқитларни ҳисоблаң чиқиши, пахтани сақлаши учун жавобгар шахслар иштироқида ҳар бир тұдадан қолдиқларни натура бўйича йиғиб олиш йули билан ўтказилади. Бунда қўйидаги тартибга риоя қилиш зарур:

- пахта бўйича;

- 1 августгача тайёрлов пунктларидан ҳали жұнатылмаган ёки пахта корхоналари томонидан ҳали қайта ишланмаган тұдаларда пахтанинг хақиқий вазни тортиб кўриш йўли билан белгиланади;

- пахта толаси, линт ва таркибида улюк ва калта момиқ бұлған чиқитлар бўйича:

1 августгача мавжуд пахта толаси, линт ва таркибида улюк ва калта момиқ бұлған чиқитлар ҳар бир тұдадаги тойлар миқдорини текшириш, ҳар бир тұдадаги барча тойларнинг камидә 10 фоизини саралаб тортиб кўриш (тортиш пайтида нотуғри ўлчаш ҳоллари сезилса, тұдадаги барча тойлар тортилади) йули билан белгиланади.

Тортиб кўриш янги счет-сертификат тузиш йўли билан амалга оширилади.

1 августгача мавжуд тойлари бузилған тола, линт ва таркибида улюк ва калта момиқ бұлған чиқитларнинг миқдори чириган ва нуқсонли қисмларини саралаш йули билан аниқланади.

- уруғлик чигит бўйича:

1 августгача мавжуд бұлған техник ва уруғлик чигитнинг миқдори барча уруғликни тортиб кўриш йули билан аниқланади.

18.5.7. Ҳисоблаш комиссияси мавжуд пахта, пахта толаси, чигит, линт ва таркибида улюк ва калта момиқ бұлған чиқитларнинг миқдорини аниқлаш билан бирга ҳар бир тұдадаги пахта, пахта маҳсулотларининг сифатини ҳам белгилайди.

Нави ва синфига тўғри келмаслиги ёки бузилиш оқибатида сифатнинг ёмонлашуви сезилган тақдирда комиссия сақлаши пайтида шу бузилишда йўқотилған пахта миқдорини ҳамда нобуд бўлиш сабаблари ва айборларни аниқлайди.

18.5.8. Тайёрлов пунктлари томонидан 31 июлдан кейин қабул қилинган ҳамда ишлаб чиқаришлан келиб тушган пахта,

пахта маҳсулотлари ва таркибида улюқ ва калта момиқ бўлган чиқитлар мазкур ҳисобга киритилмайди, улар алоҳида фарамларга жойлаштирилади ва ҳисобга олинади.

18.5.9. Тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш корхонасининг муҳосиблари ҳисоб-китоб бошлигунича қуидагиларни бажариши шарт:

- пахта, чигит, линт, таркибида улюқ ва калта момиқ бўлган чиқитларни сақлашга жавобгар шахслардан 1 августгача барча кирим-чиқим хужжатларини олиш;

- бу хужжатларни кўриб чиқиб, 1 августдан муҳосиб карточкалари бўйича, шунингдек, ҳисоб дафтарлари бўйича пахта қолдиқларини аниқлаш;

- миқдорий қолдиқларни муҳосибдаги аналитик ҳисоб-мамъумотлари билан солишириб чиқиш;

- ҳар бир масъул сақловчидан барча кирим-чиқим хужжатларининг муҳосибага топширилганлиги, кирим қилинмаган ҳеч қандай ортиқча ва чиқим қилинмаганлиги ҳеч бир нарса қолмаганлиги тўғрисида ёзма тасдиқномалар олиш.

18.5.10. Ҳисоб-китоб (инвентаризация) пайтида:

- пахта тозалаш корхонаси унга қарашли барча тайёрлов пунктларидан жўнатилиб 1 январдан 1 августгача тушган пахтанинг кирим қилинганлиги;

- 1 январдан 1 августгача бошқа пахта тозалаш корхоналарига жўнатилган пахтанинг ҳисоб-китоблари /бунинг учун иккала томон муҳосиблари текшириш натижаларини тузилган далолатномалар билан тасдиқлаш, келишмовчилик ва норозиликлар чиқсан тақдирда уни 10 августдан кечиктирмай хал этиш топширилади/;

- "Жўнатилган моллар" счётига келиб тушган, лекин қайсилир сабабларга кўра бошқа счетларда /қарздорлар ва бошқалар/ қайд этилмаган, уларнинг счётидан чиқариб ташланиши лозим бўлган маблағлар борлиги;

- харидорлар билан жўнатилган пахта маҳсулотлари ва таркибида улюқ ва калта момиқ бўлган чиқитлар, шу жумладан ёғ-мой комбинатларига юборилган чигит бўйича юзага келган барча норозилик ҳисоб-китоблари пухта текшириб чиқилиши даркор.

Ҳисоб-китоб, маълумотлари амалдаги шаклар: омборлардаги қолдиқлар ва жўнатилган товарлар счёти бўйича буюмлар рўйхатига сизлади.

Ҳисоб-китоб рўйхатларида омборлардаги қолдиқ пахта, пахта маҳсулотлари ва таркибида улюк ва калта момиқ бўлган чиқитлар ҳар бир тайёрлов пункти бўйича ва масъул сақловчи бўйича ҳар бир тўданинг маълумотлари келтирилган ҳолда алоҳида кўрсатилади.

18.5.11. Терминалга жўнатилган, лекин ҳақи туланимаган маҳсулотларнинг ҳисоб-китоб рўйхатларида ҳар бир жўнатма бўйича жунатиш санаси, накладнойининг рақами, счёт рақами ва унинг ёзилиш санаси, счёт бўйича миқдори ва суммаси келтирилади.

18.5.12. Ҳисоб-китоб рўйхатларини инвентаризация ўтказиш комиссияси аъзолари имзолайдилар. Улар шунингдек, тузатишларга берилган изоҳларини ҳам ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

Пахта, пахта маҳсулотлари ва таркибида улюк ва калта момиқ бўлган чиқитларнинг яхши сақланиши учун моддий жавобгар шахслар ҳар бири алоҳида рўйхат учун қўйидаги мазмунда тилхат берадилар: "Мазкур ҳисоб-китоб рўйхатидаги келтирилган барча моддий бойликлар комиссия томонидан менинг иштирокимда қайтадан текширилди ва рўйхатга киритилди. Шунга кура, ҳисоб-китоб комиссиясига зътиrozим йўқ. Рўйхатда қайд этилган моддий бойликлар менинг жавобгарлигимда сақланмоқда".

18.5.13. Белгиланган мавжуд пахта қолдиғи, пахта маҳсулотлари ва чиқитларни инвентаризация комиссияси ҳисоб-китоб солишириш ведомостларини тузиб ва сақлаш учун ҳар бир масъул шахс ва пахтанинг ҳар бир тұдаси бўйича ҳисоб-китоб нағижаларидан: камомад, ортиқчалик ва сақлаш пайтидаги бузилишдан сифатини йўқотиш ҳолларини аниқлаб ҳисоб-китоб маълумотлари билан таққослаб кўради.

18.5.14. Моддий жавобгар шахслар ҳисоб-китоб солишириш ведомостларини имзолаб камомад, ортиқча ва нобудгарчиллик бўйича ёзма изоҳ, инвентаризация комиссияси эса ҳисоб-китоб натижалари бўйича ёки маъсул шахслар изохи бўйича хуносалар чиқаршилари зарур.

18.5.15. Пахта тозалаш корхонаси раҳбари барча ҳисоб-китоб солишириш ведомостларини, инвентаризация комиссияси хulosаларини, маъсул сақловчиларнинг хulosаларини уч кун ичида кўриб чиқиши ва ҳисоб-китоб натижалари бўйича қарор қабул қилиши лозим.

18.5.16. 1 августгача бўлган даврга тайёрлов пункти ва пахта тозалаш корхонаси пахта, тола, чигит, линт ва таркибида улюк ва калта момиқ бўлган чиқитларнинг қолдиқларини ҳисоб-китоб қилиш якунлари бўйича ҳисобот /67-ХЛ шакл/ тузади ва уни:

пахта тозалаш корхонаси вилоят "Пахтасаноат" бирлашмасига 1 сентябрдан кечиктирмай;

- вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси "Ўзпахтасаноат" юшмасига 10 сентябрдан кечиктирмай тақдим этади.

18.5.17. 1 августгача бўлган пахта ва пахта маҳсулотлари қолдиқларини ҳисоб-китоб қилиш якунларидан ташқари, тайёрлов пункти мудири ва пахта тозалаш корхонаси раҳбари пахтани сақлаш, жўнатиш, қайта ишлаш якунлари бўйича ўтган йилнинг 1 августидан шу йил 1 августигача бўлган давр учун ҳам ҳисобот /68-ХЛ шакл/ тақдим этадилар.

18.5.18. Ҳисоб-китобда аниқланган камомад, ортиқча маҳсулот ва сифат йўқотишлиари, сақлаш давридаги бузилишлар белгиланган тартибда чиқариб ташланади ёки кирим қилинади.

18.5.19. Пахта, тола, чигит, линт ва таркибида улюк ва калта момиқ бўлган чиқитлар қолдиқларини ҳисоб-китоб қилиш якунлари ҳақидаги 67-ХЛ шакл ҳамда пахта ва пахта маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва жўнатиш якунлари тўғрисидаги 68-ХЛ шакл ҳисоботларида пахта тўдалари бўйича тўпланган ортиқча маҳсулот ва камомад, нав ва синфлар орасидаги фарқларни чиқариб ташлаган ҳолда келтириладики, бу ҳолга бир даврнинг ўзида бир масъул шахс томонидан йўл қўйилиши мумкин холос.

18.5.20. 67-ХЛ ва 68-ХЛ шакллар ҳисоботларига;

- пахта қайта ишланганлик ва пахта толаси ишлаб чиқарганлик ҳақидаги маълумотнома /69-ХЛ шакл/;

- пахта ва пахта маҳсулотининг табиий камайиш меъеридан ортиқ бўлган камомади ва ортиқча маҳсулот ҳақидаги маълумотнома /70-ХЛ шакл/;

- пахта ва пахта маңсулотларининг камомадини айбдорлардан ундириб олиш ҳақидағы маълумотнома /71 -ХЛ шакл/;
 - пахтани қуритиш-тозалаш цехида ишлаш натижалари ҳақидағы ҳисобот /24-ХЛ шакл/;
 - инвентаризация комиссиясининг ҳисоб-китоб ўтказиш тартиби, меъердан күпроқ табиий камайиш сабаблари, хусусан айбдор шахстар йўқ булганида ҳисоб-китоб натижалари бўйича жавобгарликка тортилган айбдорларни кўрсатиб тузилган қарор иловга қилиниши зарур.

18.5.21. Пахта тозалаш корхоналари бўйича кенг маълумотларга ва инвентаризация комиссиясининг баёнларига эга булган бундай умумий шаклдаги хисобларни вилоят "Пахтасаноат" бирлашмалари ва пахта тозалаш корхоналари 20 сентябрдан кечиктирмай "Узпахтасаноат" ўюшмасига тақдим этади.

18.5.22. Пахта тозалаш корхонасининг раҳбари ва бош муҳосиби ҳисоб-китобни ўз вақтида ва туғри утказиш учун жавобгардирлар. Вилоят "Пахтасаноат" бирлашмасининг раиси ҳисоб-китобни утказиш учун назорат уюштириши шарт.

18.6. Пахтани куритиш-тозалаш цехида ҳисобга олиш

18.6.1. Ортиқча ифлосланган ва нам паҳтани күритиш-тозалаш цехида қайта ишлашга қабул қылыш, кондицион вазнини аниқлаш ва унинг ҳисоб-китоби мазкур йуриқноманинг 9.1, 17.2.5, 17.5.9-бандларига мувофиқ равищда расмийлаштирилади.

18.6.2.Куритиш-тозалаш цехида қабул қилинган пахта қайта ишлангунга қадар тайёрлов пунктида пахтанинг тайёрлов пунктидаги харакатини 7-ХЛ шакл ҳисобга олиш дафтарида учта вазн билан: ҳақиқий, ҳисобий ва кондицион вазни билан ҳисобга олинади.

Ҳисоб дафтарига ёзиш учун кирим буйича - пахтани харид қилиш квитанциялари /ПК-17 шакл/, ҳаражатлар буйича - куритиш ва тозалаш ҳамда ундан сунг миқдор ва сифат күрсөткічләри қайд этилган пахтани қуритиш ва тозалаш топширикнома /19-ХЛ шакл/ асос бўлиб хизмат қилади.

Хисоб дафтарига ёзиш тартиби:

- пахтани қабул квитанциялари асосида топширилиши
"Кирим" бандига:

- пахта тұдаси тұла тұпланиб бұлғандан сұнг пахтани қуритиш ва тозалаш топшириқномасига биноан шу қуритиш ва тозалашнинг натижалари "Чиқим" бандига;

- пахта тозалаш корхонасига жұнатылған ёки сақлаш учун янги тұдага құшиб қойилған пахта миқдори:

- қайтариб бұлмас күйинди /угар/ лар.

18.6.3. Пахтанинг тұпланған ҳар бир тудасини қуритиш-тозалаш цехига узатылған аввал тайёрлов пункти мұхосиби қабул қылувчи билан бирга уч нусхада пахтани қуритиш ва тозалашга топшириқнома /19-ХЛ шакл/ ёзадилар. Биринчи нусха тайёрлов пункти мұхосибасыда қолади, иккінчи нусха-цех бошлиғига, учинги нусха эса - қабул қылувчига берилади.

Шу топшириқномага биноан қабул қылувчи унда күрсатылған тұдан қуритиш ва тозалашға құяды, цехдан қуритилған ва тозаланған пахтани олади, уни үлчаш учун II-зонаға юборади, у ердан пахта ё пахта тозалаш корхонасига ёки ғарнлаш учун III-зонаға юборилади.

Қуритилған ва тозаланған пахтани ташиш қабул қылувчи кузатувида амалға ошириләди ва ташиш маршрути варақаси /20-ХЛ шакл/ билан расмийлаштириләди.

Қуритиш ва тозалашдан сұнг цехдан олинған пахта, янги тұдага тұплаш жойига ташиб борилаётганды үлчаниши керак.

Ҳар смена учун маршрут варақаларининг якуний маълумотлари тайёрлов пункти мұхосиби томонидан қуритиш ва тозалаш топшириқномасининг орқа томонига 19-ХЛ шаклнинг 3-бұлимиға ёзіб қўйилади, бу ердан тұда натижаси топшириқноманинг олд томонидаги "Пахтани қуритиш ва тозалаш натижалари" 2-бұлимга ўтказилади.

Маршрут варақаларидаги пахта вазнига оид якуний маълумотлар транспорт ҳайдовчисининг йүл варақасига ҳам ёзилади.

Қуритиш-тозалаш цехида қуритилиб тозаланғандан кейин қабул килинған пахтанинг ифлослиги ва намлигининг ўртача миқдори айрим күнлар учун ва тұда учун умуман ушбу йўриқноманинг 9.2.4-бандида курсатылған йўл билан аниқланади.

18.6.4. Қуритиш-тозалаш цехидан чиққан пахта қуритиш ва тозалаш тұғрисидаги тасдиқланған топшириқномага биноан

жамлашынг тегиниلى тұдасига ҳисобот дафтари бүйича 7-ХЛ шаклға қайта ишлашдан кейинги аникланган ҳақиқий вазни, намлиги ва ифлослиги қайд этилган ҳолда кирим қилинади.

Пахта тұдасининг қуритиш-тозалаш цехида қуритилиб-тозалангунга қадар бұлған кондицион вазни ва қуритилиб, тозаланғандан кейинги кондицион вазни орасидаги фарқ күйинди /угар/ қаторига ўтказилади ва белгиланған меъердан ортаслиги керак. Күйинди /угар/ пахтани қуритиш-тозалаш цехида қайта ишлаш пайтида ҳосил бұладиган чиқиндилардан биридир.

Пахтани қуритиш-тозалаш цехида қуритиш ва тозалаш якунлари тайёрлов пункти мудири томонидан ҳар бир тұда тугагандан сұнг даржол құриб чиқылади, агар бу тұдада күйинди /угар/ белгиланған меъердан ортиқ бұлса, бу ҳақда пахта тозалаш корхонаси раҳбарыға ҳабар қилинади, у иккі күн ичидә меъердан ортиқча күйинди /угар/ ҳосил бұлиш сабабларини аниклаш учун текшириш уюштириши керак.

Тайёрлов пункти мудирига пахтани ҳар бир тұда бүйича қуритиш- тозалаш цехида қайта ишлаш пайтида күйинди /угар/ миқдори белгиланған меъерда бұлғандагина қайта ишлаш натижаларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилған.

Агар қуритиш-тозалаш цехида қайта ишланған пахта механизация воситалари билан бевосита сақланадиган жойға үлчамасдан келтирилған бұлса, у ҳолда бу тұданинг кондицион вазни пахтанинг қуритилиб тозалашгача бұлған вазnidан белгиланған меъер бүйича күйинди /угар/ миқдорини айрииб ташлаш йули билан аникланади.

18.6.5. Пахта ва пахта маңсулотининг меъердан ортиқча камайиши ва күйиндига чиқиши, шунингдек пахтанинг бузилиши оқибатида нобуд бўлиши мудосиба ҳисоботлари ва баланслари тұғрисидаги Низом ҳамда пахта тозалаш корхоналарыда ва тайёрлов пунктларида пахта ва пахта маңсулотлари - тола, чигит, линт ва таркибида улюқ ва калта момиқ бұлған чиқитларнинг камомадларини чиқариб ташлаш тартиби тұғрисидаги Низомда белгиланған тартибларга мувофиқ чиқариб ташланади.

18.6.6. Қуритиш-тозалаш цехининг смена усталари цехнинг ҳар сменадаги иши бүйича цех ускуналарининг ишлаши

юзасидан ёзиладиган маълумот хати /23- ХЛ шакл/ орқали ҳисоб бериб боришлари шарт.

Маълумот хати бир нусхада ёзилиб, муҳосибага берилади, ундаги маълумотлар пахтани қуритиш ва тозалаш натижалари хақидаги /22-ХЛ/ умумий карта анализлари, /20-ХЛ/ маршрут варақа маълумотлари ҳамда пахтани қуритиш-тозалаш бўйича 2-бўлим кўрсаткичлари /19-ХЛ/ билан солишириб кўрилади. Маълумот хати кўрсаткичлари цех ишчиларига пахтани қайта ишланганлиги учун ҳақ тўлаш ҳамда ишлаб чиқаришдаги ёнилғи ва электр қуввати сарфини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

Смена давомида пахтани қайта ишлашдан олинган ва смена мастери маълумот хатида кўрсатилган миқдор ва сифат кўрсаткичлари пахтани қуритиш ва тозалаш юзасидан берилган топшириқноманинг орқа томонида ёзилган кўрсаткичларга /19-ХЛ/ албатта тўғри келиши керак.

18.6.7. Тайёрлов пунктлари пахта тозалаш корхоналарига ҳар ойда пахтани қуритиш-тозалаш цехларида қайта ишлаш натижалари тўғрисида ҳар бир тўда учун алоҳида ва йил бошидан ортиб борувчи тарзда ҳисобот /24-ХЛ/ тақдим этадилар.

18.6.8. Хўжликлардан ортиқча ифлосланган пахтани қуритиб тозалаб берганлик учун харажатлар ва ушлаб қолинган маблағлар тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш корхоналари томонидан “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” 8910-баланс счётида олиб борилади.

18.6.9. Тайёрлов пунктидаги қуритиш-тозалаш цехи ходимларининг сони ва иш ҳақи носаноат гурӯҳи режасида кўзда тутилади, қуритиш-тозалаш цехини сақлаб туриш учун зарур ҳақиқий харажатлар 2710-баланс счётида ҳисобга олинали ҳамда ялпи ва товар маҳсулотлари таркибига киритилмайди. Қуритиш-тозалаш цехини сақлаш ва ундан фойдаланиш харажатларини аналитик ҳисобланаш харажатларнинг қўйидаги бандлари бўйича амалга оширилали:

- ёрдамчи материаллар;
- технологик ёнилғи;
- ташқаридан олинадиган электр қуввати;
- машина ва ускуналарни сақлаш;
- ишлаб чиқаришдаги ишчилар, мухандис техник ходимлар ва хизматчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақи;

- иш ҳақига устама бериш;
- махсус иш кийими ва меҳнатни муҳофаза қилиш,
- пахтани цехга келтириш ва цехдан сақлаш жойига ташиш;
- асосий воситалар: бино ва иншоатлар, ускуналар амортизацияси;
- идишларнинг емирилиши, қайтмас куйиндишлар /угарлар/;
- ишланмайдиган давр харажатлари.

18.6.10. "Хизмат курсатувчи хўжаликлар" 2710-баланс счётида пахтага қуритиш-тозалаш цехида ишлов берилганинг ҳақиқии харажатлари қайд этилган булиб, улар ҳар ойда 9130 "Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар" баланс счетининг дебети бўйича ҳисобга олинади. Шу билан бирга, қуритиш-тозалаш цехида ой давомида ишлаганилик учун пахта топширувчилардан тушиб турган маблағ ўргача ставкала 9030-счёт "Ишлар бажарип ва хизматлар курсатишдан даромадлар" кредитиги бўйича 8910 - "Келиуси харажат ва тўловлар" баланс счёти киримига олинади.

Пахтага қуритиш-тозалаш цехида ишлов берилдан курилган заарар ва фойда тайёрлов ишлари таннархига ҳеч қандай таъсир курсатмаслиги керак.

18.6.11. "Хизмат курсатувчи хўжаликлар" деб номланган 2710- баланс ҳисобида эътиборга олинган тозалаш-қуритиш цехини ишлатилмайдиган даврда сақлаб туришга кетадиган харажатлар /доимий ишловчиларнинг иш ҳақи, капитал ва жорий таъмирлаш ва бошқалар учун ёзиладиган иш ҳақи/ ҳар ойда "Олдиндан тўланган хизмат ҳақи" 3120- счётига ўтказилади. 3120-счётда жамланган бу харажатлар қуритиш-тозалаш цехи ишлаб турган даврда ҳар ойда амалда ишланган кондицион вазндан пахта микдори учун режадаги нормада "Хизмат курсатувчи хўжаликлари" 2710-счетига ўтказиб борилади.

Йил охиригача қуритиш-тозалаш цехининг ишлатилмайдиган даврдаги барча харажатлари 3120-счётдан 2710-счётга тўла ўтказилиши керак.

18.6.12. Намлик ва ифлослик даражаси юқори булған пахта тайёрлов мавсуми охиригача қайта ишланимаса ва уни қуритиш-тозалаш ишлари биринчи ва иккинчи кварталларда давом этирилса, харажат ҳисоб-китоби 18.6.9, 18.6.10-бандларида курсатилган тартибда мавсум бошидан то охиригача 2710 ва

8910-счетлар бүйича натижаларни купайтира бориб, күйинли /угар/ ҳисобга олинған ҳолда амалга оширилади.

Тайёрлов пункти мұхосиби қуритиш-тозалашнинг пировард натижаларини 1 августдан кечикмай 9030-кирим счетига ортиқча харажат /турли заарлар/ ёки хұжаликлардан харажатларни қоплаш учун олинған маблагнинг қолдиги /турли фойдаларни/ 9130-кредит счётига үтказади.

18.6.13. Шу йилги ҳосил пахтасини марказлаشتырған ҳолда мавсум бошидан тайёрлов пунктларида қуритиш-тозалаш ҳисоботи /13-ХЛ/ 1 январдан 1 августгача якуний қилиб тузилади.

"Мавсум бошидан бүён пахтани қуритиш-тозалашға кетган харажаттар" дейилгандан 13-қаторда 2710-счет суммаси курсатилади. "Пахтани қуритиш-тозалаш учун кетган харажаттар хұжаликлар томонидан қопланади" дейилгандан 14-қаторда 8910-счётдаги сумма курсатилади.

Қуритиш-тозалаш цехи харажатлари бүйича чегириб қолинган сумма таққосланганда ана шу сумма таҳлил қылнастыған даврда қайта ишланған пахтанинг ҳақиқий миқдорига мутаносиб тарзда чиқарып ташланади.

18.7. Уруғлик чигит ҳисоби

18.7.1. Уруғлик чигит ҳисоби тайёрлов пункти мұхосиби томонидан 47-ХЛ шаклдаги "Уруғлик чигиттнинг омборхона ҳисоб-китоби" бүйича ҳақиқий вазнига қараб олиб борилади. Китобнинг сахифалари рақамланиб тикилған, сурғуч мұхр билан мустаҳкамланған бўлади. Олиб келингган уруғлик чигиттнинг ҳар бир тұдасига китобнинг битта саҳифаси ажратилади.

Келтирилған уруғлик чигитни ҳисобга олиш учун жунатувчининг накладнойи қўшилған 49-ХЛ шаклдаги уруғлик чигит сертификатининг дубликати асос бўлади.

18.7.2. Уруғлик чигитни хұжаликларга бериш тайёрлов пункти томонидан пахтанинг районлаشتыриладиган селекцион навларини жой-лаштириш режасига қатый амал қылнған ҳолда пахта тозалаш корхонаси томонидан миқдори ва сифати кўрсатиб ёзиб борилған наръял асосида амалға оширилади.

18.7.3. Жунатиласттан уруғлик чигиттнинг ҳар бир тұдасига уч нусхада товар-транспорт накладнойи ёзилади. Биринчи нусха уруғлик чигитни олиш учун берилған ишонч қофозига қўшиб мұхосибага

төгширилдати ва у чигитни омборхонадан чиқим қилиш учун асос булиб хизмат қиласи. Иккичи нусхаси хўжаликка жўнатилган чигитнинг кузатув хўжати ҳисобланади. Учигчи нусхаси чигитни тайёрлов пунктидан олиб чиқиб кетиш учун рухса гнома ҳисобланади.

Уруғлик чигит хўжаликларга унинг учун ҳақ тулангандан сўнг берилади.

18.8. Брезентларнинг ҳисоби

18.8.1. Тайёрлов пунктининг ўз балансига ўтказилган брезентлар "Арzon ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобида рўйхатга олинади. Худди шундай ҳисоб матоларнинг турлари ва ҳажмлари бўйича ҳам олиб борилади.

Брезентлар доналаб ҳисобга олинади ва даражаси ҳамда эскирганлигидан қатъий назар тайёрлаш ёки сотиб олиш таннархида баҳоланади.

18.8.2. Брезентларнинг эскириши "Арzon ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобида кўрсатиб берилади.

Эскириш суммаси ҳар чоракда режа месъёри бўйича ҳисобланади ва тегишли чегириш ҳисобига ўтказилади.

Брезентларни ҳисобга олишда эскириш курсаткичидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг даражаси ва эскирганлик суммаси аниқланади.

18.8.3. Таҳлилий ҳисоб-китобларни такомиллаштириш мақсадида тайёрлов пунктининг мустақил балансига эга бўлган ва тугалланган балансга эга бўлмаган муҳосибалари брезентларни ҳисобга олишининг 57-ХЛ шакли журналини юритади. Ҳар бир брезентта алоҳида 56-ХЛ шакли паспорт ёзилади, инвентар рақами қўйилади ва бурчаклари ва ўртасига ўша рақам ёзив қўйилади. Брезентлар аралашиб кетганда ёки таъмирлашга берилганда мана шу рақамлар орқали аниқлаб олинади.

Корхона ва тайёрлов пунктига қарашли брезентлар аралашириб юборилганда улар биридан иккинчисига ўтган брезентларнинг паспортларини алмаштириб олишлари керак.

18.8.4. Брезент ҳисоби ишончли бўлиши учун корхона ва тайёрлов пунктларининг барча ишчилари қўйидаги асосий қоидаларга амал қилишлари керак.

- тайёрлов пунктига келтирилган брезентлар фақат буюмлар омборхонаси мудири томонидан комиссия иштироқида қабул қилинади;

- ғарамларни ёпиш ва пахтани пахта тозалаш корхонасига ёки бошқа пунктларга жұннатишида ишлатиладиган брезентлар омборхоналардан олиб берилади;

- ғарамларни ёпиш ва хұжалик мақсадлари учун брезентлар қабул қылувчи ва уларни сақлаш учун масъул шахсларнинг жавобгарлиги остида булади;

- бұшаган брезентларни бир кишидан омборни четлаган ҳолда иккинчи кишига бериліши таъқиқланади;

- брезентларнинг омборга тушиши ва уларни омбордан чиқариш албатта тегишли хужжатлар асосида үша пайтнинг үзіда расмийлаштирилиши керак, уларни хужжатсыз бериш таъқиқланади;

- брезентлар қаралатында оид барча ҳужжатларда уларнин рақами, даражаси албатта күрсатылади.

18.8.5. Тайёрлов пунктіга брезентларнинг көлтирилиши қабул далолатномаси билан расмийлаштирилади ва далолатнома кузатув накладнойига илова қилиб мұхосибага топширилади.

18.8.6. Брезентларни тайёрлов пунктідан пахта тозалаш корхонаси ёки бошқа пунктларга жұннатиши тайёрлов пункті мудирининг ёзма буйруғига күра уч нусхада ёзилған харажат накладнойига асосан амалға оширилади. Харажат накладнойининг бир нусхаси тайёрлов пунктіда қолади, иккі нусхаси юқ билан биргә юкни олувчига тақдим этилади. Шу иккі нусханинг бири юкни омборга кирим қилиш учун, иккінчиси юкни ташиш учун ҳисоб-китоб хужжати ҳисобланади.

18.8.7. Брезентларнинг омборхонадан диспетчерларга, диспетчер-лардан омборга үтиши қыйидаги бир турдаги шакл асосида расмийлаштирилади:

- диспетчердан омборга түшганды тайёрлов пункті мұхосиби томонидан иккі нусхада ёзиладиган "кирим ордери" билан расмийлаштирилади, бу ордернинг бир нусхаси брезентни берувчига, иккінчиси қабул қылувчига берилади;

- омбордан диспетчердан "Талабнома" га биноан бериліб, талабнома тайёрлов пункті мұхосиби томонидан иккі нусхада ёзилади, унинг бириңи нусхаси брезент берганда қолади, иккінчиси уни олган шахсга берилади.

18.8.8. Брезентларни қуи даражага утказиш, уларни таъмирдан қабул қилиш, бутунлай яроқсиз булиб қолғанларини

ҳисобдан учиринш ишлари пахта тозалаш корхонасининг маҳсус комиссияси томонидан амалга оширилади.

18.8.9. Брезентни сақлаш учун масъул шахс томонидан камомадга ёки брезентнинг яроқсиз ҳолга келишига йўл қўйилган тақдирда айборлардан янги брезентнинг қиймати ундириб олинади, шу билан бирга у жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин.

18.8.10. Брезентлар ҳаракатига оид барча ҳужжатлар буюмлар омборхонаси мудири ва бошқа моддий жавобгар шахслар томонидан тўлдирилгандан кейин бир кун ҳам кечиктирмай тайёрлов пункти муҳосибасига топширилиши шарт.

18.8.11. Ҳар бир моддий жавобгар шахсга биркитилган брезентларнинг ҳужжатлари тайёрлов пункти муҳосибасида сақланади.

18.8.12. Тугалланмаган баланси бўлган тайёрлов пункти ва юклаш-тушириш базалари брезентлар ҳаракатини 58-ХЛ шакидаги "Идиш (тара) ва брезентлар ҳаракати хақидаги ҳисобот" га ўтказадилар. Ундаги рақамлар муҳосиба томонидан корхонадаги рақамлар билан таққосланади.

18.8.13. Тайёрлов пункти идиш ва брезентлар миқдорини ҳамда уларнинг ҳолатини текшириш мақсадида белгиланган тартиб асосида ялпи ҳисоб-китоб ўтказиши шарт ҳисоб-китоб натижалари рўйхатга олиш ёки далолатнома тузиш йули билан расмийлаштирилади.

18.9. Тайёрлов пунктидаги механизациялаштирилган ишлар ҳисоби

18.9.1. Тайёрлов пунктида кўп меҳнат талаб қиласидан ишларни механизациялашда унинг самарадорлигини аниқлаш, механизмлардан тўғри фойдаланиш ва меҳнат ҳамда материал меъёrlарини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда механизациялаштирилган ишларнинг маҳсус ҳисоби юритилади.

Тайёрлов пункти муҳосибаси, диспетчер, қуритиш-тозалаш цехининг смена мастерлари ва электр техникининг маълумот хатлари асосида маҳсус ҳисоб-китоб дафтари юритади.

19. СТАНДАРТ НАМУНАЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН ПАХТАДАН НАМУНА ОЛИШ ВА ПАХТАНИ МАХСУС АЖРАТИБ ҚҮЙИШ, УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ТЕХНИК ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ

19.1. Шу йилги пахтадан янги стандарт намуналар тайёрлаш ва уларни махсус ажратиб қўйиш учун намуна олиниади.

19.2. Пахта селекцион ва саноат нави ҳамда синфи бўйича махсус ажратиб қўйилади.

19.3. "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Пахтасаноат" вилоят бирлангималари у ёки бу пахта тозалаш корхонасига қарашли, ташқи кўриниши, стилғанлиги, толасининг пишиқлиги жиҳатидан бир ҳил пахта етиштирувчи туманларни олдиндан гурӯҳларга бўлади.

19.4. Ҳар бир тумандан кўзда тутилган тайёрлов пунктидан ҳар бир нав бўйича 10 кг дан кам бўлмаган миқдорда намуна олиниб, тегишлича пахта тозалаш корхонасига келтирилади. Пахта тозалаш корхона лабораторияси тайёрлов бўлими бошлиғи, агроном ва қабул қилувчи иштирокида пахта толасининг пишиб стилғанлик козффициенти бўйича дастлабки ўтказилган лаборатория текширишлари натижалари асосида бир қанча тайёрлов пунктлари пахталарини ўзаро таққослайди ва қайси намуна кўзда тутилган туманга кўпроқ тўғри келиши ҳақида хulosса чиқаради.

Ана шу хulosса асосида мазкур гурӯҳдаги туманларга хос бўлган ҳом ашё берувчи бир-иккита тайёрлов пункти танлаб олиниади. Бу пунктлардаги пахта стандарт намуналар тайёрлаш учун махсус ажратиб қўйилади.

Ушбу масалалар бўйича якуний қарор техник назорат ҳамда тайёрлов бўлимлари бошлиқлари хulosаси асосида пахта тозалаш корхона раҳбари томонидан қабул қилинади.

Стандарт намуналар учун пахта олиниадиган тайёрлов пунктлари аниқлаб олингандан сўнг намуналарнинг тўғри олинишига ҳамда махсус ажратиб қўйилган материалнинг сақланишига масъул шахс тайинланади ва у зудлик билан пахтани танлаш ва махсус ажратиб қўйишга киришади.

19.5. Намуналар шундай олиниши керакки, токи танлаб олинган пахтанинг ҳар бир нави ва синфи ташқи кўриниши бўйича давлат стандарти талабларини тўла намоён этадиган бўлсин.

Стандарт намуналар тайёрлашда уларни намлик ва ифлосланганлик даражаси юқори ва ўз-ўзидан қизиб кетиши мумкин бўлган пахтадан олиш таъқиқланади.

19.6. Учинчи синфга тегишли ва даланинг ўзида тозаланмаган пахтадан намуна пахтани қуритиш-тозалаш цехига чиқармай туриб олинади, чунки бу пахтада намлик юқори, стандарт намуналар учун танлаш ва намуна олишда пахтани ўз жойида ташқи кўринишига путур етказмаган ва ифлослигини сезиларли камайтирган ҳолда ҳаво ва қуёш нури ёрдамида қуритиш чораларини кўриш лозим.

19.7. Янги стандарт намуналари тайёрлашга пахтани маҳсус ажратиб қўйиш мазкур пахта тозалаш корхонасига қарашли тайёрлов пункtlари ва хўжаликларни таъминлаш учун етадиган миқдор ҳисобидан амалга оширилади.

Барча пахтани маҳсус ажратиб қўйиш биринчи навлар учун 1 ноябргача, паст навлар учун 15 ноябргача тугалланиши керак.

Пахтанинг ҳар бир маҳсус ажратиб қўйилган тұдасидан ўртача намуна олинади ва тегишли пахта тозалаш корхона лабораториясиға жўнатилади.

19.8. Лаборатория текширишлар учун намуна олади, сўнг ўртача намуна тенг икки қисмга булинади. Лаборатория унинг вазни 5 кг бўлган бир қисмини тегишли миқдордаги идишларга солиб пахта тозалаш корхонасидан почта ёки ўзининг транспорти орқали "Paxta tozalash IIChB" ОАЖ га тегишли хўжжатлар билан юбориши керак; 700070, Тошкент, Шота Руставели кўчаси, 8 уй. Намунанинг иккинчи қисми хўжжатнинг нусхаси билан лаборатория архивида сақланади.

Намуна солинган идишда "Пахтанинг стандарт намунаси" деган ёзув бўлиши шарт.

"Paxta tozalash IIChB" ОАЖ пахта намуналарини 1-февралгача олиши лозим.

Пахта намунасининг "Paxta tozalash IIChB" ОАЖ га жўнатиладиган курсатилган вазни белгиланган энг кам миқдор ҳисобланали ва бу миқдор пахтанинг нави ва синфини давлат стандартти бўйича аниқлашни таъминлайди.

19.9. Пахта тозалаш корхонасининг техник назорат бўлимининг бошлиғи имзолаган хўжжат "Paxta tozalash IIChB" ОАЖ га пахтанинг ҳар бир намунаси билан жўнатилади.

Хужжатда қуйидаги маълумотлар ёзилади: хужжатнинг рақами ва ёзилган санаси, пахтанинг селекцион нави, пахта тозалаш корхонасининг номи, пахта қабул қилинган сана, этиштирган туман ва пахтанинг қабул бўйича саноат нави ва синфи, унинг ифлослик ва намлик даражаси, толасининг пишиб етилганлик коэффициенти.

Хужжат икки нусхада тайёрланади: бир нусхаси почта орқали жўнатилаётган пахтага солинади, иккинчиси пахта тозалаш корхонасида сақланади.

19.10. Стандарт намуналар тайёрлаш учун маҳсус ажратиб қўйилган пахтани сақлаш шароитлари пахтанинг дастлабки кўриниши сақланишини таъминлаш керак.

19.11. Стандарт намуналар тайёрлаш пайтида пахта намунаси андоза қутиси бўлимига тўкиб солинади ва қўл билан зичланади. Пахтанинг мазкур туманга хос хусусиятларини, селекцион ва саноат нави ҳамда синфини акс эттирувчи ташқи кўринишининг сунъий яхшиланишига ёки ёмонлашувига йўл қўйилмайди.

Андоза қутисининг бўлими пахтанинг типик намунаси билан тўлдирилгач, унинг юза қисмига солинган намунага O'z DSt 615:1994 давлат стандартига мос келадиган қилиб ишлов берилади.

Юза қисмидан пахтанинг тўғри келмайдиган айrim бўлаклари ва бошқа нав ва синфа мансублари олиб ташланади. Стандарт намуналар тайёрлашда биринчи синф пахтадан ута чузилиб кетган бўлаклар ҳам олиб ташланади.

19.12. "Paxta tozalash IIChB" ОАЖ томонидан тайёрланган пахтанинг стандарт намуналарини Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси вакилларидан иборат комиссия тасдиқлайди.

Пахта тозалаш корхоналари тайёрлаган стандарт намуналар "Пахтасаноат" вилоят бирлашмаси, пахта тозалаш корхонаси, туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳамда «Paxta tozalash IIChB» ОАЖ вакилларидан иборат комиссия томонидан тасдиқланади.

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	4
2. ПАХТА ТЕРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚУРИШ	4
3 ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	6
4. ПАХТАНИ ҚҰЛДА ТЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	7
5. ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	8
6. ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДА ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЖАМЛАШ ТАРТИБЛАРИ ҲАМДА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ПАХТА СТАНДАРТИ ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ БОРАСИДАГИ МАССУЛИЯТИ	10
7. ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДА УРУГЛИК ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ТҮДАЛАРГА ЖАМЛАШ, САҚЛАШ ВА ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИГА ТАШИШ.	26
8. ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАН ПАХТА СИФАТИНИ АНИҚЛАШ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШ ВА ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРУВЛАРИ ЪТКАЗИШ, “ҚИЙИН ТОЗАЛАНАДИГАН” СЕЛЕКЦИОН НАВЛАР ПАХТАСИНИНГ ИФЛОСЛИГИНИ АНИҚЛАШ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ	31
9. ПАХТАНИНГ КОНДИЦИОН ВАЗНИНИ ВА СИФАТ КҮРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ.	38
10. ПАХТАНИ ҚУРИТИШ-ТОЗАЛАШ ЦЕХЛАРИ БҮЛГАН ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ, ҚУРИТИШ ВА ТОЗАЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	45
11. ПАХТАНИ САҚЛАШ	47
12. ПАХТАНИ ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДАН ТАШИШ ВА ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ.	57
13. ПАХТА НОБУДГАРЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ	63
14. ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЖҮНАТИШДА МЕХАНИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	64
15. ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ	65
16. ХЎЖАЛИКЛАРНИ ҚОП-ҚАНОР ВА ЭТАКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ	65
17. ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАН ПАХТАГА ҲАҚ ТУЛАШ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДА ҲИСОБОТ	65
18. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	74
19. СТАНДАРТ НАМУНАЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН ПАХТАДАН НАМУНА ОЛИШ ВА ПАХТАНИ МАХСУС АЖРАТИБ ҚЎЙИШ, УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТЕХНИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.	92

Қоғоз бичими 60x 90 1/16. Шартты босма табоқ 6.
Адади 1200. Буюртма № 98

«Toshkent tezkor bosmaxonasi» MChJ. 2005.
700200 Тошкент, Радиал тар кўчаси, 10 – уй. Тел.: 148 – 00 – 55.